Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

ENLIGHTENMENT * XALQ ZIYOLILARI GAZETASI *

1931-yildan chiqa boshlagan | 2003-yil 9-iyul, chorshanba | № 55 (7560)

Da'vat

Hamma qobiliyatlarning sarvari fikrlashdir.

Uilyam METYUZ

Ibrat

Andijon tumanidagi "Guliston" shirkatlar uyushmasi tumandagi 6-maktabga 25 yildan buyon homiylik qilib kelmoqda. Uyushma bu yil ham 2003-2004 o'quv yiliga tayyorgarlik ko'rayotgan maktab ta'miri uchun 300 ming so'mlik qurilish materiali va kam ta'minlangan oilalarning 25 nafar farzandini darsliklar bilan ta'minlashda 150 ming so'mlik amaliy yordam ko'rsatdi.

МОҲ: САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК ДАВОМ ЭТАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов "Марказий Осиё ҳамкорлиги" ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг навбатдаги йиғилишида иштирок этиш учун шу йил 5-6 июль кунлари Алмати шаҳрида бўлди

Мамлакатимиз раҳбари сафар олдидан журналистларга берган интервьюсида таъкидлаганидек, бундан қарийб бир ярим йил муқаддам Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамияти негизида "Марказий Осиё ҳамкорлиги" деган мутлақо янгича шаклдаги демократик тузилма ташкил этилганди. Иқтисодиётга оид масалалар билангина чекланиб қолган илгариги иқтисодий ҳамжамиятдан фарқли ўларок, ушбу ташкилотнинг ўзига хос жиҳати шундаки, унга аъзо тўрт мамлакат эндиликда нафақат иқтисодий муносабатларни ривожлантириш, балки сиёсий, ижтимоий ва бошқа соҳалардаги алоқаларни кенгайтириш учун пайдо бўлган янги имкониятлардан унумли фойдаланмоқда.

"Марказий Осиё ҳамкорлиги" (МОҲ) ташкилотини тузиш юзасидан Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон Президентлари 2001 йилнинг декабрида Тошкент учрашувида эришган келишув 2002 йил февраль ойида Алмати саммитида расмий таъсис ҳужжати имзоланиши билан ҳаётга татбиқ этилди. Ушбу ташаббус соҳиби Ислом Каримов ўшанда янги ташкилотга раис этиб сайланди. Ўзбекистон томони раҳбарлик қилган даврда МОҲга аъзо мамлакатлар Президентлари 2002 йил 6-7 июль кунлари Оқтовда (Қозоғистон), 5-6 октябрда Душанбеда (Тожикистон), 27 декабрда Остонада (Қозоғистон) учрашди.

Бу галги Алмати саммити мазкур ташкилот доирасидаги бешинчи олий даражадаги учрашув бўлди. Ташкилотга аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг тор доирадаги мажлисида, шунингдек, кенгайтирилган таркибдаги йиғилишда, аввало, "Марказий Осиё ҳамкорлиги"нинг ўтган даврдаги фаолияти сарҳисоб этилди.

Анжуманда ташкилотга Ўзбекистон томони раҳбарлик қилган ана шу даврда мамлакатларимизнинг муносабатларини ҳар томонлама ривожлантириш йўлида салмоқли одимлар қўйилгани таъкидланди. Давлатлар раҳбарларининг олий даражадаги учрашувларидан ташқари, Тошкент шаҳрида минтақа миқёсидаги ишбилармон доираларнинг бизнес-форуми, ташкилотга аъзо мамлакатлар парламентлари вакиллари йиғилиши ташкил этилди. Энг муҳими, ташкилотнинг нуфузи ва самарадорлигини ошириш учун ушбу минтақавий тузилма доирасида қабул қилинган ҳужжатларнинг амалий жиҳатлари ва тўлиқ ижросига алоҳида урғу берилди.

Музокаралар чоғида минтақада иқтисодий интеграцияни ривожлантиришнинг, сиёсий, ижтимоий, илмий-техникавий, маданий-маърифий алоқаларни кенгайтиришнинг шакл ва механизмларини такомиллаштириш масалаларига ҳам жиддий эътибор қаратилди.

Президентлар халқаро масалалар, уларнинг минтақа мамлакатларига таъсири, хусусан, тинч ҳаётга қадам қўя бошлаган Афғонистондаги ўзгаришларнинг ижобий жиҳатлари, ушбу мамлакатга кўмаклашишда саъй-ҳаракатларни ўзаро мувофиқлаштириш ҳақида ўзаро фикр алмашди.

Ташкилот доирасидаги учрашувлардан бирида Ислом Каримов минтақа мамлакатлари ўртасида ўзаро теледастурлар намойиш қилиш таклифини илгари сурганди. Саммит якунлари бўйича уюштирилган матбуот анжуманида Президентимиз бу борадаги ҳозирги вазият ҳақида гапираркан, жумладан, бундай деди:

— Мамлакатларимиз халқларини теварак-атрофимизда ва биринчи галда, минтақамизда юз бераётган воқеалардан, янгиликлардан хабардор қилиш ҳақида кўп гапиряпмиз. Аммо бу фикрни ҳаётга татбиқ этишга ҳозирча муваффақ бўлолмаяпмиз. Ваҳоланки, ахборот, фақат холис ахборотгина бир-биримизни тўғри ва чуқур англашимиз учун имконият яратади.

Шу боис мазкур анжуманда ҳам бу борада амалий қадам қўйилди. Эндиликда ташкилотга аъзо ҳар бир мамлакат телевидениеси ҳафтасига икки соатдан тегишли мамлакатлар телевидениеси кўрсатувларини намойиш этиб боради.

Ислом Каримовнинг таъкидлашича, ушбу қарор ахборот алмашиш борасида ташкилот доирасидаги ҳамкорликнинг дастлабки босқичидир. Келгусида бу жабҳадаги ҳамкорлик мамлакатларимизда ўзаро мухбирлик пунктларини очиш ва бу соҳада мавжуд натижаларни изчил ривожлантириб боришдан бошлаб, минтақа мамлакатларининг биргаликда ер йўлдошидан унумли фойдаланишигача бўлган кенг кўламли ва узоқ муддатли саъй-ҳаракатларни қамраб олади.

Бу — мамлакатларимиз ҳаётини чуқурроқ билишга, халқларимизни бир-бирига янада яқинлаштиришга, минтақа давлатлари раҳбарлари аҳдлашувларининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини кишиларимиз теранроқ англашига, давлатларимиз ўртасида бундан-да очиқроқ мулоқотлар пайдо бўлишига олиб келади. Ўзаро ишончни мустаҳкамлайдиган бундай ҳаракат, шубҳасиз, минтақавий ҳамкорликни кенг ривожлантиришда энг асосий омиллардан биридир.

Учрашув якунлари бўйича бир нечта қўшма ҳужжатлар имзоланди. Ўзбекистон Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси ва Тожикистон Республикаси давлат раҳбарларининг қўшма баёноти, Терроризм, экстремизм ва наркотикларнинг ноқонуний айланишига қарши курашда "Марказий Осиё ҳамкорлиги" ташкилотига аъзо давлатлар саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштиришни кучайтириш тўғрисидаги қарор шулар жумласидандир.

(Давоми 2-бетда)

ҚИЗИМНИ ЎЗ СОҲАСИ БЎЙИЧА ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛИШАЯПТИ

ДЕДИ КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ БИТИРУВЧИЛАРИДАН БИРИНИНГ ОНАСИ

5 июль куни республикамиздаги барча касб-ҳунар коллежи битирувчиларига диплом топшириш тантаналари бўлиб ўтди.

Бугунги ислоҳотлар тақдири, унинг қай даражада амалга тадбиқ этилиши, биринчи навбатда кадрларнинг малакасига, уларнинг ўз ишини қай даражада мукаммал эгаллагани, шу билан бирга юртпарварлиги ва фидойилигига боғлиқ. Шундай экан, эртанги кунимиз муносиб эгалари бўлган билимга чанқоқ, истеъдодли ва интилувчан ёшларнинг сафи тобора кенгайиб бораётгани киши дилини қувонтиради. Ана шундай зукко ёшларнинг сафи яна 26 минг нафарга ортди. Бинобарин, ўтган ҳафтада республикамиздаги 241 та касб-ҳунар коллежининг иқтидорли, серғайрат битирувчи-ёшларига мутахассислик дипломлари топширилди. Республикамиздаги ана шундай касб-ҳунар коллежларининг минглаб ўқувчиларига ўзлари қизиққан ва танлаган йўналишларида юздан ортиқ мутахассисликлар бўйича чуқур соҳалаштирилган ва табақалаштирилган билим берилди.

(Давоми 2-бетда)

Ҳар бир давлатнинг келажагини унинг билимли, зукко ва албатта, фидойи ёшлари қуради. Бундай ёшлар эса олий таълим муассасаларини битиришмоқда.

Бу йил магистратуранинг 3-қалдирғочлари мустақил ҳаётга йўл олмоқдалар. Жумладан, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида ҳам магистрларга диплом топшириш маросими чин маънодаги байрамга айланиб кетди.

Карнай-сурнайлар навоси билан бошланган тантанани университет ректори Т.Долимов очар экан, битирувчиларни табриклаб шундай деди:

ОЛТИ ЙИЛЛИК ЗАҲМАТ

ДИПЛОМ ОЛИШ МАРОСИМИДА УНУТИЛИБ КЕТДИ...

— Бугун магистрлик дипломини қўлига олаётган битирувчиларимиз олдида мураккаб ва шарафли ишлар турибди. Улар ўзларининг илмий ишларидаги янгиликларни ҳаётга татбиқ этиб, юртимиз равнақига ўз ҳиссаларини қўшиши зарур. Бунга ишончим комил, албатта. Сиз қаердаки ишламанг, зиё чашмасини очингизлар. Аввало, устозларингиз, отаонангиз ва халқимизнинг ишончини оқланг. Келгуси фаолиятингизга зафарлар тилайман! Оқ йўл, сизга магистрлар!

— Бу йил университетимизда фаннинг табиий, гуманитар йўналишларида жами 442 нафар талаба 78 та мутахассислик бўйича магистрлик унвонига сазовор бўлдилар. Кўрсаткични олдинги йиллардаги натижага таққослайдиган бўлсак, дастлаб 2001 йили 47 мутахассислик бўйича 198 нафар талабамиз магистрлик дипломини олган эди. Бундан кўриниб турибдики, йилдан йилга имкониятларимиз ортиши баробарида талабаларимизнинг магистрликка иштиёқи ҳам ортиб бормоқда, — дейди магистратура бўлими бошлиғи Ҳожиакбар Долиев.

(Давоми 2-бетда)



НУРОБОДЛИКЛАР ТАЖРИБАСИ

Самарқанд вилоятининг аҳоли унчалик зич бўлмаган туманларида мутахассис кадрларга эҳтиёж йилдан йилга ошиб бораётир. Шу боис Нуробод тумани халқ таълими бўлими Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ижросини таъминлаш мақсадида етишмаётган мутахассислар ўрнини қоплаш учун жорий йилда мактабни битирган ўқувчилар билан яқиндан мулоқотда бўлиб, уларнинг олий ўқув юртларида таҳсил олиши ҳақида аниқ режалар ишлаб чиқди.

Яқинда вилоят халқ таълими бошқармасида мазкур мавзуга бағишлаб ўтказилган семинар-кенгашда барча туман халқ таълими бўлимларининг кадрлар бўйича назоратчилари, мактаб директорлари, нурободлик тажрибали ўқитувчилар ва олий ўқув юртларига кириш учун ҳозирлик кўраётган битирувчилар иштирок этишди.

Семинар-кенгаш иштирокчилари нурободликларнинг кадрлар тайёрлаш борасидаги ишлари билан яқиндан танишдилар.

— Туманимиздаги 75 та умумтаълим мактабларида 26 минг нафардан зиёд ўқувчига 2412 нафар педагог ходим таълим-тарбия бериб келмоқда. Шундан 94 нафар ўқитувчи нафақада бўлса-да, ўқитувчи етишмаётганлиги сабабли мактабларда дарс бериб келмоқда. Бундан ташқари, мактабларда 62 нафар педагог кадр етишмайди. Қоларверса, 2005 йилга қадар яна 282 нафар педагог-ўқитувчиларимиз қарилик нафақасига чиқиши лозим. Бу рақамлар бизни жиддий ўйлаб иш тутишимизни тақозо этмоқда, — дейди кенгашда сўзга чиққан туман халқ таълими бўлими мудири Э.Абдусаломов.

Tashabbus

— Нуробод туманидаги 7 та қишлоқ фуқаролар йиғини бўйича 152 нафар талаба республикамизнинг педагогик йўналишдаги олий ўқув юртларида таҳсил олмоқда. Бироқ бу рақам мактабларимизнинг кадрларга бўлган эҳтиёжини тўла қоплай олмайди. Шу сабабли ўқитувчилик касбини танлаган 64 нафар иқтидорли ўқувчи танланиб, уларнинг олий ўқув юртларига ўқишга киришлари учун яқиндан ёрдам бериш мақсадида туман халқ таълими бўлими томонидан репетитор ўқитувчилар бириктириб қўйилди. Бундан ташқари, Самарқанд давлат университети ва чет тиллар институти маъмурияти билан келишилган ҳолда ўқувчиларимизга профессор-ўқитувчиларнинг бепул репетиторлик хизматини ташкил этиш масаласи ва олий ўқув юртига шартнома асосида кирувчи ўқувчиларга ҳомийликлар орқали пул кўчириб ўқитиш масаласи ҳам туман ҳокимлиги таклифи билан маъқулланди.

Тумандаги 2-мактабга ишга келган мутахассис ўқитувчини ҳомий ташкилот — «Жанубий кон» бошқармаси маъмурияти бепул яшаш жой билан таъминлаш, 1-, 2-, 34-, 61-мактабларга ишга келган ёш мутахассисларнинг ойлик маошига 25 фоиздан 75 фоизгача қўшимча ҳақ тўлаш жорий этилди. Шунингдек, ўқитувчиларни моддий рағбатлантириш мақсадида туман ҳокимлиги ҳар бир мактабга 2-3 гектар сувли ер ажратиб берди.

Хуллас, вилоятдаги бошқа туманлар ҳам нурободликлар тажрибасидан ўрнак олса, арзийди.

Н.ШЕРБОЕВА,
махсус мухбиримиз

ТАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:

ОРОМГОҲ «АФСОНА»СИ
2-бет

«БОҒЧА»ЛАР НЕГА ИШЛАМАЯПТИ?
ЁХУД КАЛАВАНИНГ ТУГУНИ ҚАЕРДА?
3-бет

КАШФУ КАРОМАТЛАР СОҲИБИ
5-бет

АБИТУРИЕНТ ХАТОЛИККА ЙЎЛ ҚЎЙМАСИН
6-бет

ГИМНАСТИКА МУРАББИЙСИ
8-бет

SO'NGGI UCH KUN MUJDALARI

QAROR

Uy-joy qurilishini kengaytirish uchun shart-sharoitlar yaratish, aholi va respublika korxonalarining yog'och-taxta materiallariga hamda yog'ochga bo'lgan ehtiyojini ta'minlash, ichki iste'mol bozorini ular bilan to'ldirish maqsadida O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining Qarori matbuotda elon qilindi.

TASHRIF

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Islom Karimov Polsha Respublikasi Prezidenti Aleksandr Kvasnevskiyning taklifiga binoan 2003 yilning 10-12 iyul kunlari rasmiy tashrif bilan Polshada bo'ladi. Tashrif chog'ida ikki tomonlama munosabatlar ahvoli va istiqbollari, tomonlar uchun manfaatli bo'lgan xalqaro muammolarning muhokama qilinishi, shuningdek, qator hujjatlar imzolanishi rejalashtirilmoqda.

(Davomi 2-betda)

СОҒЛОМ АВЛОД ТАРБИЯСИ ОММАВИЙЛИК ТАЛАБ ЭТАДИ

Jarayon

Юртимизда азал-азалдан болалар ардоқланади. Оилада фарзанднинг кўп бўлиши хайрли саналади.

Ўзбекистонда болалар соғлиғини муҳофаза қилишнинг алоҳида концепцияси ишлаб чиқилган ва у амалиётга жорий этилмоқда. Бу концепциянинг ўзига хос муҳим жиҳати шундаки, унга кўра бола соғлиғи тўғрисидаги ғамхўрлик у туғилмасидан аввал бошланади. Бундай ўзига хос занжир қуйидаги тарзда намоён бўлади: соғлом ёшлар (никоҳга киргунга қадар) — бўлғуси соғлом ота-оналар — соғлом бола. Гарчи бу занжирда бўлғуси она соғлиғига алоҳида эътибор берилса-да, бўлғуси ота соғлиғи ҳам дастурнинг асосий мақсади саналади.

Соғлом боланинг туғилиши, энг аввало, онанинг соғлиғига боғлиқ. Аллоҳнинг буюк мўъжизаси бўлмиш аёл ўз дилбандини тўққиз ой вужудида асраб-авайлайди, дунёга келтиради. Унинг вояга етиши, инсон бўлиб шаклланиши учун фарзанд кутиш арафасида аёлга кўрсатилган илтифот ҳам, зуғм ҳам она вужуди орқали ҳомилага ўтади. Соғлиғи ночор, хўрланган, иштироб чеккан онадан соғлом фарзанд туғилмайди. Шу маънода аёлларни асраш — бу фарзандларни асраш, наслни асраш, охир-оқибатда миллатни асраш демакдир.

Оналарни ҳомиладорлик даврида тиббий назорат қилиб бориш ҳамда фарзанд туғилганидан кейин чақалоқларга патронажлик ёрдами кўрсатиш, чақалоқларни, эмизикли ва ёш болаларни юқумли касалликлардан асраш учун зарурий эмлаш ишларини олиб бориш ҳамда болаларга кўрсатиладиган барча тиббий хизматлар давлат ҳисобидан амалга оширилмоқда.

Маълумки, Республикамизда никоҳга қадар ихтиёрий равишда тиббий кўрикдан ўтиш тизими яратилган. Бу борада барча шаҳар ва туманларда фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини қайд этиш идоралари қошидаги ёшларни оила қуришга тайёрлаш бўйича доимий ишлайдиган курслар ташкил этилган бўлиб, уларда таҳсил олаётган йигит-қизлар никоҳ гигиенаси, репродуктив саломатлик ва соғлом ҳаёт тарзи тўғрисида етарли маълумотларга эга бўладилар.

"Соғлом авлод" концепциясига мувофиқ мамлакатда туғиш учун мақбул ёшдаги аёлларни соғломлаштириш ҳамда репродуктив соғлиқни яхшилаш ва соғлом оилани шакллантиришнинг махсус дастурлари ишлаб чиқилган ва ҳаётга изчил татбиқ этилаётир. Барча йирик шаҳарларда ва вилоят марказларида репродуктив соғлиқ марказлари, туманларда эса репродуктив соғлиқ хоналари ташкил этилган. Шунингдек, репродуктив соғлиқни сақлаш ва соғлом оилани шакллантириш масалаларида кўмақлашишни яхшилаш мақсадида Тошкент шаҳридаги 2-тиббиёт институти клиникаси ва Педиатрия илмий текшириш институти негизида республика ўқув-услубият маркази, Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг акушерлик ва гинекология кафедраси қошида "Ўсмир қизлар ва қизларнинг репродуктив саломатлигини яхшилаш республика маркази" фаолият юритмоқда.

Оилавий ҳаётга тайёргарлик тўғрисида аҳолининг турли қатламлари, хусусан ёшлар ўртасида фаол тарзда тушунтирув ишлари олиб борилиши натижасида ҳозирги вақтда аксарият аёллар учун энг мақбул туғиш ёши — 20-30 ёшга тўғри келиши аниқланди. Аввал туғишлараро оралиқ муддат 1,5 йилга бормайдиган тарзда фарзанд кўриш ҳоллари кўп кузатилган бўлса, ҳозирги вақтда туғишлар оралиғи аксарият ҳолларда 2 йилдан ошмоқда.

(Давоми 7-бетда)

Sizlar ham katta hayot ostonasidasizlar. O'z yo'llaringizni topish uchun ishlab chiqarishga dadil kirib boringlar...

— Bir bolaning bir kunlik ovqat puli necha so'mni tashkil etayapti? — yana so'raymiz u kishidan. — 2 ming 600 co'mdan.

МОҲ: САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК ДАВОМ ЭТАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ушбу ҳужжатлар лойиҳалари Президентлар томонидан чуқур муҳокама этилди ва муҳим амалий тавсиялар билан бойитилди. Ислом Каримов, Нурсултон Назарбоев, Асқар Акаев ва Имомали Раҳмонов қўшма баёнотни муҳокама этиш мобайнида ташкилот доирасида минтақа сув-энергетика заҳираларидан фойдаланиш бўйича консорциум тузиш, манфаатдор давлатлар ўртасида коммуникация лойиҳаларини амалга ошириш ҳамда минтақа мамлакатларини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни янада яхшилаш масалаларига алоҳида тўхталдилар.

Учрашувда мамлакатларимиз интеграциялашуви жараёнини фаоллаштиришда ва минтақа аҳолиси ҳаёт даражасини яхшилашда ғоят муҳим аҳамият касб этувчи ана шу фикрларни амалга ошириш учун яқин истиқболда қилинажак ишлар кўлами белгилаб олинди. Хусусан, биринчи галда халқаро молия ташкилотларига мурожаат этиш ва бу борада тегишли концепция ишлаб чиқишга келишилди.

"Марказий Осиё ҳамкорлиги" ташкилотига кейинги муддатга Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев раис этиб сайланди.

Ташкилотнинг навбатдаги саммитини Душанбе шаҳрида ўтказишга келишиб олинди.

Шу билан "Марказий Осиё ҳамкорлиги" ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг учрашуви ниҳоясига етди.

Юртбошимиз "Марказий Осиё ҳамкорлиги" ташкилотига таъриф берар экан, бундай ном берилаётганида шу тузилма доирасида минтақа миқёсида ҳар томонлама, кенг кўламли ҳамкорликни ривожлантириш кўзда тутилганига эътиборни қаратди.

Бир сўз билан айтганда, ташкилотга аъзо давлатлар раҳбарларининг Алмати саммити, ва умуман, тузилманинг қарийб бир ярим йиллик фаолияти якунлари шундан далолат берадики, "Марказий Осиё ҳамкорлиги" ташкилоти зиммасидаги вазифаларни дадил адо этмоқда.

Ушбу ташкилот неча минг йиллар давомида дўст ва иноқ, ҳамкор ва ҳамжиҳат яшаб келаётган, ўзининг азалий ва замонавий қадриятлари билан башарият тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келаётган халқларимиз ўз тараққиёти йўлида, аввало, ўзлигини англаши, ўз кучи ва интилишларига таяниши, қолаверса, бошқалар билан, хусусан, қўшнилар билан узоқ муддатли самарали ҳамкорликни ривожлантириши учун кўмаклашиш борасида салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Ғулом МИРЗО,
ЎзА махсус мухбири.
Тошкент-Алмати-Тошкент.

ОЛТИ ЙИЛЛИК ЗАҲМАТ

диплом олиш маросимида унутилиб кетди...

(Давоми. Боши 1-бетда)

— Қувонарли томони шундаки, магистрлар орасидан 24 нафари Евроосиё грантини олиб, Англия, Дания давлатларининг нуфузли университетларида ўқишларини давом эттириш бахтига мушарраф бўлдилар. Уларнинг 8 нафарига Эксетер университетининг сертификати топширилди.

Шундан сўнг факультетлар деканлари, қатор устоз-мураббийлар сўзга чиқишиб, магистрлик либосида даврани тўлдириб турган битирувчиларни тантана билан муборакбод этиб, ўз тилакларини билдирдилар. Табрикдан сўнг университет раҳбари имтиёзли дипломга сазовор бўлган магистрларга диплом, кўкрак нишони ва уларнинг илмий ишлари жамланган "Магистр — 2003" тўпламини топширди.

Тақдирлаш маросими тантананинг бадиий қисмига уланиб кетди. Бир қатор эстрада хонандаларининг чиқишлари тантанага ўзгача файз бағишлади. Зеро, дипломга эга бўлган ёш мутахассислар қалбида бу куннинг манзараси бир умр сақланади.

. . .

Шундай тадбирлардан бири Тошкент тўқимачилик ва енгил саноати институтида бўлиб ўтди. Жорий йилда институт магистратурасини 118 нафар ёшлар тугатмоқда. Тадбирни очар экан республика Олий ва ўрта махсус таълими вазири Саидаҳрор Ғуломов магистрларни қутлаб, даставвал 28 нафар имтиёзли диплом олишга муваффақ бўлган битирувчиларга дипломлар топширди. Институт ректори Ҳ.Алимова битирувчиларни қутлар экан, улар олдидаги масъулият ва вазифаларни яна бир бор эслатиб ўтди. Тантанали кечада институтнинг васийлик ва кузатув кенгаши аъзолари, ҳомийлар, корхона раҳбарлари, ота-оналар ҳам иштирок этдилар. Кечада қатнашган ота-оналар ўз фарзандлари камоли ва келажаги учун ғамхўрлик қилиб келаётган институт профессор-ўқитувчиларига ўз миннатдорчиликларини изҳор этишди.

Институт моддий-техника базаси аъло даражада эканлиги ва талаба ёшларга илмий тадқиқот ишларини бажаришлари учун кенг имкониятлар яратилганлиги туфайли илмга чанқоқ ёшлар тобора кўпайиб бормоқда. Талабалар олган билимларини "Ўзпахтасаноат" уюшмасида, касб-ҳунар коллежлари ва тўқимачилик корхоналарида амалиётда қўллайдилар. Бир неча йилдирки, Москва академияси ва Ўш-Ўзбек тўқимачилик институти билан ҳамкорлик қилиб келинмоқда. Институт фаолиятида япон мутахассисларининг ҳам ўзига хос ўрни бор. Қувонарли жиҳати шундаки, битирувчилар ўз иш жойларини яхши биладилар. Чунки улар анъанавий аукционда иш жойларини танлаб олганлар.

— Мен эндиги фаолиятимни Сурхондарё пахта тозалаш заводида давом эттирмоқчиман. Мени қуршаб олган ҳаяжон ва қувонч 6 йиллик меҳнатимнинг чарчоғини чиқариб юборди, дейди ҳаяжон билан битирувчи Д.Мўминов.

Кўпчилик битирувчилар ўқишни аспирантурада давом эттириш ниятида. Шундайлардан бири К.Ибрагимованинг сўзини тингладик: "Муҳандис-иқтисодчи ва химия-технология факультетини битирдим. Биз институтга келганимизда ёш ниҳол каби бўлсак, устозларимиз меҳри, тарбияси билан шу даражага эришдик. Мен аспирантурада ўқишни давом эттирмоқчиман,".

Тадбир сўнгида "Энг моҳир устоз ва ибратли шогирд", "Баркамол ёшлар мураббийси", "Фан умидлари" кўрик-танлови ғолиблари ва иқтидорли магистрларга ҳам эсдалик совғалари топширилди. Битирувчиларнинг қасамёди ва оммабоп ватанпарварлик қўшиғи эса тадбирга янада файз киритди.

. . .

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети магистратура бўлимини ҳам илм чўққисининг навбатдаги поғонасини босиб ўтган 190 нафар йигит-қиз битирди. Тантанали тарзда диплом топширилиш аввалида университет ректорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича муовини Абдуғаффор Қирғизбоев барча битирувчиларни қутлагач, магистрлик мантияси ярашиб турган йигит-қизларга эсдалик совғалари тақдим этилди.

— 190 нафар битирувчидан 28 нафари имтиёзли диплом билан битирди, — дейди профессор Боқижон Тўхлиев. — Бугун университетимизни битирган магистрлар мамлакатимиз таълим тизими тараққиётига муносиб ҳиссаларини қўшишни ният қилган ва биз ҳам уларнинг бу борадаги салоҳиятига ишонамиз.

Магистрлик дипломи ва эсдалик совғаларини маҳкам тутганча устозлари ва қариндошлари табригини қабул қилаётган битирувчилар Мирали Боймуродов ва Ойбек Шомуродовлардан кейинги режаси ҳақида сўрганимизда, улар тўлқинланган кайфиятда аспирантурага кириш ниятида эканликларини таъкидлашди.

Кимдир касб-ҳунар коллежларига, қайсидир академик-лицейларга ишга кириш, яна бошқаси илмий иш қилиш ниятида экан, барча магистрларга таълим тараққиёти йўлидаги ҳаракатдан ҳеч қачон толиқманг, дейсиз.

Саид РАҲМОНОВ,
Азиз НОРҚУЛОВ,
Шерали НИШОНОВ

ҚИЗИМНИ ЎЗ СОҲАСИ БЎЙИЧА ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛИШАЯПТИ

ДЕДИ КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ БИТИРУВЧИЛАРИДАН БИРИНИНГ ОНАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Тошкент қурилиш ва миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежи 2000 йилда бунёд қилинган бўлиб, дастлабки йили унга 4 та йўналиш бўйича 160 нафар ўқувчи қабул қилинган эди. Айни пайтда таълим муассасасида юзлаб ёшлар умумқурилиш ишлари, дурадгорлик ва паркет ишлари, газ таъминоти тизими жиҳозларини ўрнатиш ва таъмирлаш, заргарлик буюмлари ва тақинчоқларни таъмирлаш, бадиий ва миллий костюм, бадиий ўймакорлик, миллий архитектура-декоратив санъат ва наққошлик сингари ўнлаб ихтисосликлар бўйича таълим олмоқдалар.

Коллежнинг илк битирувчиларига диплом топшириш тантаналари ҳам таълим муассасасининг очилиши каби ёшларнинг келгуси ҳаётида бир умрга сақланадиган унутилмас хотира бўлиб қолди, десак муболаға бўлмайди. Шу куни коллежнинг серфайз, ҳашаматли ҳовлиси тантанага ташриф буюрган турли корхона ва муассасалар вакиллари, олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Собир Раҳимов тумани ҳокимлиги мутасаддилари ҳамда битирувчи ўқувчиларнинг ота-оналари билан янада кўркамлик касб этди. Коллеж раҳбари Ҳ.Ортиқов илк битирувчиларни мутахассислик дипломини топшириш тантанаси билан қизғин қутлар экан, уларнинг келгуси фаолиятларида муваффақиятлар тилади.

Шу куни коллежда уч йил давомида таҳсил олган 160 нафар ўқувчига диплом топширилди. Улар орасида ўқиш давомида ўзининг намунали хулқи, аъло билими ва интилишлари билан бошқаларга ибрат бўлган 8 нафар ўқувчи имтиёзли диплом олиш шарафига муяссар бўлдилар.

— Ўзбек халқининг ўзига хос удумларидан бири, аждодларнинг ҳунарини ўрганиб, ўзидан кейинги авлодларга етказишдан иборат, — дейди ана шундай имтиёзли диплом соҳибларидан бири Абдулҳамид Мавлонов. — Мен ҳам ана шу унутилмас ақидага амал қилиб, ота-бобомиз шуғулланган заргарлик ҳунарини эгаллашга аҳд қилдим. Шу мақсадда 2000 йилда мазкур коллежга ўқишга кириб, 3 йил давомида устозлардан малакали билим олиб, заргарлик ҳунарининг сиру синоатларини ўзлаштирдим. Насиб этса, бетакрор заргарлик маҳсулотлари билан Ўзбекистон ҳунармандчилигини жаҳонга танитиш ниятидаман.

Ирода Рашидова ҳамда Дилноза Паттоҳовалар ҳам коллежда тикувчилик йўналиши бўйича таҳсил олдилар.

— Тикувчилик касби — аёл кишининг зийнати, — дейди Ирода. — Бу касбни эгаллаган қиз ҳеч қачон ютқазмайди. Мен коллежда таҳсил олиш давомида миллий тикувчилик, каштачилик сир-асрорларини ўрганиш билан бирга, ўзимизда ишлаб чиқарилаётган матолардан замонавий кўринишдаги аёллар либосларининг янги-янги моделларини ишлаб чиқишни қунт билан ўзлаштирдим. Бу ишларни бажаришда бизга Германиянинг замонавий сўнгги русумдаги "Пфафф Зингер" тикув машиналари асқотди ва уларни барча имкониятларидан тўлиқ фойдаланиб бошқаришни мукаммал ўргандик. Келгусида коллежда олган билимларимни Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида бойитишни истардим.

— Коллежнинг илк ўқувчиси ва битирувчиси номини қўлга киритиш биз учун нафақат фахр ва шараф, балки масъулият ҳиссини ҳам юклади, — дейди дурадгорлик факультетининг битирувчиси Зокир Акромов. — Шу боис, ўқиш давомида ўзимизнинг намунали хулқимиз, интилишларимиз, жамоат ишларида фаоллик кўрсатиш билан ибрат бўлишга ҳаракат қилдик. Уч йиллик таҳсил мобайнида турли фан олимпиадаларида, кўрик-танлов, мусобақаларда иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллаб, коллежимиз шарафини муносиб ҳимоя қилдик. Айни ҳаяжонли пайтда бизга таълим-тарбия билан бирга ўз меҳр қўрини берган, малакали уста бўлиб етишишимиз учун бор куч-қувватини сарфлаган устозларимизга ташаккур билдириш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

— Айни пайтда илк битирувчиларимизни пойтахтимиздаги корхона ва муассасаларга ишга жойлаштириш масаласи билан шуғулланмоқдамиз, — деди биз билан суҳбатда коллежнинг касб-ҳунар таълими бўйича директор ўринбосари, физика-математика фанлари доктори Аминжон Мавлонов. — Бунинг учун Тошкент шаҳридаги ўнлаб корхоналар — "Фотон" ишлаб чиқариш корхонаси, 12-трест АЖ, "Малика" ва "Орзу" тикув фабрикалари билан шартномалар имзоланган. Шунингдек, бир қанча собиқ ўқувчиларимиз эндиликда хусусий кичик корхоналарида фаолият бошлайдилар. Битирувчиларнинг 40 нафари олий ўқув юртига ўқишга кириш учун ҳужжат топширмоқдалар. Улар орасида коллежда таҳсил олиш давомида ўзининг иқтидори ва салоҳиятини тўла намоён этиб, Тошкент давлат техника университети, тўқимачилик ва енгил саноат институтининг махсус стипендиясига сазовор бўлган ўқувчилар ҳам бор. Биз барча собиқ ўқувчиларимизга келгуси фаолиятларида омадлар тилаб, катта имтиҳонларга тадорик кўраётган ёшларимизга муваффақиятлар ёр бўлишини истаймиз.

* * *

Аброр Ҳидоятов номидаги ўзбек давлат ёшлар театрининг зали катта йўлнинг бошида келажакка ишончла боқиб, турган ёшлар, уларнинг устозларию ота-оналари билан гавжум. Мутахассислик дипломини қўлга киритаётган Мирзо Улуғбек машинасозлик коллежининг илк битирувчилари ҳаяжонига шерик бўлиш ниятида жамулжам бўлишган. Ушбу ўқув йилида мазкур коллежни илк бор жами 48 ўқувчи — 24 нафар битирувчи электрон ускуналарни созлаш ва таъмирлаш йўналиши бўйича, яна 24 нафари эса ҳуқуқшунос-иқтисодчи йўналиши бўйича тамомлашди.

Битирувчиларга диплом топшириш маросими бошлангач, коллеж маъмурияти, устозлар, меҳмонлар учирма бўлаётганларга ўз тилакларини билдиришди. Шундан сўнг бир умр эсдан чиқмас, ҳаяжонли дамлар бошланди. Мутахассислик дипломлари ўз эгаларига обрў эътиборли устозлар ва меҳмонлар томонидан топширилди. Дипломларини қўлларига маҳкам сиқиб ушлаб олган битирувчиларни эса хурсандчилик аралаш алланечук ҳислар банд этгани кўриниб турарди. Кўз ёшларини тиёлмаётган, ҳуқуқшунос-иқтисодчи йўналишида таълим олган Дилноза Эгамбердиевага юзланамиз:

— Коллежни тамомлаётганимдан тўғриси ҳам хафаман, ҳам хурсандман. Чунки, ўрганиб қолган устозларимиз билан хайрлашиш биз учун оғир. Уларнинг билимларини оқлаш учун эндиликда, албатта, ҳаракат қиламан. Бу ерда олган билимларимни олий мактабда ҳам мустаҳкамлаб, эртага ўз ўрнимни топа оладиган кадр бўлишни мақсад қилдим.

Суҳбатимизга Дилнозанинг онаси Гулчеҳра Эгамбердиева қўшилди:

— Қизим бошида шу коллежга ҳужжат топширганида, бу ерни битириб ишга жойлаша олармикин деб хавотирга тушган эдим. Ўқиш мобайнида билдимки, бу ерда болаларимиз ҳам билим олишаркан, ҳам ҳунар ўрганишаркан. Мана, қизимни ҳозир ўз соҳаси бўйича ишга таклиф қилишяпти. Лекин, у олий ўқув юртида ўқишни давом эттирмоқчи. Битирувчиларнинг ҳаммаси мақсадларига эришсин дейман.

Шу пайт ҳамма баҳоси «беш» бўлган диплом билан бирга фахрий ёрлиқни ҳам қўлга киритган ЭҲМ оператори ва электрон ускуналарни созлаш бўйича уста мутахассислигини эгаллаган Темур Қаюмов ҳам Тошкент давлат техника университетида ўз йўналиши бўйича ўқишни давом эттирмоқчилигини айтди. Иш жойларига йўлланма олаётган битирувчилар ҳақида коллежнинг раҳбар ўринбосари Шоҳиста Мамасолиева маълумот берди:

— Барча битирувчиларимиз жойларда амалиётни ўташди. Ва деярли борган жойларидан ҳозиргача бизларга талабномалар келди. Ўқишни давом эттирмоқчи бўлганлардан ташқари икки йўналиш бўйича ҳам ўзини кўрсатган ўқувчиларимиз ўз иш ўринларига эга бўлди деб айта оламан. Мисол учун Юлдуз Айтмуратова, Надима Самбекова, Манзура Жонбоева каби кўплаб битирувчиларни ЎМКҲТРИ ЭҲМ операторлигига ва туман, шаҳар прокуратураларига ишга чақиришаяпти.

Бироз бўлсада юраклар дупурини босувчи театр ижодкорларининг мусиқий дастурлари, саҳна асарларидан парчалар намойиш этилгач, маросим сўнггида коллеж директори Муаттар Азлярова шундай деди:

— Бугун сизларнинг меҳнатларингизни роҳат қилиб дипломингизни қўлларингизга тутқазишни ҳамманикидан бошқача кўринишда, яъни театр биносида ташкил этганлигимизда рамзий маъно бор. Чунки шунчаки дастурхон олдида чақчақлашмасдан, ҳозирги дастурлардан ўзингизга маънавий озуқа олдингиз. Қолаверса, театр бу ҳаёт мактаби. Сизлар ҳам катта ҳаёт остонасидасизлар. Ўз йўлларингизни топиш учун ишлаб чиқаришга дадил кириб боринглар...

М. ИСРОИЛОВ,
Н. ЭРХОНОВА,
«Ma'rifat» мухбирлари

SO'NGGI UCH KUN MUJDALARI

(Davomi. Boshi 1-betda)

ROSSIYA PREZIDENTINING TASHRIFI KO'CHIRILDI

2003 yil 6 iyul kuni O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Islom Karimov bilan Rossiya Federatsiyasi Prezidenti Vladimir Putin telefon orqali so'zlashdi. Moskva shahrining Tushino tumanidagi fojiali voqealar va buning oqibatida qurbonlar bo'lgani munosabati bilan tomonlar Rossiya Federatsiyasi Prezidenti V.V.Putinning O'zbekiston Respublikasiga amaliy tashrifini boshqa muddatga ko'chirish lozim degan qarorga keldi.

YIG'ILISH

Vazirlar Mahkamasining Aloqa va axborot telekomunikatsiya texnologiya masalalari, Oila, onalik va bolalikni ijtimoiy muhofaza qilish hamda Qurilish, qurilish materiallari sanoati uy-joy-kommunal xo'jaliklari va transport majmualarining joriy yilning o'tgan 6 oy yakunlariga bag'ishlangan ying'ilishlari bo'lib o'tdi.

«GAROV JAMG'ARMASI» ISH BOSHLADI

Qoraqalpog'iston Respublikasi Tovar ishlab chiqaruvchilar va tadbirkorlar palatasi huzurida «Garov jamg'armasi» ish boshladi. U 11 million so'mgacha kredit olishda tadbirkorlarga garov kafolatini beradi.

BUXORODA YANGI KORXONA

Buxoroda faoliyat ko'rsatayotgan qo'shma korxonalar soni yana bittaga ko'paydi. Olot tumani markazida «Olotteks» O'zbekiston-Shveytsariya qo'shma korxonasi o'z faoliyatini boshladi.

Yoz — o'tmoqda soz

ОРОМГОҲ «АФСОНА»СИ

Китоб Қашқадарё воҳасининг энг сўлим гўшаларидан бири.

Сиз бирор марта Китоб-Самарқанд йўли билан юриб «Тахтақарача» довонидан ошганмисиз? Ёхуд худди шу йўл ёқалаб бунёд этилган «Мингчинор» деб аталувчи сўлим масканда бўлганмисиз?

«Мингчинор»да кейинги йилларда неча-нечалаб болалар оромгоҳлари, дам олиш масканлари, санаторийлар ва профилакториялар бунёд этилди. Мабодо, адолат юзасидан гап юритиб, «Ҳаётий таққослаш қоидаси» асосида айтгудек бўлсак, бу масканда жойлашган оромгоҳлар орасида Муборак газ конлари бошқармаси тасарруфидаги «Ёш алангачи» номи билан аталувчи болалар ёзги оромгоҳининг нуфузи баланд.

Гап шундаки, газчилар «Ёш алангачи» оромгоҳини бекаму-кўст бунёд этишган. Авваламбор, у жойлашган жойнинг ўзи гўзал. Кўл чўзсанг виқорли тоғ чўққиларига етгудек бўласан киши. Бир томон арчазор, яна бир томон эртаклардагидек ям-яшил бутазор. Юксак-юксакларидан тошлардан-тошларга урилиб-урилиб, доривор ўсимликларни ювиб-ювиб оқиб келаётган зилол ва соф булоқ сувларини айтмайсиз-ми? Жамики сайроқи қушлар «Мингчинор»да макон қуришган. Бир сўз билан айтганда «Мингчинор»нинг куни ҳам туни ҳам гўзал...

Болалар жойлашган хоналарнинг барчаси ораста ва гўзал бир тарзда жиҳозланган. Барча хоналар 3-4 кишилик. Айни кунда «Ёш алангачи»да 369 нафар болажон кўнгилдагидек ҳордиқ чиқаришаяпти.

— Халқимиз орасида «Аввал иқтисод, кейин сиёсат» деган гап юради. Хўш, болаларнинг қоринлари тўқ-ми? — сўраймиз оромгоҳ раҳбари Ҳайдар Қаландаровдан.

— Бу томондан ҳеч бир камчилигимиз йўқ, — дейди директор — Болаларимиз кун давомида 5 маҳал овқатланишаяпти. Овқатларимизнинг сифати ва қуввати юқори. Помидор, бодринг, қатиқ, турли-туман мевалар шарбати, кўкатлар, буларнинг барчаси дастурхонимизда мўл.

— Бир боланинг бир кунлик овқат пули неча сўмни ташкил этаяпти? — яна сўраймиз у кишидан.

— 2 минг 600 сўмдан. Ҳозир «Таомнома»ни ҳам кўрасизлар. Энг муҳими оромгоҳимизда назорат иши яхши йўлга қўйилган. Сизларни ишонтириб айтаманки, ҳар хил қинғир ишларга, талонтарожликларга йўл йўқ...

Ораста ва дид билан жиҳозланган ошхонадаги тозалик ва саранжом-саришталикдан кўнглимиз тўлди. Бизга маъқул тушган томонлардан яна бири, нон ва нон маҳсулотлари шу жойнинг ўзида тайёрланишидир. Қаранг, болалар кун давомида эндигина тандирдан узилган иссиққина нон тановул қилишаяпти. Бу йўл билан оромгоҳ маъмурияти, анчагина пулни ҳам иқтисод қилишаяпти.

Дарвоқе, шу йили оромгоҳнинг юқори қисмида дарахт ва бутазорлар орасида бунёд этилган «Афсона» номли эртаклар қўрғончасини бир томоша қилин-га! Мана сизга топқирлигу, мана сизга яратувчанлик. Йўлбарс, қоплон, оху, ҳайвонот оламининг шохи Бобошер, борингки, бу мўжизакор ҳайкалчалар гўё тирикдай. «Афсона»да бунёд этилган дам олиш ва суҳбатлашиш хоначаларини, афсонавий арғумчоқ ва ҳалинчакларни айтмайсизми?

— Оромгоҳимизда «Инглиз тилини ўрганиш», «Компьютер сабоғи», «Тарихимизни ўрганамиз», «Теннис», «Футбол», «Волейбол», «Шахмат-шашка», «Бадиий ҳаваскорлик», «Ёш рассом» тўгаракларини ташкил этдик — дейди мажмуа бош етакчиси Ғайрат Ҳафизов. — Бир сўз билан айтганда болаларимизда зерикиш бўлмайди. Ҳар куни неча-нечалаб тадбирлар саёҳатлар уюштирилаяпти...

Шу нарсани алоҳида таъкидлаш жоизки, оромгоҳ жамоаси орасида темир интизом ўрнатилган. Йўлкаларни супуриб-сидириб юрган фаррош хола ҳам, керак бўлса оромгоҳ директори ҳам, ҳамма-ҳамма ички низом ва қоидаларга бирдай бўйсунади. Кўзда тутилган мақсад эса битта: «Болалар кўнгилли ҳордиқ чиқаришсин!».

Абдували ОБИДДИНОВ,
«Ma'rifat» мухбири

ЎЗБЕК ВА КОРЕЙС ОЛИМЛАРИ

ҲАМКОРЛИК ҚИЛИШГА КЕЛИШИБ ОЛДИЛАР

Anjuman

Тошкент давлат техника университетида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ушбу университет, Корея Логос Менежмент Ассоциацияси ва «Истеъдод» жамғармаси ҳамкорлигида «Таълим ва иқтисодий ўсишни ривожлантиришда янги ахборот ва замонавий технологияларни қўллаш» мавзусида халқаро илмий семинар бўлиб ўтди.

Анжуманни Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазири С.Ғуломов кириш сўзи билан очар экан, унинг мақсади — илмий фаолият олиб бораётган профессор-ўқитувчилар, докторант ва аспирантлар ҳамда илмий ходимларнинг тадқиқот натижаларини таҳлил этишда муҳим омил эканлигини таъкидлади. Университет олимлари кореялик ҳамкасблари билан илм соҳасидаги халқаро алоқаларни янада мустаҳкамлаш, ўз салоҳиятларини юксалтириш, улар эришган натижаларни муҳокама қилиб, келгуси режаларни белгилаб олишдан иборат бўлишини ҳис қилдилар.

Ушбу халқаро илмий семинарда 20 нафардан зиёд кореялик олимлар ва университет тадқиқотчилари шунингдек, республикамизнинг бошқа ОТМлари олимлари ҳам ўзларининг илмий маърузалари билан қатнашдилар.

Анжуман иштирокчилари Самарқанд давлат университетида ўз ишларини давом эттирдилар. Халқаро анжуманнинг якуни шундан иборат бўлдики, Республикамиз олимлари томонидан олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларини халқаро миқёсга кўтариш учун бир қатор тадбирларни амалга оширишга келишиб олинди.

Санжар ТУРСУНХЎЖАЕВ

ХИТОЙЛИКЛАРНИНГ БЕҒАРАЗ ЁРДАМИ

Xalqaro hamkorlik

Шу ҳафта аввалида Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими Маркази раҳбарияти ҳамда Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси вакилларининг мулоқоти бўлиб ўтди. Тадбирда Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари, ЎМКҲТ Маркази раҳбари Ж. Ҳусанов, Хитой давлатининг мамлакатимиздаги элчиси, жаноб Чжан Чжимин иштирок этдилар.

Аввало, шуни таъкидлаш керакки, охирги йилларда Ўзбекистон билан Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги савдо-иқтисодий, маданий-маърифий соҳалардаги халқаро алоқалар жадал ривожланмоқда. Жорий йилда Хитой ҳукумати томонидан мамлакатимизга беғараз ёрдам сифатида ажратилган 5 миллион Хитой юани миқдоридаги 325 та компьютер жиҳозларининг 65 фоизи (192 та) ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларига ажратилди. Ушбу техник жиҳозлар ёрдамида республикамиздаги 14 та касб-ҳунар коллежи ҳамда 2 та академик лицейда 16 та замонавий ахборот технологиялари Марказлари барпо қилинди. Айни пайтда Хитой ҳукумати билан Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими Маркази ўртасида бир қатор лойиҳалар тайёрланиб, таълим муассасаларини жиҳозлашга кредит маблағларини ажратиш бўйича музокаралар олиб борилмоқда.

Икки давлат расмий доира вакилларининг учрашуви чоғида компьютер жиҳозлари тўпламларини қабул қилиб олиш ҳужжатини имзолаш маросими ҳам ўтказилди. Уни Ўзбекистон томонидан ЎМКҲТ Маркази раҳбари Жуманазар Ҳусанов ҳамда Хитой томонидан эса ушбу давлатнинг мамлакатимиздаги элчиси жаноб Чжан Чжимин имзоладилар.

Тадбир якунида жаноб элчи оммавий ахборот воситалари ходимларига интервью берар экан, мамлакатимизда таълим соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларга юксак баҳо бериб, юртнинг тараққиёти, равнақи ва келажаги юксак билимли ва салоҳиятли ёшлар томонидан бунёд қилиниши хусусида айтиб ўтди. Хитой Республикаси эса бу соҳадаги ҳамкорлик алоқаларини янада юқори босқичга кўтаришга тайёр эканлигини маълум қилди. Шунингдек, Хитой билан Ўзбекистон ўртасидаги бошқа яна бир қатор соҳаларда ҳамкорлик ришталарини ривожлантириш истиқболлари хусусида гапирди.

Тоҳир УМАРОВ

Biz tajribada sinab, shunga amin bo'lgan edikki, ayrim maktablarning huvillab yotgan oshxona va bufetlarini haqiqiy ishlayman degan tadbirkorlarga berish yaxshi samara beradi.

Qiziq, shirkat xo'jaligi raisi faqat paxta yig'imterimi davrida bog'chani ochishga zo'r berarkan-u boshqa paytlarda yana qulflanib qolaverarkan-da...

ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ ОШХОНАЛАРИ

бугун уларда аҳвол қандай?

Биз ўқувчилик давримизда, аниқроғи, бошланғич синфда ўқиганимизда катта танаффус пайтида сут билан булочка ёки бошқа бирор ширинлик бериларди. Бошланғич синфлар куни узайтирилган гуруҳ ҳисобланганлиги учун дарсларимиз тугагач, иссиқ таом билан овқатланардик. Ҳозирда эса ҳолат сал ўзгачароқ. Ота-оналар фарзандига мактабда тамадди қилиб олиш учун пул беришади.

Бола ота-онаси берган пулига бирор иссиқ овқат ёки қандолат маҳсулотларидан олиб еган бўлса яхши. Аксинча, мактаб олдида (ён-атрофида бўлиши мумкин) сотиладиган ҳеч қайси бири санитария-гигиена талабларига жавоб бермайдиган писта, қурт, сақич, шоколадлар билан қорнини "алдаб" қўйсачи!? Агарда фарзанди юқори синф бўлсаю, мактабдан бир қадам наридаги киоскадан сигарета олиб тутатса-чи!? Бу каби хаёллар кўпчилигингизни безовта қилса ажабмас. Хуллас, таълим тизимида кечаётган жараёнлар ичида таълим муассасаларини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, умуман болаларнинг овқатланишини рисоладагидек ташкил этиш масаласи долзарб жиҳатлардан бири саналади. Ана шуларни ҳисобга олган ҳолда бу йўналишда қилинаётган ишлар, ютуқли ва муаммоли томонлар ҳақида холис тушунча ҳосил қилиш учун Халқ таълими вазирлигининг Таълим жараёнини таъминлаш бошқармаси бош муҳандиси Зулфиқор Холмирзаев билан суҳбат уюштирдик.

— Даставвал таълим муассасаларида болаларни овқатлантиришни ташкил этиш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида маълумот берсангиз.

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 15 февралда қабул қилинган "Соғлом авлод" давлат дастури тўғрисида"ги қарорида кўрсатилган асосий талаблардан бири ҳам ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама етук ва соғлом вояга етказиш учун уларни ўз вақтида тўйимли ва сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашдан иборат.

Юқорида келтирилган сабаб ва камчиликлар натижасида болаларни белгиланган тиббий меъёр бўйича асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш даражаси пасайиб кетмоқда. Бунинг оқибатида болалар ва ўсмирлар ўртасида турли хил (камқонлик, бўқоқ, ҳар хил авитаминоз ва бошқа) касалликлар сони ортиб бормоқда.

— Яна бир ҳолатга эътибор қаратсак, яъни мактаб атрофларида, баъзан мактаб ҳовлисида турли хил писта, сақич, шоколад ва бошқаларни сотиб ўтиришади. Мана шу майда маҳсулотларнинг сифатига, истеъмол учун яроқлилигига ким жавоб беради?

— Аслида мактаб ва бошқа таълим муассасаларининг атрофларида бундай савдо тури билан шуғулланиш умуман мумкин эмас. Бу борада тегишли қонун ва қоидалар мавжуд. Кўпгина мактаб директорларининг ҳам шу муаммо юзасидан асаблари таранг.

Барибир бола — болада. Усти ялтироғу, бу ёғига бир нарса дейиш қийин бўлган нарсаларни сотиб олади. Ачинарлиси, ўша майда савдо столларида қандолат маҳсулотларидан ташқари сигарета, кучсиз портловчи мушаклар ҳам учрамоқда.

Лекин, улар солиқ идоралари, ички ишлар ва санитария-эпидемиология назорати ходимлари томонидан тартибга олиниши лозим. Бу "тадбиркорлар" ҳам аслида гувоҳнома ва рухсатномалари бўлгани ҳолида иш юритишбўлишса иш олдинга силжимайди.

— Таълим муассасаларида болаларни овқатлантиришни ташкил қилишда вазирликнинг тегишли идоралар билан ҳамкорлиги қандай йўлга қўйилган?

— Хукуматнинг юқорида қайд этилган топшириқ ва кўрсатмаларидан келиб чиқиб, Халқ таълими вазирлиги "Ўзбексавдо", "Ўзбекбирлашув" акциядорлик компаниялари, жойлардаги маҳаллий ҳокимликларнинг тегишли бошқарма ва ташкилотлари билан ҳамкорликда умумтаълим мактаблари ўқувчиларни арзон, тўйимли, сифатли иссиқ овқатлар билан таъминлаш, шунингдек, мактаб ошхоналарини технологик жиҳозлар, мебеллар ва идиш товоқлар билан таъминлаш борасида бир қатор ижобий ишларни амалга оширди.

Ўтган йилда мутасадди ташкилотлар билан биргаликда умумтаълим мактаб ошхоналари ва буфетларидаги мавжуд ўриндиқлар, савдо-технологик жиҳозлар ва идиш товоқлар хатловдан ўтказилиб, ошхона ва буфетларнинг тўлиқ фаолият кўрсатишларини таъминлаш мақсадида етишмайдиган ва таъмирталаб жиҳозлар аниқланди ва бу борада тегишли чоралар кўриш юзасидан маҳаллий ҳокимликларга таклифлар киритилди.

Ўтган йилнинг сентябрь ойида "Ўзбексавдо" акциядорлик компанияси, Тошкент шаҳар ҳокимияти билан ҳамкорликда Тошкент шаҳрида ва "Ўзбексавдо", "Ўзбекбирлашув" акциядорлик компаниялари, Фарғона вилояти ҳокимлиги билан ҳамкорликда Фарғона вилоятида "Мактаб ошхоналари фаолиятини такомиллаштириш" мавзусида Республика амалий семинарлари ўтказилди.

Ушбу семинар натижасида Тошкент шаҳри ва Фарғона вилоятидаги бир қатор мактаблар ҳомий ташкилотлар маблағлари, бюджет ва бошқа маблағлар ҳисобидан мактаб ошхоналари идиш-товоқлар, стол-стуллар, савдо-технологик жиҳозлари билан таъминланди.

Бу тадбирлар давом эттирилиб, жорий йилда ҳам Тошкент, Гулистон ва Нукус шаҳарларида шундай семинарлар ўтказиш режалаштирилган. Ҳозирги кунда тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

— Давлат таъминоти муассасаларида яъни, мактабгача таълим муассасалари, меҳрибонлик уйлари ва интернатларда овқатланиш масаласи бўйича умумий аҳволни қандай баҳолаш мумкин?

— Вазирлар Маҳкамасининг "Давлат эҳтиёжлари учун асосий озиқ-овқат турларини харид қилиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарорига асосан амалдаги "Улгуржи таъминот" савдо ташкилотлари негизида ташкил қилинган хўжалик ҳисобидаги махсус савдо фирмалари зиммасига давлат таъминоти муассасалари учун асосий озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиш масалалари юклатилган. Ушбу қарорда гўшт ва гўшт маҳсулотлари, сарёғ, чой, қанд-шакар, ўсимлик ёғи, ун, ёрма, қуруқ сут ва картошка давлат таъминотидаги муассасалар учун асосий маҳсулотлар бўлиб, уларни махсус савдо фирмалари Молия вазирлиги (нарх масалалари бўйича) ёки унинг жойлардаги органлари билан келишилган ҳолда етказиб беришлари белгилаб қўйилган.

Бироқ, ҳозирги кунда жойлардаги махсус савдо фирмалари белгиланган маҳсулотлардан фақатгина шакар ва ўсимлик ёғини (ишлаб чиқариш нархидан қиммат ҳолда) етказиб бермоқда холос. Қолган барча маҳсулотларни ҳатто мевалар ва сабзавотларни ҳам эркин нархда сотиб олиб, турли устама нархлар қўйиб (бозордан қиммат нархда) давлат таъминоти муассасаларига ўтказмоқда. Бу фирмалар томонидан аксарият ҳолларда сифатсиз маҳсулотлар харид қилиниши, нархлар қимматлиги, таъминотда узилишларга йўл қўйиш ҳолатлари кузатилмоқда. Бундан ташқари асосан қишлоқ хўжалигига ихтисослашган туманларда бюджет тақчиллиги туфайли ҳам муассасалар белгиланган меъёрларга нисбатан 50-60 фоиз таъминланмоқда.

Бу йўналишдаги камчиликлардан яна бири белгиланган тартибдаги савдо ярмаркалари ўтказилмаётганлигидир. Бундан ташқари давлат таъминотидаги муассасаларга бошқа жойдан маҳсулот харид қилиш маҳаллий ҳокимликлар томонидан қатъий таъқиқлаб қўйилган.

Шунингдек, боғчаларда, мактаб интернатларида, меҳрибонлик уйларида ошхоналарнинг жиҳозлари ҳам анча эскириб қолган. Яъни совутгичлар, музлатгичлар ва бошқа жиҳозларнинг кўпчилиги таъмирталаб. Техникаларнинг эскириб яроқсиз ҳолга келиб қолганлиги эса озиқ-овқат маҳсулотларини ташиб келтиришда муаммолар туғдирмоқда.

Юқорида келтирилган сабаб ва камчиликлар натижасида болаларни белгиланган тиббий меъёр бўйича асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш даражаси пасайиб кетмоқда. Бунинг оқибатида болалар ва ўсмирлар ўртасида турли хил (камқонлик, бўқоқ, ҳар хил авитаминоз ва бошқа) касалликлар сони ортиб бормоқда.

— Яна бир ҳолатга эътибор қаратсак, яъни мактаб атрофларида, баъзан мактаб ҳовлисида турли хил писта, сақич, шоколад ва бошқаларни сотиб ўтиришади. Мана шу майда маҳсулотларнинг сифатига, истеъмол учун яроқлилигига ким жавоб беради?

— Аслида мактаб ва бошқа таълим муассасаларининг атрофларида бундай савдо тури билан шуғулланиш умуман мумкин эмас. Бу борада тегишли қонун ва қоидалар мавжуд. Кўпгина мактаб директорларининг ҳам шу муаммо юзасидан асаблари таранг.

Барибир бола — болада. Усти ялтироғу, бу ёғига бир нарса дейиш қийин бўлган нарсаларни сотиб олади. Ачинарлиси, ўша майда савдо столларида қандолат маҳсулотларидан ташқари сигарета, кучсиз портловчи мушаклар ҳам учрамоқда.

Лекин, улар солиқ идоралари, ички ишлар ва санитария-эпидемиология назорати ходимлари томонидан тартибга олиниши лозим. Бу "тадбиркорлар" ҳам аслида гувоҳнома ва рухсатномалари бўлгани ҳолида иш юритишлари талаб қилинади.

Биз тажрибада синаб, шунга амин бўлган эдикки, айрим мактабларнинг ҳувиллаб ётган ошхона ва буфетларини ҳақиқий ишлайман деган тадбиркорларга бериш яхши самара беради. Улар иссиқ овқатлар хилини кўпайтириб, хизмат кўрсатиш тартибига ҳам эътибор берганлигининг гувоҳи бўлганмиз.

Бироқ ана шундай мақсадда ҳаракат қилаётганлардан коммунал хизматлари тўловлари, турли хил маҳаллий солиқлар, ижара ҳақки ундирилиши ўқувчилар учун тайёрланаётган иссиқ овқатлар таннархининг ошиб кетишига сабаб бўлмоқда. Бунинг оқибатида болалар яна нархи арзон бўлган "тадбиркор" маҳсулотини харид қилади. Бундай ҳаракатлар мактаб ошхоналарини ривожлантирмоқчи бўлган ташқи кучларнинг эътиборини сусайтирмоқда.

Шунинг учун мактаб ҳовлисида, ён-атрофидаги писта, сақич, турли хил муддати ўтиб кетган конфетлар, кўлбола пиширириқлар сотиб ўтирадиган "тадбиркорлар"нинг фаолиятига чек қўйиш ёки уларни тартибга олиш учун жойлардаги санитария эпидемиология назорати, солиқ, ички ишлар ва бошқа тегишли идоралар ҳамкорлиқда иш олиб борсалар мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Насиба ЭРХОНОВА
суҳбатлашди

«БОҒЧА»ЛАР НЕГА ИШЛАМАЯПТИ?

ёхуд калаванинг тугуни қаерда

АЛДАГАНИ БОЛА ЯХШИ, АММО ЖУРНАЛИСТ БОЛА ЭМАС-КУ?!

Бундан анча йиллар олдин Урганч туманидаги "Оқ олтин" ширкат хўжалиги ҳудудида тўртта боғча фаолият кўрсатар, қишлоқ жажжилари эса ширкат хўжалиги аъзоларининг, янада аниқроғи ота-боболарнинг пешона тери эвазига қурилган масканларда яйраб улғаярдилар. Ҳозир эса, бу дамлар эсдан чиқиб кетган. Шу боғчаларда тарбияланган ўша пайтлардаги кичкинтойларнинг аксарияти ота-она бўлишган. Анча йиллардан буён эшикларига қулф осилган, бир пайтлар жуда ҳашаматли бўлган биноларнинг болалар боғчаси бўлганлиги ҳақида фақат ота-оналардангина эшитадиган бу кичкинтойлар учун бир чўпчақдек туюлади...

Дарвоқе, "Юқорибоғ" қишлоғида етти ёшгача бўлган болалар сони 211 нафарни ташкил этади. Бу эса — боғча ёшидаги ана шунча боланинг боғчаларсиз улғаяётганлигидан дарак беради. Масалани бир қадар ойдинлаштиришга ҳаракат қиламиз.

— Болаларимиз боғча кўрмай улғайишди, энди катталари кичкиналарига қарашга яраб қолишди. Биз ҳам "Феруз" ҳиссадорлик жамиятига ишга кирмоқчимиз. Шунча йил уйда ўтириб бола боққанимиз ҳам бўлар, деди қишлоқ фуқаролар йиғинига яшаш жойидан маълумотнома олиш учун келган Нуқулжон ва Гулнора.

— Наҳотки, бир қишлоқда биттаям боғча ишламаса, — ҳайратимиз ортади.

— Ишламайди-да, ана машинаси бор оилалар шаҳар боғчаларига болаларини олиб бориб келишаяпти...

14,5 минг аҳоли истиқомат қиладиган қишлоқда бу каби муаммони кечиктирмай ижобий ҳал қилиш лозим. "Юқорибоғ" қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Раҳим Тоировнинг таъкидлашича 70 фоиз бола шаҳар боғчаларига қатнаётир. Бу болалар ота-оналарининг кўпчилиги шаҳарда ишлашади ёки бояги аёллар таъкидлаганидек транспорти бор оилаларнинг фарзандларигина ана шу имкониятдан — боғчада тарбияланиш, тил ўрганиш, мактабгача ёшдаги кичкинтойларга неки ўргатилаётган бўлса барчасидан баҳраманд бўлаётган кичкинтойлардир!

Шаҳар боғчаларига боришга улови йўқ оилаларнинг фарзандлари эса уйларида акалари ва опаларининг қўл остида улғаймоқдалар. Катта деганимиз нари борса 10-12 ёшни ташкил қилади. Ўзи ҳали бола бўлган норасидалар кичикларни парвариш қила олармиканлар?!

Қишлоқ фуқаролар йиғини раиси билан бир пайтлар "Гўзал" деб номланган, бугун эса дарвозаларининг ёғочлари синдириб ташланган ёки олиб кетилган ҳудудга кирамиз. Ёзги машғулотлар ўтказиш учун мўлжалланган кошонада болаларнинг қий-чувига, шўх кулгуларига муҳтож биноларга кирамиз. Ҳайҳотдек хоналар бўм-бўш...

— Кроватлар, кўрпа-тўшаклар, мебеллар, столстуллар қаерда?

— Омборхонага солиб қулфлаб қўйганмиз, — изоҳ беради ҳамроҳим. Пахта мавсумида ҳашарчи ўқувчилар келиб ётадилар, баъзи бебош болалар ойналарни синдириб ташлашган...

— Ойналарни-ку ўрнига қўйса, хоналар яхшилаб оҳаклаб, бўёқдан чиқарилса яхшигина фаолият юритса бўладиган бинокуми...

—Ҳа, пахта йиғим-теримида бу ерда мавсумий қилиб болалар тарбияланди, — деди Р.Тоиров.

Қизиқ, ширкат хўжалиги раиси фақат пахта йиғим-теримида даврида боғчани очишга зўр бераркан-у бошқа пайтларда яна қулфланиб қолаверарканда...

— Иситиш тизими ускуналари деярли чириб қолган, — ҳамроҳимнинг сўзлари хаёлимни чалғитади. — Айрим хоналардаги иситиш батареялари олиб кетилган.

1970 йилларда қурилган болалар боғчасининг 8 миллион сўмга сотилиши ҳақида гап-сўз бўлган-у нархи қиммат баҳоланганлиги сабабли қолиб кетган. Миллионлаб маблағлар сарф этиб қурилган болалар боғчалари нима учун фаолият кўрсатмайди? Худди ана шу савол билан "Оқ олтин" ширкат хўжалиги раиси Эркабой Худойбергановга мурожаат этдик.

— 4-6 йил бўлди, боғча туман халқ таълими бўлими ҳисобига ўтиб кетган, бизнинг балансдан чиққан...

— Бу ҳақдаги ҳужжатлар билан танишсам бўладими?

— Бухгалтер билади, ўша кишида ҳужжатлар, ҳозир у туман марказига кетган...

— Менинг эшитишимча, бу боғча ХТБнинг ихтиёрига ўтмаган экан...

— Йўқ, ўтган, агар ўтмаганида нариги боғчани хусусий қилиб сотмаган бўлардилар. Бизнинг эса бундан хабаримиз ҳам бўлмади.

Хусусий қилиб сотилган деб кўрсатилган боғча тақдири билан қизиқамиз. 60 ўринли боғча ҳашамдор қилиб таъмирдан чиқарилган. Ўтган йил декабрда сотилган. Биз борган куни бино қулф экан.

— Усталар ишлаётганди, — дея жавоб берди Р.Тоиров.

— Бино таъмирдан чиққан шекилли, усталар ишлаётган жойга ўхшамайдику, ҳаммаёқ чиннидек, — ҳайратимиз ортади. Қизиқ?!

Иккинчи боғча билан танишамиз. 90 ўринли "Севинч" жажжилар масканида ҳам "Гўзал"дагидек манзара. Ҳамма нарса тахт, фақат иссиқлик қувурларини, иситиш қозонини янгилаш керак. Бинода вақтинча яшаб турган хонадон бекаси боғча мудирасининг тез-тез келиб хабар олиб туришини айтади. Бир пайтлар ҳовуз бўлган, чиройли қилиб қурилган иншоот хандак бўлиб эскитуски, темир-терсак, ахлатлар билан тўлдирилган.

Яна бир манзара. "Камалак" болалар боғчаси деб илиб қўйилган ёзувнинг ранги униқиб кетган бўлсада бу ер бир пайтлар кичкинтойларнинг тарбия маскани бўлганлигидан дарак беради. Эшикдан киришимиз билан тизза бўйи тиконлар, янтоқларнинг тарвақайлаб ўсиб ётганини кўрдик. Салобатли, ҳайҳотдек боғчада эса жажжиларнинг ўйин-кулгулари ўрнига сукунат ҳукм сураётганлигидан қалбимиз зил кетди. Бино қулфлаб қўйилган. Ичкарига киришнинг имкони бўлмади.

— Икки қаватли бинода мактабгача ёшдаги бир гуруҳ болалар ўқитиларди, — ширкат хўжалиги раиси тушунтирмоқчи бўлади-ю биз унинг фикрини уқиб ололмадик...

200 нафар жажжиларнинг яйраб тарбияланишлари учун бу болалар боғчалари қачон ўз фаолиятини бошлайди? Раис аниқ жавобни ХТБ мудиридан олишимизни айтди ва сўзининг охирида, боғчани ишлатиш учун ҳамкорликда ҳаракат қилишга тайёрлигини таъкидлади. Ишчи кучи ажратиши оҳак, ғишт каби қурилиш материалларини беришдан қочмаслигини айтди.

Туман халқ таълими бўлими мудири Эгамберган Қозоқов билан учрашганимизда раиснинг нима учун ёлғон гапирганлигининг сабабини тушуна олмадик.

— Бир ой ичида ишга туширамиз, — деди Э.Қозоқов, — шу ҳудуддаги икки боғчани ижарага берганмиз. Боғчалар бизнинг ихтиёримизга ўтса, ширкат хўжалиги таъмирдан чиқариб берса бўлди — ишни шу куни бошлаймиз...

Қизиқ бўлди-ку? Раис боғчаларни хусусий қилиб сотилди деса мудир ижарага берилди деяпти?!

— Ижарага берилган боғчалар фаолияти наҳотки назорат қилинмайди? Ўтган йил декабрда ижарага берилган (мудирнинг сўзига қараганда) боғча негадир ўз фаолиятини бошламаяпти?

— Худди шу хусусида икки марта ёзишма қилдик. Натижа сезилмаётир. Хусусий қилиб сотиб олиш учун маблағ йўқлигидан ижарага бераяпмиз...

Шу соҳага — болалар тарбиясига жонкуяр киши бўлсагина хусусий боғчалар фаолиятидан қониқиш мумкин, — тарих фанлари номзоди Э.Қозоқовнинг фикрларини қоғозга туширишга ҳаракат қиламан, — фақат фидойи, шу соҳага умрини тиккан инсон бўлиши керак. Ана шундагина ишлар юришиб кетади...

Мақолани ёзишдан мақсадимиз — ширкат хўжалиги раиси Эркабой Худойбергановнинг юзаки кўрсатма берганлигини баён этиш эмас, аксинча қанчадан-қанча меҳнат эвазига қад ростлаган кичкинтойларнинг севимли даргоҳлари фаолиятини қайтадан йўлга қўймоқликдир! Қанийди, орадан кўп ўтмай ҳувиллаб ётган хоналар жажжи ўғил-қизларнинг шодон кулгуларига тўлса, қанийди Ватан, она ҳақидаги шеърлар чучук тилларда жарангласа, қанийди...

Миатто

Феруза ТАНГРИБЕРГАНОВА,
журналист

Таҳририятдан:

Танишганингиздек, мақолада келтирилган мактабгача таълим муассасаларининг аҳволи аянчли ҳолатда. Боғчалар аро йўлда қолганлиги учун ҳам ишламасдан хароб вазиятга келиб қолган. Ваҳоланки, Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йилда қабул қилинган 453-сонли қарорида хўжаликлар таркибидаги боғчалар тўлиқ капитал таъмирдан чиқарилиб, шу муассаса балансига тегишли бўлган моддий материаллари билан ХТБ тасарруфига ўтказилиши керак, деган мазмундаги вазифа белгилаб қўйилган. Шунга мувофиқ Давлат мулк қўмитаси вакиллари ҳам таклифлар ва талабларни ҳисобга олган ҳолда хусусийлаштириш ишларини олиб боради. Бундан кўринадики, юқоридаги каби боғчаларнинг талон-тарожга учраб, ҳеч бир мақсадда фойдаланмаётганлигига сабаб, ана шу ҳаракатларнинг ўз вақтида бажарилмаганлигида ва мутасаддиларнинг вазифаларига нисбатан совуққонлигидадир.

Шу ўринда, агарда бошқа ҳудудларда ҳам баён этилгани каби ҳолат ҳукмрон бўлса, вақтни ўтказмасдан, тегишли ҳаракатлар қилиниши лозимлигини таъкидламоқчимиз.

Бола турли рангдаги ўйинчоқларни ўйнашни яхши кўради. Шунинг учун ҳам ёш боланинг ёнига рангли қаламларни қўйсангиз у қаламларнинг ҳар бири билан чизиб кўргиси, нималардир бўягиси келади.

Суратда: Тошкент шаҳридаги 53-МТМ тарбиячиси Матлуба Ҳакимова болалар билан амалий машғулот олиб бормоқда.

Б.РИЗОҚУЛОВ олган сурат.

ПЕДАГОГ – ТАРБИЯЧИ ФАОЛИЯТИ ҚОНИҚАРЛИМИ?

Маҳаллаларимизда ўтган йилдан бошлаб педагог-тарбиячи лавозимининг таъсис этилиши кўплаб ижобий ишларга дебоча бўлди. Ҳуқуқ-тартибот идоралари билан бу борадаги ҳамкорликлар ҳам яхши самара бермоқда. Жумладан Андижон вилояти Бўз тумани прокурори З.Рустамов туманда олиб борилаётган мазкур соҳадаги ишлар хусусида мухбиримизга қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Қадим-қадимдан маҳаллаларга таълим-тарбия ўчоғи сифатида қаралган. Ҳозирда ҳам маҳалла фаолиятига тегишли қонун ва қарорлар қабул қилинмоқда. 2003 йил Юртбошимиз ташаббуси билан "Обод маҳалла йили" деб эълон қилинганини мустақиллик йилларида бошланган эзгу ишларнинг давоми, деб айтиш мумкин.

Маҳаллаларда ёшлар ўртасидаги таълим-тарбия ишларини яхшилаш, келажагимиз эгалари бўлган ёшларни ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялаш учун ҳукуматимиз қарорлари билан қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари қошида ўтган йилдан бошлаб педагог-тарбиячи лавозими ташкил этилди. Бундан кўзланган мақсад— маҳалла ёшлари ўртасида ташкилий, тарбиявий, оммавий спорт ишларини яхшилаш, айниқса, вояга етмаганлар орасида турли ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг бўш вақтини кўнгилли ўтказиш, ташаббусларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга эришишдир.

Бу вазифалар кўламини теранроқ англаш учун педагог-тарбиячилар тўғрисидаги Низомга аҳамият берсак, улар зиммасидаги масъулият ойдинлашади. Шундай экан, маҳалла ёшлари ўртасида фаолият олиб борувчи педагог-тарбиячи вазифасига кадрларни танлашда ниҳоятда талабчанлик билан ёндошишга тўғри келади. Аввало, бу лавозимга кадрлар танлов асосида қўйилишини ҳам айтиб ўтиш жоиз.

Педагог-тарбиячи маҳаллада қандай ишларни олиб боради?

У ёшлар ўртасида ташкилий-тарбиявий, оммавий спорт ишларини ташкил этиш билан бирга, ўз ҳудудида профилактика ва вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш инспекторлари, спорт ташкилотлари, кенг жамоатчилик, меҳнат жамоалари мададига таянган ҳолда фаолият олиб боради. Зиммасидаги масъулият юксак экан, педагог энг аввало, бу маҳаллада истиқомат қиладиган, кўпчилик ўртасида обрўга эга бўлган, ҳурмат-эътибор топган, ташаббускор, қобилиятли, олий маълумотли, судланмаган педагоглар бўлиши керак.

Маҳаллалардаги педагог-тарбиячилар қандай танланганлиги туман прокуратураси томонидан ўрганиб чиқилганда Низом қоидалари қўпол равишда бузилганлиги, унинг талабларига етарли аҳамият берилмаганлиги аниқланди. Бу ҳақда йўл-йўриқлар берилганлигига қарамай, айрим маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ўз билганидан қолмаслиги маълум бўлди. Тумандаги Аҳмадобод маҳалла фуқаролар йиғинида тарбиячи-педагог лавозимига бирор кун ҳам ўқитувчи бўлиб ишламаган О.Комилов тайинланган. Бу билан Низом талаблари қўпол равишда бузилган. М.Жалолов номли маҳалла фуқаролари йиғинида бу лавозимга Н.Қодиров тайинланган. Ўрганилганда у илгари ҳисобчи бўлиб ишлаганлиги аниқланди.

Хозос маҳалла фуқаролар йиғинига қарашли маҳаллаларда эса педагог-тарбиячи танлашга ниҳоятда лоқайдлик билан қаралгани маълум бўлди. Туман прокуратураси томонидан ўтказилган текширишда Халқобод маҳалласида илгари савдо ходими бўлиб ишлаган Ф.Хўжаев педагог-тарбиячи лавозимига қўйилганлиги маълум бўлди. У маҳалла ёшларига етакчи тарбиячи бўла олармикан? Оммавий тадбирларни ўтказишда тажрибаси бўлмаса, бу соҳада қандай фаолият кўрсата олади?

Педагог-тарбиячи — бу фахрли ва масъулиятли вазифа. У ўзининг ибратли фазилатлари билан бошқаларга ўрнак бўлиши лозим.

Туман прокуратураси юқоридаги камчиликларнинг жиддийлигини ҳисобга олиб, тегишли идораларга тақдимнома киритди. Прокуратуранинг аралашуви билан барча маҳалла тарбиячилари лавозимига олий маълумотли, ҳаёт тажрибасига эга бўлган етук педагоглар қўйилди.

О.СИДДИҚОВ ёзиб олди.

Ilg'or pedagogik texnologiyalarni o'z ish faoliyatlarida tatbiq etish davr talabidir. Bu borada RTM, Toshkent shahri, viloyat, tuman xalq ta'limi bo'limlaridan tegishli yordam olish mumkin.

Muallif kompyuter grafikasini darslikka kiritishda ertangi kunni hisobga olgani aniq, chunki kompyuter grafikasi turmushimizning hamma sohasiga kirib bormoqda.

БОШ ПЕДАГОГИК КЕНГАШЛАРИМИЗ ЮКСАК САМАРАДОРЛИК АСОСИДА ЎТСИН

Анъанавий август кенгашлари ишини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича вазирлик тавсиялари

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ АСОСЛАРИ

Бу фан бўйича 2001-2003 ўқув йилида қуйидаги ўқув қўлланмалар ва дарсликлар тавсия этилади:

1-4-синф «Конституция алифбоси» (О.Каримова), 2003 йил, Ўзбек мактаблари учун;

«Азбука Конституции» (В.Костецкий), 2003 йил, рус мактаблари учун;

5-7-синф «Конституция оламига саёҳат», 2003 йил.

8-синф «Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи асослари» (О.Каримова ва б.)

9-синф «Конституциявий ҳуқуқ асослари» (В.Костецкий ва б.)

2003-2004 ўқув йилида ҳуқуқшунослик фанидан 10-синфларга қуйида олган билимларини ривожлантирган ҳолда 34 соатлик янги дастур асосида маъмурий, жиноят, меҳнат, фуқаролик ҳуқуқларига оид билимлар берилади.

Бунда:

10-синф учун қуйидаги ўқув қўлланмалар, янги дастур ва қўшимча адабиётлар тавсия этилади:

10-синф «Ҳуқуқшунослик» дастур (В.Костецкий, Н.Исматова), 2003 й.

10-синф "Ҳуқуқшунослик" (В.Костецкий ва б.), Т., "Шарқ", 2003 й.

10-11-синф «Правоведение» ўқитувчилар учун методик қўлланма.

Права и обязанности несовершеннолетных граждан. (К.Костецкий)

Шўъба йиғилиши мавзуларини танлашда йил давомида амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилган ҳолда асосий эътибор методик хизматга қаратилмоғи лозим. Шуларни назарда тутган ҳолда шўъба йиғилишларига қуйидаги тахминий мавзулар тавсия этилади:

1. Ижтимоий фанларни илғор педагогик технологиялар асосида ўқитиш усуллари.

2. Ижтимоий фанларга оид дидактик материаллардан компьютер ёрдамида фойдаланиш.

3. Ижтимоий билимларни ўқитишда Олий Мажлис сессиялари материалларидан фойдаланиш.

4. Мактаб ижтимоий фанлар метод бирлашмаси ишларини юритиш.

5. Давлат ва ҳуқуқ асослари дарслари самарадорлигини оширишда амалий машғулотларнинг роли.

6. Ҳуқуқий тарбияни юксалтириш борасида соҳа йўналишидаги ташкилотлар билан ҳамкорлик.

7. Ижтимоий билимларнинг узлуксизлиги ва узвийлигини таъминлаш орқали таълим самарадорлигини ошириш .

8. Ижтимоий фан кабинетларини жиҳозлашнинг ҳозирги замон талаблари.

9. Янги ўқув қўлланмалар билан ишлаш усуллари.

Шўъба йиғилишларида эътибор яна сиёсий-ижтимоий ислоҳотларнинг бориши белгилаб олинган тараққиётимизнинг беш асосий тамойили асосида, бозор муносабатларига ўтишнинг халқимиз ва жамоатчилигимиз томонидан қўллаб-қувватланиб келинаётганини баён этиш билан бирга, жамиятимизни демократиялаштириш ҳамда янгилаш йўлида олиб борилаётган ҳаракатларимизни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришнинг асосий устувор йўналишларига қаратилиши лозим.

Ижтимоий фанларни ўқитишда ўқитувчилар учун тавсия этиладиган қўшимча адабиётлар:

1. И.Каримов "Биздан озод ва обод Ватан қолсин", Т., "Ўзбекистон", 1996 й.

2. И.Каримов "Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура" Т., "Ўзбекистон", 1996 й.

3. И.Каримов "Ўзбекистон сиёсий-ижтимоий ва иктисодий истиқболининг асосий тамойиллари", Т., "Ўзбекистон", 1995 й.

4. И.Каримов "Ҳозирги босқичда демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари", Т., "Ўзбекистон", 1996 й.

5. "Баркамол авлод орзуси", Т., "Шарқ", 1999 йил.

6. "Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида", Т., "Шарқ", 2000 й.

7. "Ўзбекистон тарихи" Қ.Усмонов ва бошқалар, Т., "Шарқ", 2002 й.

8. "Ўзбекистон тарихи" Ҳ.Бобобеков ва бошқалар, Т., "Шарқ", 2000 й.

9. "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси", Т., "Ўзбекистон", 2000 й.

10. "Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳлар", Т., 2002 й.

11. Президент И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ 9-сессиясидаги "Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари"га бағишланган маърузасини таълим муассасаларида ўрганиш бўйича тавсиялар ва дастур.

ИҚТИСОДИЙ БИЛИМ АСОСЛАРИ

2003-2004 ўқув йилида «Иқтисодий билим асослари» фани 8-9-синфларда ДТС яратилган дарсликлардан фойдаланган ҳолда, ҳафтада 1 соатдан ўқитилади.

Анъанавий август кенгашларида иқтисодий таълим йўналишидаги янгиликлар, ДТСнинг жорий қилиниши, иқтисодиётни ўқитиш бўйича илғор ва чет эл педагогик технологияларни қўллаш, дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг янги авлоди, 10-синфлар учун ўтиш даври дастури ва амалдаги дастурдан фойдаланишга доир муаммоларни таҳлил ҳамда муҳокама қилиш тавсия этилади.

1-4-синфларда «Иқтисод алифбоси» курсининг ўқув материаллари она тили, ўқиш, математика, табиат фанлари таркибида;

5-7-синфларда «Иқтисод сабоқлари» ўқув курслари она тили, хорижий тиллар, математика, география ва меҳнат таълими фанлари таркибида ўқитилади.

8-9-синфлар учун «Иқтисодий билим асослари» дарсликлари танлов асосида яратилган бўлиб, улар замирида интерфаол ўқитиш услуби ётади. Уларнинг мазмуни, материалларни бериш услуби, тизими бошқа амалдаги дарслик ва ўқув адабиётлардан тубдан фарқ қилади. Дарсликлар билан бир қаторда ўқитувчилар учун назарий материаллар ва методик қўлланмалар нашрдан чиқарилди.

10-синфда Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган ўтиш даври дастури ва унга мос равишда қайта нашр қилинган «Иқтисодиёт ва бизнес асослари» (Э.Сариқов ва б.) ўқув қўлланмаси ҳамда ўқитувчилар учун методик қўлланма асосида, 11-синфда амалдаги «Иқтисодиёт ва бизнес асослари» (Э.Сариқов, М.Маматов) ўқув қўлланмаси асосида ўқитиш тавсия этилади.

Таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларнинг 8-9- синфларида эса янги ўқув дастурига, 10-синфда ўтиш дастури, 11-синфда амалдаги дастур асосида мавжуд дарслик ва ўқув қўлланмалардан фойдаланиш тавсия этилади.

Таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларнинг 8-9-синфларида «Основы экономических знаний» (Э.Сариқов ва б.) дарслигидан, 10-11-синфларда «Основы экономических знаний» (В.Матвеев) ўқув қўлланмасидан фойдаланиш тавсия этилади.

Шунингдек, 2003-2004 ўқув йилида **10-11-синфлар учун:** «Амалий иқтисодиёт» Junior Achievement, ўқув қўлланмаси, «Амалий иқтисодиёт» Junior Achievement, машқлар тўплами, «Макроленд», «Иқтисодиёт ва бошқарувни моделлаштириш» Junior Achievement, компьютер дастурлари; **6-9-синфлар учун:** «Шахс иқтисодиёти», «Бизнес муаммолари», «Халқаро бозор», «Иқтисодиёт: мактаб ҳудудида» Junior Achievement, ўқув-методик қўлланмалари; **5-7-синфлар учун:** "Иқтисодиётдан сабоқлар" (Э.Сариқов ва б.) ўқув қўлланмалари;

Ўқитувчилар учун:

— "Иқтисодиёт асослари" (А.Ўлмасов) ўқув қўлланма;

— "Иқтисодий билим асослари" (Қ.Йўлдошев ва б.) ўқув қўлланма;

— "Экономика JA" Junior Achievement, ўқув қўлланма ва машқлар тўплами,

— "Основы экономики" (О.Лебедев ва б.) ўқув қўлланма;

— "Экономическая энциклопедия для детей и взрослых" (Б.Райзберг) қўлланма;

— "Ўзбекистон иқтисодий ривожланишининг айрим жиҳатлари" (У.Хомутов) ўқитувчилар учун қўлланма;

— "Мактабда иқтисодиёт ўқитишнинг фаол методлари ва шакллари" (Н.Троянова ва б.) методик қўлланма ва "Америка Иқтисодий таълим Миллий Кенгаши" томонидан нашр этилган тўпламлардан қўшимча адабиёт сифатида фойдаланиш тавсия этилади.

Шўъба йиғилишида муҳокама этиладиган мавзулар :

1.»Иқтисодий билим асослари» фани бўйича ДТС ўқув дастурининг жорий этилиши ва унинг якунига доир масалалар.

2. Иқтисодий таълим-тарбия беришда интерфаол усулларнинг аҳамияти.

3. «Иқтисодий билим асослари» фани дарсларида иқтисодий меросинг ўрни.

4. Иқтисодий таълимда интеграция масалалари.

5. «Иқтисодий билим асослари» дарсларида Президент И. Каримов асарларидан фойдаланиш.

6. «Иқтисодий билим асослари» фанини ўқитишдаги илғор тажрибаларни оммалаштириш ва методик хизмат.

ШАРҚ ТИЛЛАРИ

Ўқитувчиларнинг анъанавий август кенгашларида ўтган 2002-2003 ўқув йили натижаларининг чуқур таҳлил этилиши, ўқув йили давомида учраган муаммолар, уларни ҳал этиш борасидаги таклифлар устида тўхталиш ўринлидир. 2003-2004 ўқув йилидан бошлаб умумтаълим мактаблари 9 йиллик таълимга ўтиши муносабати билан таълим мазмунида бўладиган ўзгаришлар туфайли юзага чиқадиган муаммолар хусусида қуйидаги тавсиялар берилади:

1999 йилда РТМ томонидан нашр этилган "1-11 синфлар учун араб тили дастури"дан 10-11-синфларда фойдаланилади. 2001 йилда нашр этилган "1-11 синфлар учун араб тили дастури" 9 йиллик таълимга ўтишни назарда тутиб қайта ишланган ва нашр этилган. Бу дастур 2003-2004 ўқув йилида ҳам амалдаги асосий дастур ҳисобланади. Янги ўқув йилида 5 ва 6-синфлар учун "Араб тили" дарслигини тақдим этиш режалаштирилган. Дарслик Тошкент шаҳридаги 29, 150, 1- мактабларда синовдан ўтказилган. Синовда иштирок этган ўқитувчилар ўз фикр-мулоҳазалари, тавсиялари билан маърузалар қилишса, мақсадга мувофиқ бўлади.

7-синф "Араб тили дарслиги" кирилл алифбосида бўлганлиги сабабли 7-8-синфларда дарсликдан жой олган араб тилидаги матнлардан фойдаланилади.

9-10-11-синфларда Н.Иброҳимовнинг "Араб тили грамматикаси" ўқув қўлланмасидан фойдаланиш тавсия этилади.

Форс тили ўқитувчилари 2002 йилда РТМ томонидан нашр этилган "1-11 синфлар учун форс тили дастури"дан фойдаланадилар. Шўъба йиғилишларида дастурдаги мавзу матнлари олинадиган манбалар хусусида мутахассисларимиз ўзаро фикрлашиб, бир тўхтамга келишиб олишлари лозим. Шунингдек, ҳинд, урду, хитой тили ўқитувчилари шўъба йиғилишларида ҳамма мактаблар учун умумий бўлган дастурга эга бўлиш мақсадида ўзаро келишиб олишлари зарур бўлади. Илғор педагогик технологияларни ўз иш фаолиятларида татбиқ этиш давр талабидир. Бу борада РТМ, Тошкент шаҳри, вилоят, туман халқ таълими бўлимларидан тегишли ёрдам олиш мумкин. Машғулотлардан олинган тажрибалар ўқитувчиларимизнинг йиллик иш режаларида ўз аксини топиши ҳар бир фан учун ижодий ёндашув орқали татбиқ этилиши лозимдир. Дастурларга киритилган "Менинг Ватаним", "Менинг оилам", "Мустақил Ўзбекистон" каби мавзуларда миллий истиқлол ғоялари ўз ифодасини топиши мақсадга мувофиқ. Ўтган ўқув йилида ўқув соатлари тақсимотида туман халқ таълими бўлимлари томонидан йўл қўйилган камчиликлардан бири ўқув режасига берилган тушунтириш хатига етарлича амал қилинмаганликда эди. 2003-2004 ўқув йили учун ХТВ томонидан тасдиқланган ўқув режанинг 14-бандига мувофиқ шарқ тиллари чуқурлаштирилиб ўқитиладиган мактабларда мактаб компонентидаги соатлар шарқ тили учун берилиши кўзда тутилган. Туман халқ таълими бўлимлари, мактаб педагогик кенгашлари бу борада эътиборлироқ бўлишлари талаб қилинади.

Шўъба йиғилишларида ўқитувчилар қуйидаги мавзуларда мунозара ва муҳокамалар олиб боришлари тавсия этилади:

1. Ўтган ўқув йили давомида шарқ тилини ўқитишдаги қийинчиликлар ва уларни бартараф этиш юзасидан таклифлар.

2. Умумтаълим фанлари бўйича ўтказилган олимпиаданинг 4- босқичида шарқ тиллари нега иштирок этмайди?

3. Мулоқотга ўргатишда тил марказлари билан ҳамкорликнинг аҳамияти.



Эндигина боғчани тугатиб, мактабга илк қадамини қўйган шўх-шодон болажонларга мактаб партасида тўғри ўтиришдан тортиб уларнинг қўлига қалам тутқазиб ёзишни ўргатиш, албатта, бошланғич синф ўқитувчисидан масъулият талаб этади.

Жиззах шаҳридаги 6-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Шоҳиста Тўраева 13 йилдан буён ёш авлодга сабоқ бериб келмоқда.

Б.РИЗОҚУЛОВ олган сурат.

4. Феъл бобларисиз араб тилини ўргатиш хусусида мулоҳазалар.

5. Мустақиллик дарсларида ватанга муҳаббат ҳиссини ўстириш.

6. Илғор педагогик технологиялар ҳаётий эҳтиёждир.

ЧИЗМАЧИЛИК

2002-2003 ўқув йилида ДТС асосида ўқувчилар 8-9-синфларда касбга йўналтириш асослари, ишлаб чиқариш иқтисодиёти ва унинг ташкил этилиши, ишлаб чиқаришда фан-техника асосларига доир билимларни ўзлаштирдилар.

Дарслик бўйича "Чизмачилик ўқитиш методикаси" номли қўлланма чоп этилди. Қўлланмада дарслик билан ишлаш йўл-йўриқлари ёритилган бўлиб, 68 соат дарс қамраб олинган.

Тадбиркор ўқитувчилар деталлар тайёрлаб, ундан таълим стандарти талабларини бажаришга ҳаракат қилмоқдалар. Мактабларимизда мавжуд ўқув плакатлари янги ЕСКД талабларига жавоб бермайди, эҳтимол, уларни ўқитувчиларнинг ўзлари тузатишларига тўғри келар. Бу ўринда стандарт бўйича мактабда компьютер графикасидан таълим бериш муаммоси ҳам мавжуд.

Муаллиф компьютер графикасини дарсликка киритишда эртанги кунни ҳисобга олгани аниқ, чунки компьютер графикаси турмушимизнинг ҳамма соҳасига кириб бормоқда. Дарсликда методик ҳамда стандарт бўйича компьютер графикасини ўқитиш назарда тутилган. Агар ўқитувчи тайёрлов курсидан ўтмаган ёки мактабда компьютер бўлмаса, бу мавзуни йиғиш чизмаларини кучайтириб ўтиш билан алмаштириш тўғрисида кўрсатма берилган. Ўйлаймизки, ўқитувчилар бу тавсияга амал қиладилар.

Дарслик билан ишлашда энг нозик методик масалалардан бири ўқувчиларнинг мажбурий график ишлари минимумидир. Чунки график ишда эгаллаган билим ва малакалар умумлаштирилган ҳолда ўз ечимини топади. Шу боис бу иш дарсликда кўрсатилган тизим бўйича амалга оширилиши керак.

2003-2004 ўқув йилига тайёрланар эканмиз, ўқитувчиларнинг август кенгашида янги дарслик билан ишлаш соҳасидаги тажрибалар умумлаштирилиши лозим.

Бу йилги август кенгашларида фанни ўқитишдаги муаммолар, уларнинг ечими, дарслик, ўқув методик адабиётлар билан таъминланганлик даражаси, фан хоналарини ўқув воситалари ва кўргазмали материаллар билан таъминлаш, анъанавий усулда фаолият кўрсатаётган ўқитувчининг иш тажрибалари ҳақида фикр юритишга қаратиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Шўъбанинг асосий вазифаларидан яна бири ўқитувчиларни фанга оид янгиликлар билан таништириш, яъни дарсликлар, ўқув қўлланмалардан хабардор қилишдир.

Шўъба йиғилишларида чизмачилик фанидан муҳокама учун қуйидаги мавзулар тавсия этилади:

1. Дарс самарадорлигини оширишда ўқув кўргазмали қуроллар ва воситалардан фойдаланиш технологияси.

2. Таълимда янги педагогик технологиялар.

3. Янги чоп этилган дарслик таҳлили ва улар билан ўқувчиларни таъминлаш.

4.Мактаб фан хонасига қўйиладиган талаблар, улардан фойдаланиш ва хонани жиҳозлаш.

5. Ўқувчиларнинг билим даражасини аниқлашда янгича ёндашув.

6. Методика бирлашмалари фаолиятини ташкил этиш ва юритиш.

2003-2004 ўқув йилида қуйидаги методик қўлланмалардан фойдаланиш тавсия этилади:

1. Чизмачилик дарслиги билан ишлаш тажрибалари.

2. График ва амалий ишларни ташкил этиш ва ўтказиш методикаси.

3. Ясама дидактик материаллар яратиш ва таълим жараёнида қўллаш тажрибаси.

4. Компьютер графикаси бўйича дастлабки тажрибалар.

5. Ўқувчиларни мустақил ишлашга ўргатиш тажрибаси.

ТАСВИРИЙ САНЪАТ

2003-2004 ўқув йилида мактабда тасвирий санъат жанрлари ўтилиши назарда тутилади. Дарснинг методик таъминотида ҳар бир жанр учун иллюстратив материал тўплаб бориш, бу ишга ўқувчиларни ҳам жалб қилиш дарс самарадорлигини оширади. Мисол учун, 5-синфда ўтилган портрет жанрига оид машғулотларда орттирилган малакалар 6-синфга келиб, янада такомиллашган тарзда қўлланилиши яхши самара беради.

Дастурнинг миниатюра санъати (6-синф, 2-чорак) билан боғлиқ бўлган қисмини ўтишда ортиқча тафсилотлар, тарихий саналар, рассомларнинг, уларнинг асарлари номи ҳақида катта ҳажмдаги материаллар бериш тавсия этилмайди. Аввало ўқувчида миниатюра санъати ҳақида тўғри ва етарли тасаввур ҳосил бўлиши учун ўқитувчининг малакали ҳикояси яхши натижа беради.

7-синфда 2000 йилгача ўтилиши дастур мазмунида назарда тутилмаган янги мавзулар — санъатдаги оқим ва йўналишлар, дизайн санъати, Ўзбекистон меъморчилиги, нақш рамзлари, геральдика, китобат санъати мустақил мавзулар сифатида берилгани боис уларни ўқитишга алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади. Шунингдек, 7-синфда ўқув қўлланмада илова қилинган сўзларнинг луғавий маъносининг ўқувчилар томонидан ўзлаштирилишини назорат қилиб бориш мақсадга мувофиқ.

Тасвирий санъат дарсларининг самарали кечиши учун ўқитувчи дарсга махсус тайёргарлик кўриши лозим. Бунинг учун унга етарли иллюстратив материаллар ва адабиётлар рўйхати тавсия этилмоқда. Ўзбекистон тасвирий санъатининг бугунги кундаги янги йўналишларида яратилаётган асарлардан қиёсий фойдаланиш ўқув материалларини яхши ўзлаштиришни кафолатлайди. Бу борада А. Волков, П. Беньков, А. Мирсоатов, А. Юнусов, Ж. Умарбеков, Б. Исмоилов каби рассомларнинг асарлари репродукцияларидан фойдаланиш тавсия этилади.

Ўқувчиларни етарли ўқув қуроллари билан таъминламай туриб, дастур талабларини тўлақонли бажариш мушкул. Шунинг учун тасвирий санъат ўқитувчиси синф раҳбари билан ҳамкорликда ота-оналар ўртасида тушунтириш ишлари олиб бориши лозим.

Эндиликда тасвирий санъатга ("Санъат олами", "Политра", "Ранглар жилоси", "Кўргазма залларида", "Рассом устахонасида" ва ҳ.к.), Ўзбекистон ва жаҳон меъморчилиги, унинг тарихи ва замонавий йўналишларига оид ўқув ва ҳужжатли фильмлар туркуми ТВ орқали мунтазам тарзда намойиш этиб борилмоқда. Ўқитувчи улардан кўргазмали материал сифатида фойдаланишга интилиши лозим. Зеро, бу турдаги материаллар ўқувчиларнинг қизиқишини, фаоллик даражасини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, баъзан ўқитувчилар тасвирий фаолиятда бир томонламаликка йўл қўядилар. Бу омил турли характерда бўлади, яъни бир ўқитувчи маҳаллий материалларга кўпроқ эътиборини қаратиб, ўқувчиларни умуминсоний бадиий маданият билан етарли тарзда таништирмайди, иккинчи ўқитувчи эса, тасвирий фаолиятнинг бир турига (мисол учун, ҳайкалтарошлик ёки иллюстратив расм ишлаш) урғу бериб, бошқа турларини бироз камситади. Бу ҳол ўқувчилар бадиий маданиятининг ДТС ва Дастур талаблари даражасида бўлишига тўсқинлик қилади.

Эндиликда ўқувчиларга бериладиган уйга вазифаларга ҳам янгича ёндашиш талаб этилади. Биринчидан, дарсда ишланган ишни уйда якунлаш амалиётидан воз кечиш керак, яъни уйга вазифа тариқасида синфда бажарилган ишдан бошқача вариантда композиция ишлаш ёки кейинги дарс учун материал тўплаш, тайёрланиш топшириғи берилгани маъқул.

"Тасвирий санъат" таълими бўйича шўъба йиғилишларида муҳокама учун қуйидаги мавзулар тавсия этилади:

1. Тасвирий санъатдан ДТС ни такомиллаштириш.

2. Тасвирий санъат дарслари самарадорлигини оширишнинг методик асослари.

3. Тасвирий санъатдан фаолият турлари бўйича узвийликни таъминлаш.

4. Тасвирий санъат тўгаракларида ўқувчиларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш.

5. Тасвирий санъат таълимининг моддий методик таъминотини яхшилашда ота-оналар билан ишлашнинг аҳамияти.

6. Тасвирий санъатдаги оқим ва йўналишларда кўргазмалиликни (иллюстрация ва репродукцияларни) ташкил этиш.

7. Тасвирий санъат дарсларида дидактик материаллардан фойдаланиш.

8. Тасвирий санъат таълимига янги педагогик технологияларни жорий этишнинг ташкилий асослари.

9. Тасвирий санъат дарсларида компьютер технологияларидан фойдаланиш.

5-7-синфларда тасвирий санъат фанидан қуйидаги адабиётлардан фойдаланиш тавсия этилади:

1. Н. Абдуллаев "Санъат тарихи", 1-Т., Т.: 1986.

2. Н. Абдуллаев "Санъат тарихи", 2-Т., Т.: 2001.

3. С. Булатов "Ўзбек амалий безак санъати", Т.: 1991.

4. А. Сулаймонов, Н. Абдуллаев "Тасвирий санъат", 7-синф ўқувчилари учун ўқув қўлланма, Т.: 2002.

5.А.Сулаймонов ва бошқалар "Тасвирий санъатдан мавзуий режалаштириш, ДТС талаблари, тест намуналари", Т.: ЎЗПФИТИ, 2002.

6. ЎзБА "Санъат" журнали.

БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ

Бошланғич таълим умумий ўрта таълимнинг дастлабки босқичи бўлганлиги учун унинг бош мақсади кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда таълим олишга, ўрганишга қаратилган фаолиятни шакллантириш асосида уларни тарбиялашдан иборатдир.

Янги 2003-2004 ўқув йилида 1-4-синф ўқувчилари қуйидаги янги яратилган дарслик ва ўқув қўлланмалардан фойдаланадилар:

1-синф:

"Алифбе" (Р.Сафарова ва бошқ. "Маънавият" нашриёти);

"Ёзув дафтари" (М.Ғуломов. "Маънавият" нашриёти);

"Ўқиш" (Т.Ғаффорова ва бошқ. "Шарқ" нашриёти);

"Она тили" (Т.Ғаффорова ва бошқ. "Шарқ" нашриёти);

"Математика" (М.Аҳмедов ва бошқ. "Узинкомцентр" нашриёти);

"Математика" дафтари (М.Жумаев ва бошқ. "Узинкомцентр).

4-синф:

"Ўқиш" (А.Шожалилов ва бошқ. "Ўқитувчи" нашриёти);

"Она тили" (Муаллифлар гуруҳи);

"Математика" (Муаллифлар гуруҳи);

"Табиатшунослик" (А.Григорянц ва бошқ. "Чўлпон" нашриёти).

2-3-синф ўқувчилари амалдаги дарсликлардан фойдаланадилар.

Дарсликларга қўшимча равишда бошланғич синф ўқитувчилари учун қуйидаги "Ўқитувчи китоби" ва методик қўлланмалар тавсия қилинади:

1. Савод ўргатиш дарслари (Р.Сафарова ва бошқ).

2. 1-синфда Она тили дарслари (Т.Ғаффорова ва бошқ).

3. 1-синфда Ўқиш дарслари (Т.Ғаффорова ва бошқ).

4. 1-синфда Математика дарслари (М.Аҳмедов ва бошқ).

5. 4-синфда Она тили дарслари (Муаллифлар гуруҳи).

6. 4-синфда Ўқиш дарслари (А.Шожалилов ва бошқ.)

7. 4-синфда Математика дарслари (Муаллифлар гуруҳи).

8. 4-синфда Табиатшунослик дарслари (А.Григорянц ва бошқ).

9. Бошланғич синфларда математикадан синфдан ташқари ишлар (Ж.Болтаев, А.Қодиров), 2002 йил.

10. Бошланғич синф математика дарсларида тарихий материаллардан фойдаланиш (З.Тожиева), 2003 йил.

11. Чудеса во дворце знаний (Н.Аҳмедова ва бошқ.), 2003 йил.

12. Математикадан оғзаки машқлар 1,2,3,4-синфлар учун (Н.Бикбаева ва бошқ.), 1999 йил.

13. Бошланғич синфларда саломатлик дарсларини ўтказиш (А.Григорянц ва бошқ.), 2000 йил.

14. ДТС асосида бошланғич синф ўқувчиларининг нутқий кўникма, малакаларини текшириш ва хулосаларини амалиётга татбиқ этиш (Қ.Абдуллаева ва бошқ.), 2001 йил.

Шўъба йиғилишларида интерфаол методлардан фойдаланиб иш олиб бораётган илғор, ижодкор ўқитувчилар иштирокида уларнинг иш тажрибаларидан намуналар кўрсатиш, замонавий педагогик технология ҳақида янада чуқурроқ баҳс юритиш фойдадан холи бўлмайди. Муҳокама, мунозара учун мавзуларни ҳам шу куннинг долзарб, муаммоли вазифаларидан танлаш лозим. Жумладан:

1. Бошланғич синф ўқувчиларини дарслик билан мустақил ишлашга ўргатиш технологияси.

2. Бошланғич таълим жараёнида ўқувчилар билим, кўникма ва малакаларини баҳолашда рейтинг тизимини қўллаш.

3. Бошланғич синф ўқувчиларини мустақил ўқишга, хуснихатга ўргатиш усуллари.

4. Бошланғич синф "Она тили", "Математика" дарсларида қўлланиладиган кўргазмали материалларни тайёрлаш ва ундан фойдаланиш йўллари.

5. Бошланғич синф ўқувчиларида эркин фикрлаш қобилиятларини ўстириш.

Анъанавий август кенгашлари ўқитувчиларнинг маъруза тинглаш, ҳисобот эшитиши эмас, балки ҳар бир ўқитувчининг бошланғич синф йўналишида олиб борган ижодий иши, янгилиги ва таълим-тарбия бериш жараёнида учраётган тўсиқ, муаммолар ечимини топиш, ўзаро фикр алмашиши тарзида ўтиши лозим.

МУСИҚА МАДАНИЯТИ

Ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама етук инсон қилиб тарбиялашда "Мусиқа маданияти" дарсларининг аҳамияти каттадир.

Шу боис 2002-2003 ўқув йилида умумий ўрта таълим ДТСлари ва ўқув дастурлари асосида бошланғич синф ўқувчилари мусиқа тинглаш, мусиқа саводи, жамоа бўлиб куйлаш, болалар мусиқа асбобларида ижро, рақс ҳаракатларини бажариш; 5-7-синфларда эса мусиқа тинглаш, жамоа бўлиб куйлаш, мусиқа саводи каби йўналишлари бўйича ўқувчилар тўлиқ билим, кўникма ва малакаларга эга бўлдилар.

ДТС ва ўқув дастури асосида ўқувчилар томонидан "Даста турлари", "Мусиқанинг ифода воситалари", "Ўзбек халқ мусиқа ижоди", "Мумтоз мусиқа", "Мақомлар ҳақида умумий тушунчалар" каби мавзулар тўлиқ ўзлаштирилди.

Ушбу фан ўқитиладиган барча синфларда ўқувчилар ва ўқитувчилар 2003-2004 ўқув йилида фойдаланишлари мумкин бўлган қуйидаги дарслик ва ўқув қўлланмалар тавсия этилади:

— "Мусиқа" 2-3-синфлар, Х.Нурматов ва б., F.Ғулом нашриёти, 2002 й.

— "Мусиқа" 5-синф, А.Мансуров, Д.Каримова ва б., F.Ғулом нашриёти, 2001 й.

— "Мусиқа" 6-синф, С.Бегматов ва б., F. Ғулом нашриёти, 2001 й.

— "Мусиқа" 7-синф, О.Иброҳимов ва б., F. Ғулом нашриёти, 2001 йил.

— "Методик тавсиянома" 6-синф, Д.Каримова ва б., РТМ, 2002 й.

— "Методик тавсиянома" 4-синф, О. Иброҳимов ва б., 2003 йил.

— "Ўзбекистон — Ватаним маним", 1-китоб "Меҳнат" нашриёти, 1996 й; 2-китоб "Меҳнат" нашриёти, 1997 й, 3-китоб "Шарқ" нашриёти, 1999 й; 4-китоб, F.Ғулом нашриёти, 2002 й.

2003-2004 ўқув йилига янгилик сифатида 4-синф учун "Мусиқа" дарслиги (О. Иброҳимов ва б.) нашрдан чиқди.

Бу йилги август кенгашларида "Мусиқа" фанини ўқитишдаги муаммолар, уларнинг ечими, дарслик, ўқув методик адабиётлар билан таъминланганлик даражаси, фан хоналарининг ўқув воситалари ва кўргазмали материаллар билан таъминлаш, ноанъанавий усулда фаолият кўрсатаётган ўқитувчининг иш тажрибалари ҳақида фикр юритишга қаратиш мақсадга мувофиқ бўлади. Шўъбанинг асосий вазифаларидан яна бири ўқитувчиларни мусиқага оид янгиликлар билан таништириш, яъни дарсликлар, ўқув қўлланмалардан хабардор қилишдир.

Шўъба йиғилишларида муҳокама учун қуйидаги мавзулар тавсия этилади:

1. Дарс самарадорлигини оширишда ўқув кўргазмали қуроллар ва воситалардан фойдаланиш технологияси.

2. Мусиқа таълимида янги педагогик технологиялар.

3. Узлуксиз методик хизматни такомиллаштириш йилида "Мусиқа маданияти" ўқув фанидан амалга оширилган ишлар.

4. Ўқувчиларнинг мусиқага бўлган қизиқишини ўстиришда тўгараклар фаолияти.

5. Мусиқа бўйича ўқувчиларнинг билим даражасини аниқлашда янгича ёндашув.

6. Мусиқа фани бўйича илғор ўқитувчиларнинг иш тажрибаларини ўрганиш ва оммалаштириш.

2002-2003 ўқув йилида мусиқа фани ўқитилишининг якунлари ва янги ўқув йилидаги вазифалар.

Шўъба йиғилишларини тренинг, баҳс-мунозара, давра суҳбати ва интерфаол усуллар бўйича ўтказиш таклиф этилади.

(Давоми бор)

Zulmat qo'ynida hayot bo'lmaganidek, ota-onasiz hayot ham qorong'u zimistonga aylanar edi.

Naql qilinishicha, Xoja Ahror Samarqandga borib, Mavlono Xomush dars beradigan hujraga kirib, shogirdlar qatorida bir burchakda sukut saqlab o'tiradi.

ОҲАНГЛАРДА ЯШИРИНГАН ҲИКМАТ

Кейинги вақтларда кенг китобхонлар истаган ва уларнинг эҳтиёжига мос, халқимизнинг улуғ қадриятларини тарғиб қиладиган ибратли китоблар яратилмоқда. Р.Носировнинг «Хуршид атонгдур, ой-ано...» китобини ҳам ана шундай дурдоналар сирасидан дейиш мумкин. Китоб ёш авлод учун жуда катта тарбиявий аҳамиятга эга. Унда ўз келажагини, истиқболини, қолаверса, бутун ҳаёт йўли ҳақида ўйлаган ҳар бир ўғил-қиз, аввало ота-она ҳурматини ўз ўрнида адо этиши лозим, деган муҳим ғоя илгари сурилади.

Муаллиф китобини мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг «Нуроний отахонларимиз, мунис оналаримизга ҳамиша ҳурмат-эҳтиром билан муносабатда бўлиш, уларнинг хизматини қилиб, дуосини олиш, жажжи гўдакларга, азиз фарзандларимизга ғамхўрлик қилиш, уларни ардоқлашдек халқимизга хос бўлган, асрлар давомида сақланиб келаётган олижаноб одатга ҳар биримиз содиқ бўлишимиз, уни асраб-авайлашимиз, ривожлантиришимиз ҳам қарз, ҳам фарз» деган гаплари билан бошлаган. Бу ҳикматли сўзлар муаллиф томонидан кўзланган эзгу мақсадларни ўқувчига етказишда асосий омил вазифасини ўтаган.

Ота-онани эъзозлаш, қадрлаш, уларнинг хизматларини бажо келтириш, фарзандлар билан ота-оналар ўртасидаги муносабатлар, яъни, ота-онанинг фарзандни тарбиялашдаги вазифалари, фарзанднинг ота-она олдидаги бурчлари аввалги замонларнинг ҳам, ҳозирги кунларимизнинг ҳам энг долзарб масаласидир. Солиҳ фарзандни камол топтириш айниқса, мусулмон оламида, ислом дунёсида, қолаверса, ўзбек халқининг турмуш тарзида ўта жиддий ва ниҳоятда эътиборли ҳисобланади. Китобнинг номи ҳазрат Навоийнинг қуйидаги машҳур байтидан олинган:

Эй ҳусн аро соҳиб ғино,
Хуршид атонгдур, ой-ано...

Бобокалонимиз отани қуёшга, онани ойга ўхшатади. Зулмат қўйнида ҳаёт бўлмаганидек, ота-онасиз ҳаёт ҳам қоронғу зимистонга айланар эди.

Шеърлардаги байтлар чуқур мушоҳада қилиниб, уларнинг маъносини очиб бериш мақсадида халқимиз томонидан яратилган, айни ота-она, солиҳ фарзанд, одоб-ахлоқ мавзусидаги ривоятлар ўринли ишлатилган. Муаллиф ижодининг энг муҳим жиҳати шундаки, у қушиқларни шарҳлаётганда ислом дунёсининг буюк манбалари бўлган Қуръони Каримдан, пайғамбаримизнинг муборак ҳадисларидан, шунингдек, ўзбек халқининг фахри ҳисобланган Имом Бухорий, Бурҳониддин Марғиноний, Алишер Навоий, Машраб, Ҳазиний каби алломаларимизнинг бой меросидан самарали фойдаланган.

«Хуршид атонгдур, ой-ано...» китобида ислом динининг эгзуликка, иймон-эътиқодга ундовчи бахту саодат калити эканлигига, айниқса, унинг ота-она дуосини олишликдаги муҳим аҳамиятига алоҳида эътибор қаратилган.

Муаллифнинг яна бир хизматини алоҳида эътироф этишни истардик. Китоб нафақат кирилл ёзувида, балки, лотин алифбосига ҳам ўгирилган. Унга киритилган қўшиқларнинг мусиқий нталари ҳам берилган. Яна бир таҳсинга лойиқ хайрли янгиликка қўл урилган. Китобга илова тариқасида ундаги қўшиқларнинг «Ўзтелерадиокомпания» «Radio Rekords» студиясида ёзилган аудиокассетаси ҳам тайёрланган. Бу ўз навбатида китобнинг салоҳиятини, таъсирчанлигини, тарбиявий қимматини ошириш билан бирга, китоб яратишда янгича замонавий усулларни жорий этишдаги ижобий ютуқдир. Қўшиқларни халқимиз севган, эл-юрт ардоғида бўлган санъаткорлар Камолиддин Раҳимов, Мажиджон Саидов, Бахтиёр Тўлаганов, Аҳрор Усмонов ва бошқалар юксак маҳорат билан ижро этишган.

Бу қўшиқлар оромбахш, киши руҳиятига, қалбига, таъсир қилади. Ёшларни инсофли, диёнатли, оқибатли бўлишга, шунингдек, ота-онани, она ватанни севиб қадрлашга даъват этади.

Янги китоб ватандошларимиз юрагига йўл топади ва уларга яхши дўст, суюкли ҳамроҳ бўлади, деган умиддамиз.

Азамат ҲАЙДАРОВ,
Ўзбекистон давлат консерваторияси кафедра мудири

КАШФУ КАРОМАТЛАР СОҲИБИ

МАВЛОНО НИЗОМИДДИН ХОМУШ

Ватан остонадан бошланади, дейди доно халқимиз. Таъбир жоиз бўлса, Ватан тарихини ўрганиш ҳам остонадан бошланади.

«Ma'rifat» газетасининг 1998 йил 18 июль сонида «Улуғларни эъзозлайлик» сарлавҳали мақола эълон қилинган эди. Унда ёзилишича, Самарқанд вилояти Тойлоқ тумани Амир Темур ижара хўжалигига қарашли Талабато қишлоғида Мавлоно Низомиддин Хомуш ва у кишининг ўғли Амир Ҳусайннинг қабрлари бор экан. Қишлоқнинг пайдо бўлишини ҳам Мавлоно Низомиддин Хомуш номи билан боғлашади. «Ma'rifat»даги мақола сабаб, диплом ишимда шу инсон шахси ва ижодини ўрганишни мақсад қилдим. Хўш, Хомушнинг ўзи ким?

XIV аср охири — XV асрнинг биринчи ярмида яшаб ўтган Мавлоно Низомиддин Хомуш Баҳоуддин Нақшбанд қарашларини Мовароуннаҳрга кенг ёйган ва ривожлантиришда катта хизмат қилган нақшбандий тариқатининг йирик намояндаларидан. Хомуш ўша даврда яратилган манбаларда ўзига хос ўрин эгаллайди. Жумладан, Абдураҳмон Жомийнинг «Нафақат ул-уис мин ҳазароит ул-қудс» («Пок зотлар ҳузуридан эсган дўстликнинг хуш бўйлари»), Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат мин шамойим ул-футувват» («Мардоналикнинг хуш бўйларини келтирган севги шабадалари»), Али Сафийнинг «Рашаҳат айн ул-ҳаёт» («Ҳаёт чашмасидан томчилар»), Муҳаммад Қозининг «Силсилаий ул-орифин» ва тазкират ассиддиқин», Аҳмад ибн Мустафо Тошпўлатзоданинг «Аш-шақоиқ ан-Нўғмония» («Нўғмон ибн Собит мазҳабидаги биродарлар») ва бошқа асарларда Низомиддин Хомушнинг фазилат ва кашфу кароматларига кенг ўрин ажратилгани ҳолда, таржимаи ҳолига доир маълумотлар кам келтирилган. Шунингдек, Абдураззоқ Самарқандийнинг «Маблаи саъдати ва мажмаи баҳраратн», Фасиҳ Аҳмад Хавофийнинг «Мужмали фасиҳий», Мирхонднинг «Равзаи ус-сафо» асарларида ҳам Хомуш ҳаётига оид айрим маълумотлар келтирилган.

Ана шу манбаларга асосланиб Хомушнинг таржимаи ҳолига доир мулоҳазаларни баён этиш мумкин. «Мавлоно Низомиддин 1360 йилларда Самарқандда туғилиб, 90 йилдан кўпроқ умр кечириб, 1450 йилларда оламдан кўз юмган кўринади», деб ёзади Ботирхон Валихўжаев. Олимнинг фикрича, Низомиддин Хомуш дастлабки таълимни Самарқанд мактабларида олгандан сўнг, ўқишни давом эттириш мақсадида Бухорога борган.

Бухорода ўқиб юрган вақтда Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбандни Бухоро уламоларидан бирининг суҳбатида кўриш шарафига муяссар бўлганини Жомий, Навоий ўз асарларида таъкидлаб ўтганлар. Нақшбанд тариқати моҳиятини эгаллаш мақсадида Ҳазрати Хожаи Бузургнинг сафдош ва шогирдлари бўлмиш Хожа Алоуддин Аттор ҳазратлари раҳнамолигида нақшбандия тариқатининг назарий ва амалий моҳиятини чуқур ўрганади. Бу соҳада маълум натижаларни қўлга киритгач, Самарқандга қайтиб, ўз фаолиятини давом эттиради, Нақшбанддан сўнг тариқат раҳнамоси бўлмиш Муҳаммад Порсо (1345-1419) Самарқандга ташриф буюрганларида у кишининг суҳбатида бўлади.

Мавлоно Низомиддин Хомуш Самарқандда эканида унинг атрофида ўша даврнинг кўзга кўринган олим, шоир ва уламолари тўпланиб, уни ўз муршидлари деб эътироф этганлар. Мавлононинг мухлислари қаторида Самарқанд Шайхулисломи Исомиддин, уламолардан Мавлоно Саъдиддин Қошғарий, Мавлоно Қосим Анвар, Сайид Шариф Журжоний, Хожа Аҳрор Вали ва бошқалар бўлганлар. Бу ҳақда манбаларда қизиқарли маълумотлар сақланган.

Нақл қилинишича, Хожа Аҳрор Самарқандга бориб, Мавлоно Хомуш дарс берадиган ҳужрага кириб, шогирдлар қаторида бир бурчакда сукут сақлаб ўтиради. Мавлоно дарсни тугатиб, Хожа Аҳрорга қараб: нега жим ўтирмоқни ихтиёр айладингиз, дейди. Даврада гапирмай, сукут сақлаб ўтирадиганлар икки тоифадир. Бири олий мақомга эришганлар бўлиб, ундайлар сукути буюклигидан ва камтарлигидан нишона. Иккинчиси эса, билимсиз кишилар бўлиб, улар ўз нодонлигини яшириш мақсадида жим турадилар ва ҳийла ишлатадилар... Хожа Аҳрорнинг шу тариқа Хомуш суҳбатига етганлиги ҳақида манбаларда таъкидланган.

Б.Валихўжаев таъкидлаганидек, XV асрнинг 30-40 йилларида М.Н.Хомуш Тошкентда бўлиб, Хожа Убайдуллоҳ билан кўп суҳбатлар қилгани ҳақида мақомот(мартабалар, қоидалар ва ҳикояларни билдирувчи китоб — **М.Б.**)ларда, жумладан, Муҳаммад Қозининг «Силсилаи ул-орифин» асарида ҳам келтирилган. Шу манбада келтирилишича, Хожа Убайдуллоҳ шундай ҳикоя қилган экан.

«Тошкандда эканимиз вақтида уйимизга Мавлоно Хомуш меҳмон бўлдилар. Мен у кишининг иззат-ҳурматини жойига келтирмоқ учун доимо ҳаракат қилардим. Мавлононинг истаклари билан Тошканд мазоротларини бирга зиёрат қилардик. Суҳбат давомида эса турли масалалар ҳақида сўзлаб, ҳар хил ривоятлар келтирардилар. Бир куни шундай воқеани айтдилар: икки киши бор эди. Улар эгизак бўлиб, орқаси билан бир-бирига ёпишган эди. Шундай бўлса-да, доим шукр дер эдилар. Шунда биров сўради: аҳволингиз бундай бўлса-да, нега доим шукр дейсизлар? Ул икков шундай жавоб бердилар: бундан ҳам оғир азоб-уқубат борлигини тасаввур қилиб, шундай деймиз. Кўп вақт ўтмай улардан бири вафот этди. Яна у билан учрашганда тириги айтди: бу энг оғир балодир, ундан қутулиш мушкул, чунки доим ўликни кўтариб юрмоқ керак. Шунисига ҳам шукр қиламан.

Бу ҳодиса бўлса, унда табиатнинг турли хилдаги мўъжизалари тарихини ўрганиш учун бир манба бўла олади ва агар у тамсилий ҳикоя тарзида яратилган бўлса, унда кишилар доимо шукр айтиш билан яшашлари даркор, яъни Оллоҳнинг хоҳишига қарши бормасликлари керак, деган ғоя олға сурилган. Албатта, бундай фикр тасаввуф тариқати намоёндалари ақидаси сифатида қаралмоғи лозим», деб ёзади Ботирхон Валихўжаев.

Хомуш Тошкандда Хожа Убайдуллоҳ уйида турар экан, уни зиёрат қилиш учун атрофдан ҳам одамлар келар эди. Ана шулардан бири Фаркат (Тошкент яқинидаги қадимий шаҳар) мавлонозодаси бўлиб, у ҳазратга туҳфа ҳам тақдим этган.

Хомушда нақшбандия тариқатининг кўзга кўринган намоёндаларидаги барча фазилатлар мужассам бўлган. Шунинг билан бирга, у шу даражада илоҳиёт кашфига бериларканки, шу жараёнда қўлларининг қалтирашларини ҳам сезмай қолар экан. Агар бундай ҳолат (жазавага берилиш) таом тановул қилиш пайтида содир бўлса, қўлларининг қалтираши натижасида қошиқдаги таомлар тўнига тўкилиб, тўнлари ҳамиша ёғли бўлиб юраркан. Бу ҳолатларнинг асл сабаблари аён бўлгунга қадар мавлононинг муршидлари Алоуддин Аттор ҳам ундан ҳайрон қолган ва унинг олдини олиш учун уринган экан, аммо Мавлоно Хомуш кайфиятининг моҳияти аён бўлгач, «ҳақ субҳона ва таоло ўзига шунчалик машғул этган кишини биз бу йўлдан қайтара олмасмиз», деб тан берган экан.

Мавлоно Хомушнинг кашфу кароматлари унинг шуҳратини халқ орасида ошириб борган. У кишининг кароматларидан бири бемордаги касалликни ўзларига олиб, сўнг бу иллатни ўзларидан чиқариб ташлаш бўлган. Бу каромат нақшбандия тариқатининг ўзига хос жиҳатлариданки, бошқа тариқатларда бўлмаган.

Яна бир каромат шуки, у кишининг ғазабига учраганлар соғ қолмаган. Бу ғазаб жисмоний куч ишлатишга қарамақарши ўлароқ, руҳиятга таъсир этиш тарзида бўлиб, бунинг натижасида ғазабга учраган (яъни, Мавлонони ниҳоятда ранжитган) соғ қолмаган.

Мавлононинг келажакни кўра билишига доир лавҳалар манбаларда келтирилган. Жумладан, Навоий ўзининг «Насойим ул-муҳаббат» асарида Қошғарий ҳақида маълумот бераркан, жумладан. Шундай ёзади: «Менга Макка сафари дағдағаси (ташвиши) пайдо бўлди. Чун алардин (Хомушдан — **М.Б.**) ижозат тиладим. Алар дедиларки, ҳар неча боқадурмен, бу йил сени ҳожилар қофиласида (сафида — **М.Б.**) кўрмайман». Шундан сўнг Қошғарий Хуросонга келади ва ҳажга бориш кўп йилдан сўнг насиб этади.

Муҳаммад Қозининг «Силсилот ул-орифин» асарида шундай бир лавҳа келтирилган. «Мавлоно Дарвеш Сарипули шундай эсларди: мен кичик эрканимда отам Мавлоно Хомушнинг мухлиси эди. Мавлоно бизнинг уйимизда кўп бўлардилар. Ана шундай кунларнинг бирида муроқабада бўлган Хомуш бирдан қичқириб юбордилар. Отам бу ҳолнинг сабабини сўраганда Мавлоно Низомиддин шундай дедилар: «Шарқда Хожа Убайд номли бир шахс пайдо бўлди. У бутун оламни олди. У ажойиб буюк шахсдир». Бунда сўз Хожа Аҳрор Валининг келажакдаги буюк мақоми ҳақида эдики, бу башоратнинг амалга ошганлиги ҳаммага маълум.

Мавлоно Хомушнинг фавқулодда фазилатлари ҳақида Хожа Убайдуллоҳ шундай ҳикоя қилган: биров келиб, Мавлоно Хомуш касал бўлиб қолганини айтади. Бу вақтда, у киши Тошкандда бизнинг уйимизда эди. Бордим. Қарасам, у кишининг устига кўп тўн ёпиб, яна бир неча киши ҳазратнинг устини маҳкамлаб турарди, аммо шунга қарамай мавлоно титрардилар, тишлари тишларига тегмасди, бу ҳолни кўриб хафа бўлдим. Шу вақтда биров эшикдан кириб келди. Ҳаво совуқ бўлиб, у киши сувга тушиб, тўнлари ҳўл бўлиб, ўзи совуқдан титрарди. Мавлоно айтдилар: мени қўйинглар-да, бу одамни иситинглар. Мен унинг учун совуқ қотардим. Ҳалиги шахснинг кийимларини алмаштириб, уни исита бошладилар. Шунда Мавлоно ҳеч заҳматсиз ўринларидан турдилар ва соппа-соғ эдилар.

Хуллас Мавлоно Низомиддин Хомуш нақшбандия тариқатининг йирик намояндаларидан бўлиб, XIV асрнинг охири ва XV асрнинг биринчи ярмида, Хуросон, Мовароуннаҳр, хусусан, Самар-қандда катта эътиборга сазовор бўлган сиймолардан биридир.

Муҳаммадихон БУЗРУКОВ,
СамДУ дипломанти

ДУНЁ ТАРИХЧИЛАРИ ЖАМ БЎЛГАН АНЖУМАН

Яқинда, Ўзбекистон Республикаси ФА Тарих институти, Осиё маданияти ва ривожланиш институти (Корея) ва Темурийлар тарихи давлат музейи ҳамкорлигида «Марказий Осиё: цивилизацион ривожланиш йўллари» мавзусида халқаро илмий анжуман ўтказилди.

Анжуман Темурийлар тарихи давлат музейида бўлиб ўтди. Унда Корея, Япония, Қозоғистон, Тожикистон, Германия, АҚШ ва бошқа давлатлардан келган етакчи олимлар, ЎзР ФА Тарих институти, Шарқшунослик институти, Ўзбекистон Миллий университети, санъатшунослик институти ва бошқа илмий марказларнинг олимлари, шу билан бирга Кореянинг Хандонг университети, Япониянинг Кокушикан университети, Германиянинг М.Планка номидаги ижтимоий антропология институти ва Кореянинг Пусан миллий университети каби халқаро илмий марказ олимлари қатнашдилар.

Конференция «Цивилизация тарихи», «Тарих, иқтисод, ҳуқуқ, сиёсат ва халқаро муносабатлар», «Маданият, урф-одат ва тил» каби шўъбаларга бўлиниб иш олиб борди.

Унда Ўзбекистонда тарих фанининг ривожланиш истиқболлари ва муаммолари, Марказий Осиёда илк цивилизация тараққиёти, XXI аср цивилизацион уйғонишнинг янги йўналишлари, Ўзбекистон давлатчилиги шаклланишида маданият ва санъатнинг ўрни каби масалалар муҳокама қилинди. Булардан ташқари мустақил Ўзбекистонннинг цивилизацион тараққиётининг ҳуқуқий ва иқтисодий жиҳатлари масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Муҳокама жараёнида турли давлат ва минтақа олимлари ўртасида бўлиб ўтган баҳс мунозараларда кўплаб муҳим муаммолар бўйича ўзаро фикрлар алмашилди.

Ушбу тадбир ўзининг юқори савияда ўтказилганлиги, турли давлатлардан келган тарихчи мутахассисларнинг қатнашганлиги, тарих, археология, этнология, манбашунослик, тарихшунослик, санъатшунослик, иқтисод, ҳуқуқ, фалсафа, сиёсат, тил, халқаро муносабатлар, маданият каби соҳалар бўйича жуда кўплаб муҳим ва долзарб масалалар кўриб чиқилганлиги билан аҳамияти каттадир.

ЎзРФА Тарих институти Осиё маданият ва ривожланиш институти (Корея) билан ҳамкорликда ўтказган ушбу халқаро илмий анжуман бу икки илмий марказ томонидан ўтказилган иккинчи анжуман ҳисобланиб, бундай анжуманлар икки илмий марказ томонидан ҳар йили доимий тарзда ўтказиладиган тадбирга айланиб бормоқда. Бундай халқаро анжуманлар ЎзФА Тарих институти ходимлари томонидан олиб борилаётган илмий тадқиқот натижаларини дунё миқёсига олиб чиқишга, илмий тадқиқотлар олиб боришда хорижий ҳамкорлик фаолиятларини ривожлантиришга, тарих фани бўйича жаҳон миқёсида эришилган ютуқ ва янгиликларни ўзаро алмашиб туришга хизмат қилмоқда.

Алишер ОТАБОЕВ

ВАТАН МАВЗУСИ МАДҲ ЭТИЛДИ

«O`zbekiston qo`shiq bayrami»

Мана бир неча йилдирки, мамлакатимиз таълим муассасаларида «Ўзбекистон қўшиқ байрами» кўрик-танлови анъанавий тарзда ўтказилмоқда. Жиззах шаҳридаги Юнус Ражабий номидаги вилоят мусиқали драма театри биносида мамлакатимиз ЎМКҲТ муассасалари ўртасида ана шундай кўрик-танловнинг якунловчи республика босқичи бўлиб ўтди.

Эътиборлиси, бундай танловларда иштирок этаётган бадиий жамоалар орасидан келажакда умидли санъаткорлар борлиги яққол кўзга ташланмоқда. Йилдан-йилга ўқувчи ёшларнинг бу танловга қизиқиши ортиб бораётганлиги ҳам ҳакамлар ҳайъати томонидан алоҳида таъкидланмоқда.

Жиззахда бўлиб ўтган кўрик-танловда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардан 14 та таълим муассасаси бадиий жамоалари ўз дастурларини намойиш этдилар. Ҳар бир жамоа ўзбек халқининг ўзига хос урф-одатлари, анъаналарини, мусиқа санъати билан ўзаро уйғунликда намойиш этиб, миллий истиқлол ғояси ҳамда ўз ҳудудлари тарихи ва маданиятини қўшиқ ва рақс орқали акс эттира олганликлари аҳамиятлидир.

Бадиий дастурлари орқали мусиқа ва қўшиқчилик санъатининг шаклланиши ва ривожланишидаги ўзига хос жиҳатларини, ўзлари яшаб турган жойдаги санъатнинг анъаналарини кенг ёриттанлиги ва намойиш эта олгани учун Хоразм ва Самарқанд вилоятлари бадиий жамоалари фахрли биринчи ўринни эгалладилар. Мусиқа, куй ва ижро маданиятининг ўзаро уйғунлигини ёритишдаги маҳорати ва бадиий чиқишларида Ватанга муҳаббат, садоқатни ифода эттирганлиги учун Тошкент шаҳри, Жиззах, Тошкент ва Фарғона вилоятлари жамоалари иккинчи ўринга сазовор бўлдилар.

Бундан ташқари, кўрик-танловда ўзининг алоҳида истеъдодини намойиш қилган Ангрен политехника техникуми ўқувчиси Азиза Абдуллаева ва Беруний педагогика коллежи ўқувчиси Саломат Ҳабибуллаевалар «Мафтункор овоз соҳиби», Наманган саноат касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Мирлазиз Мирсайдуллаев эса «Ёш умидли созанда», Самарқанддаги 2-тиббиёт билим юрти ўқувчиси Нилуфар Зокирова «Жозибали рақс» номинациялари бўйича ғолиб деб топилдилар.

Ғолиб бўлган барча бадиий жамоалар ва номинация эгалари ЎМКҲТ Маркази томонидан мукофотланди.

МУХБИРИМИЗ

Mulohaza

МЕҲР-ШАФҚАТ — ЮКСАК ФАЗИЛАТ

Ўзбек халқининг этнопедагогик хусусиятлари ҳақида айрим мулоҳазалар

Ўзбек халқининг миллий анъаналари, урф-одатлари, маросимлари жуда теран тарихий илдизларга эгадир. Улар халқнинг маънавий эҳтиёжлари замирида пайдо бўлиб, шаклланиб, сайқалланиб, шу заминда халқнинг орзу-ўйлари, истаклари, турмуш тарзи, ахлоқ меъёрларини ўзида мужассам этган. Ўзбек халқининг миллий менталитети, яъни миллий урф-одатлари, жумладан, инсонпарварлиги, тинчликсеварлиги, меҳмондўстлиги, халқпарварлиги, етимпарварлиги ва бошқа анъаналари ҳисобланади. Халқимизнинг етимпарварлиги азал-азалдан унинг болажон халқ экани билан, бағрикенглиги билан изоҳланади. Халқимиз оила, фарзанд, ота-она ва уларнинг бурч ва вазифаларига алоҳида эътибор бериб келди. Бизда ҳеч қачон ота-она ўз фарзанди тарбиясига, тақдирига лоқайд бўлмаган. Зотан, ҳар қандай жамиятда етимлар сонининг ортиб бориши, уларга бепарволик инсонлар орасида меҳр-оқибат, ҳурмат-иззат, меҳр-шафқат, мурувватнинг йўқолишига сабаб бўлади, ёш авлодни тарбиялашда кўплаб муаммоларни келтириб чиқаради. Кейинги пайтда оилаларда ажралишларнинг юзага келаётгани етим болалар кўпайишига олиб келмоқда. Икки ёшнинг бир-бирини тушунмаслиги, қайнона ва келин ўртасидаги келишмовчиликлар, эр ёки хотиннинг вафот этгани, оиладаги моддий етишмовчиликлар бунга сабаб бўлаётир.

Етимпарвар халқимиз ота-онаси вафот қилиб, ёлғиз қолган болани «чин етим», онаси билан қолган болани «гул етим», отаси билан қолган бола «шум етим», айрим ҳолларда отаси ёки онаси томонидан ташлаб кетилган болани «тирик етим» деб атаган. Ўзбек халқининг етимпарварлик этнопедагогик хусусияти, айниқса, уруш йилларида кўзга ташланди.

Манбаларнинг кўрсатишича, XI асрда яшаб ижод этган Юсуф Хос Ҳожиб масъул кишилар етимларга меҳрибон, кўнгилчан, хусусан, уларнинг эҳтиёжларига алоҳида муносабатда бўлишлари лозимлигини уқтирган. Буюк мутафаккир шоир Алишер Навоий «Ихлосия» мадрасаси қошида ота-онасидан етим қолган болалар учун мактаб очган ва уларни ўз ҳисобидан кийим-кечак, озиқ-овқат ва ўқув қуроллари билан таъминлаган. Демак, қадимдан халқнинг етимлар ҳақида ўз қарашлари, улар ҳимоясига қаратилган тадбир ва анъаналари бўлган.

Моҳият эътибори билан етимлик жамият этиборини қаратиш шарт бўлган ҳодиса. Уларни ҳар томонлама ҳимоя қилиш, уларга меҳр-мурувват кўрсатиш, миллий истиқлол ғояси асосида таълим-тарбия бериш каби масала бугунги кунда яхши йўлга қўйилган.

Зеро, етимларга ғамхўрлик деганда, биринчи навбатда меҳрибонлик, уларни қўллаб-қувватлаш назарда тутилади. Боқувчисидан маҳрум бўлганларга ғамхўрлик кўрсатиш Ўзбекистон Республикаси Конституциясида кафолатланган. Шунингдек, «Таълим тўғрисида»ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларида ҳам боқувчисидан айрилган болаларга меҳр-мурувват кўрсатиш, уларни тарбиялаш масаласи уқтирилган, «Таълим тўғрисида»ги қонуннинг 20-моддасида шундай дейилади: «Етим болалар ва ота-оналарининг ёки бошқа қонуний вакилларнинг қаровисиз қолган болаларнинг таълими ва таъминоти тўлалигича давлат ҳисобидан амалга оширилади. Етим болалар қонун билан белгиланган тартибда давлат томонидан қўллаб-қувватланади».

Жаҳондаги кўпгина халқларда бўлгани каби Марказий Осиё халқларида ҳам бола етим бўлиб қолса, уларни қариндошлари ёки ҳамқишлоқлари, маҳалладошлари ўз қарамоғига олиб тарбиялашган. Дарҳақиқат, етим болаларни асраб олиш, уларга ҳомийлик қилиш ўзбек халқининг анъанаси бўлган. Халқимиз шу эзгу хислатига ҳамиша содиқ қолиб келаётир. Бу удум халқимизнинг ўзига хос руҳини, турмуш тарзи ҳамда миллий қадриятлари, анъаналарига асосланганлигидир. Айниқса, бу бағри кенглиқнинг кам таъминланган оилалар, ногиронлар, етим-есирлар, қариялар, боқувчисиз қолган болаларни ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилгани диққатга сазовордир. Юртбошимиз Ислом Каримов «Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари» номли асарида «Ватандошларимиз бир-бирларига елкадош, аҳил-иноқ бўлиб яшашида, етим-есирлар, ногиронлар, қариялар ва болалар, қаровчисиз ва мутаҳтож кишиларимиз ҳимоясини ташкил қилишда ўзимизнинг кучимизни ва меҳнатимизни ҳеч қачон аямаймиз», деб ёзадилар. Демак, боқувчисидан маҳрум бўлган болаларга кўмаклашиш, уларни тарбиялаш, мустақилликдан сўнг «Болалар уйи», «Меҳрибонлик уйи» деб атала бошлангани, «Меҳрибонлик уйи»га мустақил юридик мақом берилиши диққатга сазовор. «Меҳрибонлик уйлари» хўжалик, ўқув тарбия ишларини олиб бориш, истаган ташкилот ёки муассасалар билан муомалада бўлиши жиҳатидан ҳам мустақилдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва фармойишлари Олий Мажлис ва Вазирлар Маҳкамасининг қонун ҳамда қарорлари, меъёрий ҳужжатлари асосида «Меҳрибонлик уйи» тўғрисида низом ишлаб чиқилди. Меҳрибонлик уйининг асосий вазифаси оилавий муҳитдан маҳрум бўлган болалар ва ўсмирларни тўлиқ руҳий соғломлаштиришга, ижтимоий меҳнатга мослашувига ва ижтимоий ҳуқуқий ҳимоя қилишга кўмаклашишга қаратилиб, бу жойдаги муҳитни уй шароитига яқинлаштириш мақсади кўзда тутилган. Демак, «Меҳрибонлик уйлари»да ижтимоий «оғриғи» бўлиб келган. Яна ҳам ачинарли томони шундаки, айрим болаларнинг ота-оналари тирик бўла туриб, «Меҳрибонлик уйлари»да тарбияланмоқда. Бу ҳодисаларнинг объектив сабаблари бор ва улар турлича. Агар «Меҳрибонлик уйлари»да тарбияланувчиларнинг тақдирига назар ташласак, уларнинг ота-оналари ўз фарзандидан воз кечган кимсалар, айримлари эса руҳий касалликка чалинганлиги, жиноятга қўл ургани туфайли ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган, баъзилари эса ҳаётдан бевақт кўз юмган кишиларнинг фарзандлари эканлигини кўрамиз.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ўзбек халқининг этнопедагогик хусусиятларидан бири бўлган етимпарварлик анъанаси, катта тарбиявий аҳамиятга эга. Халқимизнинг етимпарварлиги, болажонлиги жамиятда ўзаро ҳурматни, меҳр-оқибатни, мурувват, садоқат ва вафони таъминлайди.

Ў.АСҚАРОВА
педагогика фанлари номзоди,
Феруза РУСТАМОВА,
ҳуқуқшунослик факультети II-курс талабаси

Modomiki abituriyent auditoriyadagi o'rnatilgan tartib-intizomning risoladagidek bo'lishini ta'minlovchi, aniqrog'i yo'l qo'yilayotgan nohaqlik yoki tartibsizlikning oldini oluvchi eng odil hakam, kuzatuvchi bo'lib qolishi ham qarz, ham farzdir.

Bir ariqdan suv ichgan ikki dala. Dehqonchilikning ham o'z ilmi-amali borligini isbotlab turgandek!

Tavsiya

АБИТУРИЕНТ ХАТОЛИККА ЙЎЛ ҚЎЙМАСИН

Танлов жараёнининг адолатли усули сифатида оммавийлашган, шахсларнинг ижтимоий онгини шакллантиришдаги муҳим восита — тест синови ҳамда унинг ўтказилиш тартиби десак муболаға бўлмайди. Айниқса, тест синовларининг олий таълим муассасаларига абитуриентлар танловида қўлланилиши ҳам муҳим ижтимоий-сиёсий ҳодисадир. Зеро, мазкур синов абитуриентларнинг ҳаётида мазмунли бурилиш қиладиган, эсда қоладиган воқеликдир.

2003 йилдаги айрим таҳлилий жиҳатларга эътибор қаратсак, у ҳолда ҳар йили тест синовларига нисбатан айрим муҳим жиҳатлар мавжудлиги аён бўлади. Жумладан, бу йилги тест синовларида қатнашиш истагини билдирувчилар сони ўтган йилларга нисбатан анча юқори бўлиши кутилмоқда. Бу эса тест синовларини муваффақиятли, мукаммал тартиб қоидаларга биноан ўтказиш заруриятини келтириб чиқаради. Ҳолбуки, бунинг учун шинам, ёруғ, кенг хоналарга эга бўлган биноларни танлаш ва абитуриентларнинг топшириқларни бемалол ечишига шароит яратиб бериш талаб қилинади.

Дарҳақиқат, мамлакатимиз олий таълим муассасаларига иқтидорли ёшларни танлаб олишда тест синовларининг 12 йилдан бери мунтазам равишда ўтказилиши маълум тажрибалар тўпланишига асос бўлди. Тўпланган тажрибалардан маълумки, тест синовлари масъулият билан тартибли ўтказилиши, холис, адолатли синов бўлиши айнан абитуриентларнинг ўзига ҳамда унинг талабчанлигига ҳар томонлама боғлиқ ҳолат. Ушбу хулосани абитуриентлар томонидан бажариладиган ишлар мазмуни ҳам тўлиқ исботлайди.

Олий таълим муассасасига ҳужжат топширган абитуриент бажариши лозим бўлган масъулиятли вазифаларни айрим қисмларга бўлиш мумкин. Ўтган даврлар тажрибаси абитуриентларнинг тест синовлари жараёнида қуйидаги асосий хатоликларга йўл қўяётганликларини кўрсатмоқда.

Биринчидан, абитуриентлар тест синовлари ўтказиладиган жараённи олдиндан билиб олишмайди ва тест синовларида қатнашиш ҳуқуқини берувчи рухсатнома ҳамда фуқаролик паспортини ўзлари билан олиб келишмайди. Иккинчидан, тест синовлари жараёнида жавоблар варақасидаги фан блокларини алмаштириб тўлдириш ёки партада бирга ўтирган абитуриентлар жавоблар варақасини ўзаро алмаштириб қўйиш ҳоллари учрайди. Учинчидан, абитуриентлар саволлар китоби, жавоблар варақаси, титул варақасини аудитория раҳбари алоҳида-алоҳида (мос равишда қутига, пакетга) жойлаштирганига эътибор бермайди ва ушбу ҳолатга масъулиятсизлик билан ёндошишади. Тўртинчидан, жавоблар варақасининг номерини титул варақаси ҳамда рухсатномада белгиланган жойга тўғри ва аниқ ёзиб олишмайди. Бинобарин, шундай камчиликларга йўл қўймаслик учун абитуриентлар тест синови бошланишидан 3 кун олдин ўзларига тегишли бино ва аудиторияларнинг жойлашиши (бино, қават, аудиториянинг тартиб рақами)ни тўлиқ билиб олиши шарт. Шу билан бирга ўша куни гуруҳ тартиб рақами кўрсатилган рухсатномасини қабул комиссиясидан олиши лозим. Энди, бевосита тест синовларини топшириш жараёнига келсак, унда абитуриент эрталаб соат 7.30 да тест ўтказиладиган бинога рухсатнома ва фуқаролик паспорти (вояга етмаганлар белгиланган тартибда расмийлаштирилган ҳужжати ва туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома) билан келади. Соат 8.00 гуруҳ тартиб рақами билан бир хил рақамланган аудиторияга жойлашади. Соат 8.30 да тест синовлари учун ўрнатилган тартибда тақдим этилган материалларни қабул қилиш бошланади. Абитуриентлар учун энг масъулиятли бўлган иш жараёни тест материалларини қабул қилишдан бошланади. Унда, абитуриент ўзи учун тайёрланган тест материалларини аудитория раҳбаридан олади ҳамда жавоблар варақаси, саволлар китобини олиб, обдон текшириб чиқишлари шарт. Чунки жавоблар варақасидаги вариант рақами саволлар китобидаги вариант рақами билан мос келиши, саволлар китобида 3 та фандан 36 тадан 108 та саволлар ва уларнинг ҳар бирига 5 та (А, В, С, Д, Е)дан жавоблар бўлиши зарур. Агарда, абитуриентнинг қўлидаги тест материалларида айрим типографик хатоликлар учраса, унда абитуриент аудитория раҳбарига дарҳол мурожаат қилиши ҳамда камчиликлар тезкорликда тугатилишини талаб қилиши шарт. Кечикиб мурожаат қилган абитуриентларнинг эътирози инобатга олинмайди. Шу ўринда айтиш жоизки, ижодий имтиҳон топширган абитуриент аудитория раҳбаридан 2 та фан блоки бўйича тест материалларини олиши керак. Акс ҳолда абитуриентнинг ижодий имтиҳонда тўплаган бали ҳисобланмайди. Бундан ташқари, 3 та фан блоки бўйича тўлдирилган жавоблар варақаси ҳам ўқилмайди. Демак, абитуриент соат 9.00 да тест материаллари билан тўлиқ таъминланган ва жавоб варақасидаги "Абитуриентлар диққатига" деб номланган матн билан танишиб чиқиши лозим. Шу тарика абитуриент ўзига тегишли рухсатнома ва титул варақасининг махсус белгиланган жойларига жавоблар варақасининг рақамини шошмасдан аниқ кўчириб ёзади. Варақанинг тегишли қисмига ўзи ҳақидаги маълумотларни фақат ҳаворанг пастали шарикли ручкадан фойдаланиб тўлдиради ва ўзларига мос келадиган доирачаларни бўяйди. Титул варақасидан жавоблар варақасининг махсус белгиланган жойига тегишли рақам (вилоят, туман, шаҳар, шаҳар тумани, таълим муассасаси ва ихтисослик коди, мактаб, лицей номери)ларини мос равишда тўлиқ ва хатосиз кўчириб ёзади ҳамда рақамларга мос доирачаларни бўяйди. Шундан кейин абитуриентлар саволлар китоби ҳамда жавоблар варақаси билан ишлай бошлайди. Қайсики, абитуриент саволлар китобидаги тест саволларига берилган 5 та жавобнинг 1 та тўғрисини топиши керак. Такрор бўлсада айтиш лозимки, абитуриент саволлар китоби билан мукаммал ишлаб, 3 соат (ижодий имтиҳон топширганлар 2 соат) давомида ўзлари учун тўғри бўлган жавобларни топиши зарур бўлади. Абитуриентлар қўшимча равишда берилган 20 дақиқада эса саволлар китобидан танланган ихтиёрий жавоб(А, В, С, Д, Е)ларнинг биттасини фан блоклари бўйича жавоблар варақасида белгиланган жавоблар(А, В, С, Д, Е)ни мос равишда янглишмасдан бўяшлари шарт. Шу ўринда қатъий равишда айтиш ўринлики, абитуриент жавоблар варақасидаги ҳар бир доирани бўяшда ҳеч қандай хатоликка йўл қўйиши мумкин эмас. Агар абитуриент жавоблар варақасидаги доира (А, В, С, Д, Е)ни нотўғри бўяса қайта тўғирланмайди ҳамда ҳар қандай далолатнома ёки бошқа ёзма мурожаатлар эътиборга олинмайди. Шунинг учун ҳам жавоблар варақасини тўғри тўлдириш масъулияти шахсан абитуриентнинг зиммасига юклатилади. Абитуриент жавоблар варақасини тўлиқ тўлдириб бўлгандан сўнг, у ўзига тегишли титул варақаси, саволлар китоби ҳамда жавоблар варақасини алоҳида текшириб кўради-да, ўрнатилган тартибда аудитория раҳбарига топширади. Хуллас, абитуриент тест синовлари давомида фойдаланган (кўпинча қутига жавоблар варақаси ҳам солинади – бу нотўғри), жавоблар варақасини – пакетга, титул варақасини махсус пакетга, жавоблар варақасининг рақамини ёзиб махсус варақага шахсий имзосини қўяди. Шундан кейингина абитуриент аудиториядан чиқиб кетиши мумкин.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, олий таълим муассасасининг талабаси бўлиш ҳар бир абитуриентнинг энг муҳим мақсади ва ширин орзусидир. Бунинг учун ҳар бир абитуриент исми жисмига монанд "илм эгаллашда тайёргарлик"да ўзининг қадрдон мактаби, лицейи, коллежининг обруйини сақлаши ҳамда олий таълим муассасининг талабаси бўлиш масъулияти ҳам ўз зиммасида эканлигини ҳеч қачон унутмаслиги лозим. Шунинг учун қаллоб "калитчи"ларга, энг ачинарлиси, абитуриентнинг отаонасини алдайдиган "кафолатли" ваъдабозларга ишонмаслик керак. Абитуриент тест синовларида фақатгина мукаммал билим, кенг дунёқараш, асосли фикр ва иймонли, ишончли, маданиятли ҳаракатлари ҳал қилувчи восита эканлигини тўғри англаши шарт. Модомики абитуриент аудиториядаги ўрнатилган тартиб-интизомнинг рисоладагидек бўлишини таъминловчи, аниқроғи йўл қўйилаётган ноҳақлик ёки тартибсизликнинг олдини олувчи энг одил ҳакам, кузатувчи бўлиб қолиши ҳам қарз, ҳам фарздир.

Б.РАЖАБОВ,
Қ.БОЙМИРОВ,
Давлат тест маркази ходимлари

ЗИЁБАХШ МАСКАН

Kutubxona — nurxona

Китоб — илм чашмаси, кўнгил чироғи, деймиз. Китоб онгу шууримизни бойитади, дунёқарашимизни шакллантириб, маънавиятимизни юксалтиради. "Китоб (битик) — барча бунёдкорлик, яратувчанлик ва ақл-идрокнинг, илму донишнинг асосидир, ҳаётни ўргатувчи мураббийдир", деган эди буюк бобокалонимиз Амир Темур.

Шарқнинг буюк олиму фозиллари бутун ҳаётлари давомида китоб шайдоси бўлганлар, билим хазинаси бўлмиш кутубхоналар ташкил этиб, уларда минглаб нодир китоб ва қўлёзмалар сақлаб, мутолаа қилганлар. Зеро, битик ҳамиша азиз. Барча замонларда қадрланган китоб, агар таъбир жоиз бўлса, инсониятни эзгуликка элтувчи йўлчи юлдуздир.



Айни пайтда ҳам одамларнинг, айниқса, ёшларнинг маънавий дунёсини бойитишда кутубхоналаримизнинг аҳамияти беқиёс. Пойтахтимизнинг Қорасув даҳасида жойлашган Тошкент вилояти педагогика коллежининг кутубхонаси ҳам ёшларнинг маънавий дунёқарашини ўзгартиришда, уларни миллий истиқлол руҳида тарбиялашда муқаддас зиё маскани ҳисобланади. Тажрибали педагог, ўз касбининг устаси Сарсенгул Кистабаева мудирлик қилаётган бу билим хазинаси қанчадан-қанча илм фидойилари, турли касб эгалари, ўқитувчи, ўқувчиларга сидқидилдан хизмат қилиб келмоқда. Китобхонларнинг сони жиҳатидан ҳам унча-мунча катта кутубхоналардан қолишмайдиган бу масканда 1929 нафар китобхон учун 12 минг 735 дан ортиқ илмий, бадиий ва тарихий китоблар, дарсликлар жамланган. Кунига юзлаб ўқитувчи, ўқувчи ва ходимларнинг ўз устиларида мустақил ишлашлари, изланишлари ва ижод қилишлари учун кутубхонада ҳамма қулайликларга эга бўлган шинамгина ўқув хонаси мавжуд. Бу ерда ўқитувчи ва ўқувчилар учун дарсларга тайёргарлик кўриш, унинг самарадорлиги ва мазмундорлигини ошириш учун барча шароитлар яратилган. Сарсенгул Кистабаева, Гулчеҳра Пирматова каби ширинсўз, тажрибали кутубхона хизматчилари ҳар бир ўқувчига китоб танлашда, керакли ўқув қўлланмаси, бадиий асар, илмий мақолани топишда ёрдам кўрсатмоқдалар. Кутубхона аъзолари — китоб мутолааси орқали қадриятларимиз, урф-одатларимиз, юрт тарихи ҳамда бой маданий ва илмий меросимизни чуқур ўрганиб бормоқдалар. Кутубхонада турли оммавий, ташкилий, тарбиявий, маърифий учрашувлар, қизиқарли кечалар мунтазам ўтказилиб турилади.

Булардан ташқари, кутубхонанинг шинам ўқув залида ёзувчи ва шоирлар, олимлар, санъаткорлар, элчихона ходимлари, суд ва прокуратура, ички ишлар академияси, тиббиёт ходимлари ҳамда ота-оналар, маҳалла фаоллари билан тез-тез учрашувлар, савол-жавоб кечалари, мароқли суҳбатлар, мунозаралар, баҳслар, тарбиявий соатлар бўлиб туради.

Ҳа, миллий маданиятимиз, урф-одатларимиз, қадриятларимиз қайта тикланаётган бугунги кунда китобларнинг аҳамияти янада катта бўлмоқда, унга эътибор кучаймоқда. Ёшларимиз ўз устиларида тинмай ишлаб, кундалик янгиликлардан хабардор бўлиб туришлари даркор. Бир сўз билан айтганда, зиё маскани ўқувчи ёшларнинг энг севимли жойларидан бирига айланиши керак.

Рашид БОЙТИЛЛАЕВ,
Нормўмин ЎТАНОВ

Kasb-hunar kollejlarida

ОТАШҚАЛБ ЁШЛИККА ҚАНОТ БЎЛАЁТГАН ДАРГОҲ

Бугунги ёшларга ҳаётнинг аччиқ-чучугини татиб қўйган катта авлод вакилларининг ҳаваси келиши табиий. Энг қувончлиси, бугун йигит-қизларимиз камолоти учун яратилган ва яратилаётган имконлар, ғамхўрликларнинг самараси ўлароқ, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлардаги шарт-шароитлар келажак учун қўйилаётган заминнинг бир кўринишидир....

Навоий вилоятидаги Хатирчи агросервис касб-ҳунар коллежи туман марказидан бир неча километр олисликда, А.Ёрлақабов номли ширкат хўжалиги ҳудудида жойлашган. Ўқув масканига яқинлашишингиз биланоқ дов-дарахтларнинг сўлим ҳавоси, ҳаво ранг гулларнинг хуш бўйи дилингизни қувнатади. Шу бинода 1978 йили иш бошлаган билим юрти 1992 йили касб-ҳунар мактабига айлантирилди, 2001 йил эса реконструкция қилиниб, касб-ҳунар коллежи мақомига эга бўлди. Айни кунда бу даргоҳда 526 нафар йигит-қиз таълим-тарбия олиб, касб-ҳунар ўрганишмоқда. Уларга юқори малакали 46 нафар умумий таълим ва махсус фанлар, 19 нафар амалиёт ўқитувчилари фан сирларини ўргатиш баробарида касб-ҳунарларнинг нозик қирраларидан сабоқ беришмоқда. Замонавий асбоб-ускуналар, ўқув-услубий қуроллар, кўргазмали воситалар, ахборот технологиялари ва компьютерлар билан жиҳозланган ўқув хоналари, ўзларининг билиму малакаларидан қониқиб-қониқмай изланаётган мураббийлар меҳнати ёшларнинг пухта назарий илм олишларига пойдевор бўлмоқда.

«Таълим тўғрисида»ги қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчиларига махсус касбий таълим бериш, бунда назарий ва амалий жараённи узвий боғлиқликда олиб боришга алоҳида эътибор қаратилган. Буни касб-ҳунар коллежи жамоаси ўзларига дастуриламал деб билади.

— Амалиётсиз бир қадам ҳам ташлаб бўлмайди, — дейди билим даргоҳи раҳбари Мамароли ака Эшмонов бизни коллеж биносидан бор-йўғи 675 метр олисликдаги ўқув хўжалиги томон бошларкан. — Деҳқончилик бир қараганда жуда содда меҳнатдек туюлади. Лекин, бир умр қишлоқда яшаб, ернинг "тили"ни тушунмайдиганлар бор. Ернинг "оби-тоби"ни билмаган, ишнинг кўзини англамаган киши заминдан саҳоват кутмасин. Ўқувчига минг марта тушунтирсангиз ҳам бу сир-синоатларни илғаши қийин. Шунинг учун жонли жараённи ўз кўзи билан кўриб тасаввур ҳосил қилиши керак.

— Ерни кечқурун "очиб", кечқурун "ёпмоқ" даркор, дея такрорлайверганингиз билан ўқувчи "нега?" сўроғига тўғри жавоб ололмайди, — сухбатни давом эттиради домла. — Ниҳоллари даланинг давомига қараганда ривожланишдан анча ортда қолган майдонни кўрсатиб, ана шу "нега"ларга далилий исбот, тажриба учун озгина ерга кундузи ҳайдаб чигит қададик. Асосий пахта майдонига эса кечки салқин билан чизел тортиб, ортидан мола сурдирдик. Шогирдларимиз ўз кўзлари билан кўришдики, кундузи экилган чигит тўлиқ униб чиқмади, ривожи ҳам суст. Биз тайёрлаётган мутахассислар, аввало, ернинг "қалби"га қулоқ тутиш илмини шу тарика амалда уқиб оладилар.

x x x

Бу йилги об-ҳавонинг ноқулайликлари натижасида ниҳоллар атрофи қотиб, ўқ илдизининг яхши ривожланмаслигига сабаб бўлгани Хатирчи ҳудудида айниқса сезилиб турибди. Табиатнинг бу синовларидан қандай ўтмоқ керак?! Бўлажак мутахассисларга устозлар яна амалиёт орқали йўл-йўриқ кўрсатишди. Култиватор ортидан йигирма сантиметрча чуқурликни юмшата олгувчи чизеллар тортилди.

Энг қувончлиси, бу тажрибани туманда бир қатор хўжалик деҳқонлари ҳам ўрганиб ўзларида қўллашаяпти. Майин шабадада тебраниб, барвақт ўсаётган ниҳоллар устозлар ўгити-ю шогирдлар меҳнатига тасанно айтаётгандек. Шу нигоҳ билан ариқнинг шундоққина у юзидаги А.Ёрлақабов номидаги ширкат хўжалигига қарашли далага кўз ташлаймиз. Қоқ кесак орасида онда-сонда қовжираб турган ниҳоллар инсондан меҳр-мадад кутаётгандек.

Бир ариқдан сув ичган икки дала. Деҳқончиликнинг ҳам ўз илми-амали борлигини исботлаб тургандек!

x x x

Дала атрофидаги йўл бўйлаб кетакетгунча турфа гуллар яшнаб турганги қалбимизга илиқ кайфият улашган эди. Ҳатто ўқув хўжалиги пайкалларида ҳам гунчалаётган анвойи гулларни кўриб, бу масканда табиатга, юртнинг ободлигига муҳаббат ҳам улуғланаётганлигидан қувондик.

Ўқув хўжалигида 14,5 гектар пахта, 6 гектар ғалла, 14,5 гектар токзор, шунингдек, ўқув тажриба майдонларида турли хил полиз экинларидан кунжутгача экиб парваришланаяпти.

— Ғалламизнинг ҳосили яхши, — дея яна тажрибаларини ўртоқлашмоқчи бўлади раҳбарлик салоҳияти билан бирга деҳқончилик илмини ҳам мукаммал эгаллаган Мамароли ака. — Японларнинг меҳри ўзимизга тушди. Бир миллион АҚШ доллари ҳисобида япон грантига эга бўлдик. Кичик вино заводи қуриш тараддудидамиз. Узумчиликни ривожлантириш даромад манбаи бўлиш билан бирга халқимиз саломатлигининг гарови ҳамдир. Мутахассисларнинг фикрича, Учқора майизида инсон организми учун ниҳоятда зарур бўлган глюкоза 40 фоизни ташкил этар экан. Коллеж ўтган йили узумчиликдан бир миллион уч юз минг, макка силосидан икки юз эллик минг сўмдан ортиқ соф фойда олди. Бу сармоядан ташқари топилган маблағнинг бир қисми холос.

Ўқув хўжалиги ихтиёрида "ТТЗ-80-10" ва "МТЗ-80-11" русумли 2 та трактор, "Отайўл" автомашинаси, "Тико" русумли енгил машина ва токчиликка ихтисослашган бошқа техникалар мавжуд.

— Ўқувчиларга уларни бошқариш, тўғри фойдаланиш, созлашни ўргатиш баробарида, техникани асраб-авайлашни ҳам ўргатиш лозим, — дея тракторни устози ёнида дадил бошқараётган шогирди томон ишора қилади М.Эшмонов. Техника деҳқоннинг қаноти, дея бежиз айтишмаган.

Эътибор инсонга куч-қувват бағишлайди. Ўқув маскани маъмурияти туман ҳокими, Олий Мажлис депутати Эркин Турдимов, А.Икромов номидаги ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Алижон Қаюмовларнинг ёшларга эътибори, ғамхўрлигидан беҳад мамнун. Маълумки, касб-ҳунар коллежларида ишчи кадрлар эмас, балки кенг ихтисосликдаги кичик мутахассислар тайёрланади. Шунингдек, ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос жўғрофий ва демографик шарт-шароитлари ва маҳаллий мутахассисликларга бўлган эҳтиёжлари ҳисобга олиниб, кадрлар тайёрланади. Шу аснода коллежда бу йил қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш йўналиши очилди. Чунки, тумандаги А.Икромов номидаги хўжаликда "Майизни қадоқлаш" корхонаси қурилаяпти. Бу эса ўз-ўзидан мутахассисларни талаб қилади. Айни кунда коллежни битираётган 50 нафар йигит-қиз иш ўринларига эга. Аллақачон кичик корхоналар ва хусусий фирмалар билан шартномалар тузиб қўйилган. Ўқув маскани маъмурияти 2003-2004 ўқув йилига қабул жараёнида ўқувчиларнинг касб-ҳунарга мойиллиги, лаёқати билан кўникмаларини тўғри ўрганиш, айни пайтда ёшларнинг эркин, ўз қизиқишлари асосида касб-ҳунар танлашларига кўмаклашиш мақсадида ҳар куни "Очиқ эшиклар куни" ўтказилмоқда. Ўқув масканига ташриф буюраётган йигит-қизлар отаоналари билан даргоҳнинг ҳаёти, келажакдаги режалари, яратилган шарт-шароитлар, йўналишларнинг истиқболлари ва истаклар ҳам ўрганилмоқда.

Ўқув масканида касбий таълим беришда назария билан амалиётни уйғунлаштиришга эришиш баробарида ёшларнинг иқтидорларини қувватлашга ҳам эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш мақсадида 12 та турли спорт секциялари ташкил этилган. "Белбоғли кураш" бўйича қизлар гуруҳи эришаётган ютуқлар салмоқли. Йигит-қизларнинг ҳам маънан, ҳам жисмонан баркамол, ўз касбининг устаси бўлиб етишишлари йўлида Мамаюсуф Пирматов, Усмонқул Эшниёзов, Ғофиржон Ҳусанов, Муҳиддин Файзуллаев, Йўлдош Жўраев, Мардонқул Музробов, Мамаюсуф Файзиев, Асқар Наимов сингари мураббий устозлар фидокорона меҳнат қилмоқда. Оташқалб ёшликка қанот бўлаётган бу даргоҳда истеъдодлар кўз очаяпти. Ватан ғурурини юракдан ҳис этгучи, юртнинг равнақи учун хизмат қилгучи, миллатнинг корига яровчи зукко йигит-қизлар камол топаяпти.

Ойбуви ОЧИЛОВА,
"Маърифат"нинг махсус мухбири

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими Маркази

Хатирчи "Агросервис" касб-ҳунар коллежи — 2003-2004 ўқув йили учун

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Коллежга ўрта мактабнинг 9-синфини тугатган йигит-қизлар қабул қилинади.

Коллежда қуйидаги йўналишлар бўйича мутахассислар тайёрланади:

1. Қишлоқ хўжалиги машиналари жиҳозларидан фойдаланиш ва таъмирлаш
2. Агрономия
3. Автотранспортни ишлатиш ва таъмирлаш
4. Тикувчилик ишлаб чиқариши
5. Ўсимликларни ҳимоя қилиш
6. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлаш
7. Бухгалтерия ҳисоби
8. Виночилик технологияси

Ўқиш муддати 3 йил.

Ўқиш истагини билдирувчилардан аризалар 20 июндан 31 июлгача қабул қилинади.

Ўқишга кирувчилар маслаҳат гуруҳига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари зарур:

1. Таълим муассасаси раҳбари номига ёзилган белгиланган шаклдаги ариза
2. Маълумоти тўғрисидаги ҳужжатнинг асл нусхаси
3. Доимий яшаш жойидан берилган маълумотнома
4. 086/У шаклдаги тиббий маълумотнома
5. 3х4 см катталикдаги 6 дона фотосурат
6. Ҳудудий касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис маркази тавсияномаси (9-синфни битирганлар учун)
7. Туғилганлик тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт шахсан кўрсатилади

Ўқишга қабул қилинганлар ётоқхона билан таъминланадилар ва хоҳловчилар қўшимча мутахассисликлар: "В" ва "С" тоифадаги ҳайдовчилик ва компьютер оператори гувоҳномаларига ҳам эга бўлишлари мумкин.

Манзилимиз: Хатирчи тумани, А.Ёрлақабов ш/х, Хонақа қишлоғи.
Тел: 54-54-689

МАСЛАҲАТ ГУРУҲИ

Quvonarlisi, mazkur yo'nalish bo'yicha bugungi kunda respublikamizning 14 ta tug'ruq kompleksi BMTning Bolalar jamg'armasi (YUNISEF) tomonidan ta'sis etilgan "Bolalarga do'stona munosabatdagi shifoxona" sertifikatini olishga muyassar bo'ldi.

Lekin siz va biz yaxshi bilamizki, o'z xalqining xoini va qotiliga aylanganlarning kelajagi yo'qdir. Bunday og'ir damlarda barcha rossiyaliklar, butun mamlakat sizlar bilan birga.

СУДАН: БОИНГ ҲАЛОКАТИ

Кеча Порт-Судан — Хартум йўналиши бўйича парвоз қилган самолёт Порт-Судан шаҳри яқинида Қизил денгиз қирғоқларига қулаб тушди. Айни бу пайтда "Sudan `Airways" кампаниясига тегишли "Боинг-737" русумли аэробусда 105 нафар йўловчи ва 11 кишилик экипаж аъзолари бор эди. Фожеа туфайли уларнинг барчаси ўлган, фақат бахтли тасодиф туфайли икки ёшли болагина тирик қолган. Авиакомпания директори Аҳмад Исмоил Зуварийнинг айтишича, парвоз бошланиши биланоқ экипаж командири самолётда техник носозлик сезаётганлигини ердаги бошқарув пунктига маълум қилган. Бироқ бир неча дақиқа ўтиб, самолёт аэропорт яқинида ерга қулаган. Ҳозирда шифохонада ётган болакайнинг аҳволи яхши. Шунингдек, фожеа сабаблари ўрганилаётган бўлиб, самолёт "қора қути"лари топилганидан сўнг ҳалокатга ойдинлик киритилади.

ЭГИЗАКЛАР ВАФОТ ЭТИШДИ

Ўтган якшанба куни Сингапурда бошланган сиам эгизакларини бир-биридан ажратиш борасидаги операция кеча уларнинг ўлими билан якунланди. Таркибида 6 нафар хорижлик мутахассислар ҳам бўлган 28 кишилик хирурглар гуруҳи ва 100 нафар ҳамшира иштирок этган жарроҳлик операцияси вақтида бир неча қийинчиликлар юзага келди. Жумладан, шифокорлар мия тўқималарини ажратишга муваффақ бўлган бўлсаларда, лекин опа-сингилларнинг кўп қон йўқотишлари туфайли операция фожиа билан тугади. Кеча эрталаб улардан бири — Ладан ҳаётдан кўз юмган бўлса, орадан 3 соат ўтиб Лала ҳам вафот этди. Операция чоғида ҳалок бўлишлари мумкинлиги олдиндан огоҳлантирилган 29 ёшли сиам эгизаклари Теҳрон университетининг талабалари эдилар. 300 минг АҚШ долларига баҳоланган операция ҳаражатлари "Raffles" клиникаси томонидан қопланади.

ЖОРЖ БУШНИНГ АФРИКА САФАРИ

АҚШ президенти Жорж Буш Африка давлатлари бўйлаб сафарга чиқди, дея хабар беради "Рейтер" агентлиги. Кеча Сенегал давлатига келган президент Буш Жанубий Африка Республикаси, Ботсвана, Уганда ва Нигерияларга ҳам ташриф буюради. Музокаралар чоғида минтақадаги иқтисодий вазият, СПИД хасталиги ва терроризмга қарши кураш масалаларига эътибор қаратилади. Ўтган ой эса Америка Қўшма Штатлари СПИД хасталиги кенг тарқалган Африка давлатларига 15 миллиард доллар миқдорида молиявий ёрдам ажратишини маълум қилган эди.

ТАСВИРДАГИ ОВОЗ САДДАМГА ТЕГИШЛИ

Ўтган ҳафта "Ал-Жазира" телеканали орқали эфирга узатилган собиқ президент Саддам Ҳусайннинг чиқиши ҳақиқатдан ҳам унга тегишли. Видеотасвирни ўрганиб чиққан АҚШ Марказий разведка бошқармаси мутахассислари шундай хулосага келганлар. 4 июль АҚШ мустақиллиги куни эфирга берилган тасвир 14 июнь куни ёзиб олинганлиги эса ҳозиргача тасдиқлангани йўқ. Эҳтимолки, у авваланоқ ёзиб қўйилгандир, лекин овоз Саддам Ҳусайнники. Мурожаат чоғида Саддам Ҳусайн ўзининг ҳозир ҳам Ироқда яшаётганлигини айтиб, ироқликларни америкаликларга қарши боришга чақирган эди. Кеча эса Ливаннинг «LBC» телеканали Саддам Ҳусайннинг навбатдаги мурожаатини эфирга узатди.

Яқинда АҚШ ҳукумати уни ҳибсга олишда ёрдам берган кишига 25 миллион доллар, ўғиллари Удей ва Кусейларни ушлашда кўмаклашганларга эса 15 миллион доллар миқдорида мукофот берилишини эълон қилган эди.

ФРЭНКС ВАКОЛАТНИ АБУЗАИДГА ТОПШИРДИ

CNN агентлигининг хабар беришича, Флорида штатидаги Макдилл ҳарбий-ҳаво базасида жойлашган АҚШ ҳарбий қўмондонлигининг штаб-квартирасида Америка Марказий қўмондонлиги штаби бошлиғи вазифаси генерал-лейтенант Жон Абузаидга расмий тарзда топширилди. 36 йиллик ҳарбий хизматдан сўнг фахрий тарзда истеъфога кузатилган Томми Фрэнкс иккита муҳим операцияга: Афғонистон ва Ироқ урушларига бошчилик қилди ва ўзига юклатилган вазифаларни аъло даражада бажарди. Унинг ўрнига келган Жон Абузаид эса Иордан университетини тамомлагач, Гарвард университетининг Яқин Шарқ масалалари бўйича мутахассислик дипломини олган эди. Келиб чиқиши ливанлик бўлган янги қўмондон инглиз, араб тилларида сўзлаша олади. 30 йиллик ҳарбий фаолияти давида Абузаид Босния — Герцеговина, Косово урушларида қатнашган.

РАКЕТА СИНОВИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ТУГАГАН

"The New York Times" газетасининг ёзишича, Эрон ташқи ишлар вазирлиги матбуот котиби Хамидризо Ассафи расмий Теҳрон ўзининг ўрта масофага учувчи ракетасининг якуний синовини муваффақиятли ўтказганлигини айтган. "Shahab-3" ракетаси илк бор 1998 йили синовдан ўтказилган бўлиб, унинг ҳаракатланиш радиуси 1290 километрдан 1490 километргача етади. Бундай ракеталар Америка ҳарбий базалари жойлашган Исроил, Саудия Арабистони ва Ироқ ҳудудларига бемалол етиб боради. Матбуот котибининг билдиришича, синов жараёнлари Исроилнинг "Haa'retz" газетаси ёзганича бир ҳафта аввал эмас, балки бир неча ҳафта олдин ўтказилган. Шунингдек, ҳаракат радиуси ҳам ўша даражада сақланиб қолган. Бугун расмий Теҳрон "Shahab-3" ракетасини ўз технологияси асосида яратганлигини айтаётган бўлса-да, лекин Қўшма Штатлар Эронга ракета технологиялари сотишда айблаб, ўтган ҳафта Шимолий Кореянинг битта, Хитойнинг бешта компаниясига нисбатан жазо чоралари эълон қилган эди.

«Интернет» тармоғидан олинди.

СОҒЛОМ АВЛОД ТАРБИЯСИ ОММАВИЙЛИК ТАЛАБ ЭТАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Юртимизда болаларни табиий озиқ — она сути билан озиқлантиришнинг аҳамияти азалдан кенг эътироф этиб келинган. Зеро, она сути бола соғлиғини муҳофаза этиш билан бир қаторда она ва фарзанд ўртасида маънавий бир бутунликни вужудга келтиради. Туғруқхона мажмуаларида чақалоқ дунёга келган дастлабки соатларданоқ она кўксидан баҳраманд бўлади. Барча туғруқхоналар ва болаларни даволаш-профилактика муассасаларида гўдакни она сути билан боқиш ва бу жараён гўдак то 6 ойлик бўлгунига қадар давом этиши йўлга қўйилган. Қувонарлиси, мазкур йўналиш бўйича бугунги кунда республикамизнинг 14 та туғруқ комплекси БМТнинг Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) томонидан таъсис этилган "Болаларга дўстона муносабатдаги шифохона" сертификатини олишга муяссар бўлди.

Болалар касалланиши ва ўлимини камайтириш учун, биринчи навбатда, болаларга таянч тиббий хизмат кўрсатиш такомиллаштирилмоқда. Ҳомиладорлик даврида аёллар педиатрлар томонидан махсус тиббий ёрдам дастури асосида 2 марта патронажликдан (кўрикдан) ўтказилади. Барча чақалоқлар туғруқхонадан чиққанидан кейин дастлабки уч кун ичида ва 20 кундан сўнг шифокор-педиатр ва худудий тиббиёт ҳамшираси томонидан уйга бориб кўрикдан ўтказилади. Шундан кейин гўдак 1 ёшга тўлгунга қадар ҳар ойда педиатр томонидан бир марта ва тиббиёт ҳамшираси томонидан 2 марта кўрикдан ўтказиб турилади. 14 ёшга тўлмаган болалар ҳар йили педиатр иштирокида, зарурат бўлганида бошқа мутахассислар — стоматологлар, ортопед-травматологлар, невропатологлар, эндокринологлар, кўз, тери-таносил касалликлари шифокорлари томонидан комплекс тиббий кўрикдан ўтказилади. Уларнинг хулосалари асосида ҳар бир ўсмир ва боланинг соғлиғи ҳолати комплекс баҳоланади ҳамда тегишли даволаш ва соғломлаштириш тадбирлари тайин этилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 1 апрель 140-сонли қарори билан қабул қилинган "Она ва бола скрининг" Давлат дастури асосида Тошкент шаҳрида ва вилоятларда скрининг марказлари ташкил қилинган-лиги ва уларда ҳомиладор аёллар ва чақалоқлар оммавий текширишлар натижасида наслий касалликлар ва ҳомила ривожланишининг туғма нуқсонларини мумкин қадар эрта аниқлаш ва олдини олиши бўйича давлат тизими тузилиб амалиётга кенг тадбиқ этилаётганлиги алоҳида эътирофга жоиз.

Албатта, бу тизим аҳолига бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш ишига қўшилган салмоқли мадад бўлди, десак янглишмаган бўламиз. Тиббий-ижтимоий патронаж бригадалари республиканинг энг чекка ва олис ҳудудларида ҳам аҳолини замонавий воситалар орқали тиббий-санитария кўригидан ўтказишга ва зарурат га қараб тиббий ва хайрия ёрдами кўрсатишга қодир. "Соғлом авлод учун" жамғармаси тиббий-ижтимоий патронаж кўчма бригадалари, шунингдек, ўзининг бўлимлари ва таянч пунктлари мутахассислари фаолияти орқали аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзи ва турли касалликларнинг олдини олиш юзасидан бир қатор суҳбатлар ўтказиш ҳамда аҳолининг кам таъминланган доираларига бепул дори-дармон, санитария, гигиена ашёлари, кийим-кечак ва озиқ-овқат тарқатиш йўли билан болалар касалликларига қарши курашга кўмаклашмоқда.

Болалар ва туғиш ёшидаги аёлларни соғломлаштириш бўйича комплекс дастурларнинг амалиётга жорий этилиши, шифо масканларида оналар ва болалар учун махсус профилактика ва даволаш марказлари борлиги, контрацептив воситаларнинг турли замонавий турларидан эркин баҳраманд бўлиш имконияти кенгайганлиги, шунингдек, туғишлар орасидаги энг мақбул оралиқ муддатни тарғиб этиш оналар ва болалар соғлиғини яхшилашга ёрдам берди. Кейинги йилларда туғилиш, гўдаклар ўлими, шунингдек, чала туғилиш (2500 грамм ва ундан камрок) салмоғининг камайганлиги шулар жумласидандир.

Оналар ва болалар саломатлигини яхшилаш, уларга кўрсатилаётган тиббий хизматни янада такомиллаштириш ва оммавий ҳаракатларни жадаллаштириш мақсадида ЖССТ, БМТнинг Аҳолишунослик жамғармаси (ЮНФПА), ЮНИСЕФ, ЮСАИД билан "Бехатар оналик", "Хавфсиз эмлаш", "Кўкрак сути билан боқишни қўллаб-қувватлаш", "Ўткир респиратор ва диарея касалликларининг олдини олиш", "Репродуктив саломатликни яхшилаш", "Болалар касалликларини интеграрлашган усулда олиб бориш", "Микронутриентлар (йод, темир ва Витамин А) танқислиги профилактикаси" дастурлари бўйича қатор ишлар амалга оширилаяпти.

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг болалар касалланиши ва ўлимини олдини олиш ҳамда уларни оммавий соғломлаштириш йўналишидаги муаммоларни ҳал қилишда Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳам яқиндан ёрдам беради. Жамғарма фаолиятининг мақсади ўсиб келаётган ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий саломатлигини таъминлаш, уларга соғлом турмуш тарзига интилиш ва спортга меҳр-муҳаббатни сингдиришнинг ғоят муҳим шарти сифатида болалар оммавий спортини ривожлантиришни таъминлаш бўлиб, болалар саломатлигини яхшилашда, соғлом турмуш тарзига амал қилиш, маънавий ва жисмоний камолга интилиш, уларни салбий таъсирдан ҳимоя қилиш ҳамда зарарли одатлардан холос этиш, болаларни барқарор феъл-атворли вояга етишида муҳим роль ўйнайди.

Президентимиз таъкидлаганидек, биз мустақиллигимизнинг илк йиллариданоқ соғлом авлод тарбиясини энг устувор вазифа деб белгиладик. Баркамол авлодни тарбиялаш масаласини давлат сиёсати даражасига кўтардик. Шундай экан, соғлом авлодни дунёга келтириш учун олдимизда турган бир қатор вазифаларни бажариш, ҳар бир оилада соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳолининг, айниқса оналарнинг тиббий фаоллигини ошириш лозим. Бу жараён эса оммавий ҳаракатни талаб қилади.

Дилором АҲМЕДОВА,
Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги бош педиатри

МОСКВА ЯНА ҚОРА ЛИБОСДА

ёхуд фожеага айланган фестивал

Тушино

"Москвада юз берган террор акти туфайли ҳалок бўлганларнинг ва жабрланганларнинг оила аъзоларига, яқинларига чуқур ҳамдардлик билдираман. Қонли ва разилона тарзда амалга оширилган бу қилмиш тинч аҳолига қарши қаратилган жиноятдир. Энг ачинарлиси ҳалок бўлганлар орасида эндигина катталар қаторига қўшилган ёшларнинг борлигидир. Ушбу террор актидан кўзланган мақсад жамиятимизда ваҳима, шубҳа, миллий муросасизлик уйғотишдир. Лекин сиз ва биз яхши биламизки, ўз халқининг хоини ва қотилига айланганларнинг келажаги йўқдир. Бундай оғир дамларда барча россияликлар, бутун мамлакат сизлар билан бирга".

Ана шундай дея, террордан озор чекканларга ҳамдардлик билдирган Россия Федерацияси президенти Владимир Путин Ўзбекистон ва Малайзия давлатларига режалаштирилган сафарларини ортга суриб, ҳукуматнинг шошилинч йиғилишини ўтказди. Унда асосий эътибор 5 июль куни Тушино аэродромининг ёзги майдончасида содир этилган террор хуружига қаратилди. Вазиятни тўғри баҳолай билиш, келгусида бундай қабиҳликларнинг олдини олиш, мамлакатдаги хавфсизликни таъминлаш, одамларнинг ваҳима, саросимага тушмасликлари борасида амалий чоралар кўриш фавқулодда ўтказилган йиғилишнинг бош мақсади бўлди.

Йиғилишни очар экан Владимир Путин, террорчиларнинг бош мақсади Чеченистондаги сиёсий барқарорликни йўққа чиқаришдир. Ҳеч қайси давлат террорга ён бермайди, хусусан Россия ҳам. Негаки бу борада қўйилган биринчи қадамнинг ўзиёқ давлатнинг парчаланишига, ўнлаб, юзлаб, минглаб кишиларнинг ҳалок бўлишларига олиб келади, дея таъкидлади.

Йиғилиш якунида Россия ҳукумати ва Москва шаҳри ҳокимлиги биргаликда келишиб, ҳар бир ҳалок бўлганларнинг оилаларига 100 минг рублдан, шифохоналарда ётганларга эса 50 минг рублдан, енгил жароҳат олганларга эса 3 минг рублдан ёрдам пули берилишини маълум қилди. Шунингдек, ҳукумат фожеа туфайли ота-онасидан айрилган болалар улар 18 ёшга тўлгунларига қадар 1,5 минг рубль миқдорида ойлик нафақа олишларини жорий этди. Кундузги ўқув муассаларида таҳсил олаётганлар эса 23 ёшга қадар шундай ёрдам оладиган бўлдилар.

Ёдга олсак, фожеа юз берган куни барчаси рисоладагидек кечаётган эди. Тушино аэродроми сари ошиқаётган санъатсевар одамлар оқимининг охири кўринмас эди. "Крыля" рок-фестивалига кириш учун чиптахона олдида турнақатор бўлиб одамлар навбат кутишаётганди. Фестивал ташкилотчиларининг тахминича, концертга камида 40 минг киши тўпланганди.- Чиптахона ёнидаги ёзги майдончага кираверишда турган милиционерларни шу томонга яқинлашаётган, кун иссиқ бўлишига қарамасдан рўмол ўраб, куртка ҳамда енгил юбка кийиб олган аёл шубҳаландирди. Унинг ичкарига киришига рухсат берилмаганидан сўнг, камикадзе қиз кийимлари остидаги портловчи моддани ишга солди. Сўнгроқ, шундай ҳолат аэродром яқинидаги бозорча ёнида ҳам содир бўлди.

Расмий маълумотларга кўра, портлаш туфайли террорчилардан ташқари 13 киши ҳалок бўлди. Шаҳар шифохоналарига келтирилган 59 кишидан 19 кишига жароҳатлари енгиллиги боис, уйларига кетишга рухсат берилди. Лекин, реанимация бўлимларида ётганлардан 5 кишининг аҳволи ўта оғир, 11 кишининг аҳволи эса оғир ҳолатдалиги шифокорларни хавотирга солмоқда. Кеча эса шифохонада ётганлардан бири, 25 ёшли Инна Галкина ҳаётдан кўз юмди.

Террордан сўнг тезлик билан оёққа турган федерал хавфсизлик хизмати, ички ишлар ва чегара қўшинлари қидирув ишларини бошлаган бўлиб, душанба куни Москва жанубидаги тураржой биноси ёнида турган ахлатхонада ҳам содир этилган портлаш ҳамда унинг натижасида 2 кишининг ўлиши ва 4 кишининг жароҳат олишлари ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларини янада ҳушёр бўлишга чақирди.

Портлаш амалга оширилган Тушино аэродромидан топилган камикадзе аёлга тегишли паспортга кўра, уларнинг бири Чеченистоннинг Курчала қишлоғида туғилган 20 ёшли Зулихон Элихўжаева бўлган. У жума куни Ингушетиядан Москвага келган. Унинг шеригининг шахсини аниқлаш ишлари давом эттирилаётган бўлиб, ҳозирча бирор-бир далилий манба топилгани йўқ.

Кузатувчилар эса ушбу террорни 5 октябрь куни Чеченистонда президентлик сайлови ўтказиш борасида 4 июль куни Россия президентининг чиқарган фармонига жангариларнинг жавоби дея айтаётган бўлиб, сўнгги пайтларда жангарилар янги қуролдан, яъни аёл-камикадзелардан кўп фойдаланаётганликларини ҳам таъкидлаган. Тушинодаги воқеалар жорий йилнинг ўзида камикадзе аёллар томонидан амалга оширилган бешинчи портлашдир. "Қора бевалар" номини олган камикадзе аёлларни тайёрлаш, уларни руҳий жиҳатдан ўлимга тик боришлари учун махсус мутахассислар, психологлар жалб этилганлиги тахмин этилаётган бўлиб, бундай янги қурол 2000 йилнинг 6 июнида қўлланилган эди. Ўшанда портловчи моддалар ўрнатилган "КамАЗ" автомобилини бошқарган Хава Бараева (дала қўмондонларидан саналган Арби Бараевнинг синглиси) машинани Алихон-Юрт қишлоғидаги рус ҳарбийлари комендатурасига келиб урганди. Портлаш туфайли эса 17 ҳарбий хизматчи ҳалок бўлиб, ўнлаб кишилар жароҳатланган эди. Айнан Хаванинг шу ҳаракати бу борадаги дебоча саналди. Россия ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг тахминича, Чеченистонда бир неча террорчи камикадзелар гуруҳлари мавжуд бўлиб, улар орасида Шамил Басаев раҳбарлигидаги "Риядус Солихин" шаҳидлар батальони кенгроқ тарқалган. Тушинодаги аёллар ҳам айнан Басаев гуруҳига тегишлилиги урғуланмоқда.

Ўтган май ойида эса Басаев федерал кучларга қарши "Бумеранг" кенг миқёсли қўпорувчилик операциясини бошлаганлигини эълон қилган эди. "Галаба ёки жаннат" деган сўзларни ўзларига шиор қилиб олган Басаев шаҳидлари иштирокида бугунга қадар тўртта террор акти амалга оширилди. Бундай гуруҳларга аксарият отаси, эри ёки ака-укасидан айрилган аёллар жалб этилаётган бўлиб, баъзи бир манбаларга кўра, Чеченистонда шундай аёллардан иборат аёл киши бошчилигидаги гуруҳ ҳам мавжуд. Лекин, уларнинг лагерлари қаерда жойлашганлиги ҳозирча Россия махсус хизматларига жумбоқ бўлиб қолмоқда. Ёдга олсак, Норд-Ост воқеаларида ҳам қора ниқобли, "ninza" кўринишидаги террорчи аёллар ҳам иштирок этганди.

«Интернет» хабарлари асосида К.АЛИОХУНОВ тайёрлади

РОССИЯ: АЁЛ КАМИКАДЗЕЛАР ИШТИРОКИДАГИ ТЕРРОР АКТЛАРИ

2000 йил 6 июнь. **Арби Бараевнинг синглиси Хава тротил моддаси ортилган автомобилни Чеченистоннинг Алихон-Юрт қишлоғида жойлашган комендатурага келиб урди. Натижада унинг ўзидан ташқари 17 нафар ҳарбий ҳалок бўлди.**

2000 йил 11 июнь. **Грозний блокпостида автомобиль портлаши 2 аскарнинг ўлимига сабабчи бўлди.**

2000 йил 2 июль. **Шу куни камикадзе аёллар 5 та терактни амалга оширдилар. Гудермес шаҳридаги иккита, Новогрозненск, Урус-Мартан ва Аргун туманларидаги портлашлар туфайли 33 киши ҳаётдан кўз юмди ва 84 нафар милиция ходими яраланди.**

2000 йил 19 декабрь. **Портловчи моддалар билан қуролланган Марета Дудуева Ленин тумани ички ишлар бўлими биноси олдида ўзини портлатишга уринди.**

2001 йил 9 апрель. **Грознийда жойлашган ҳукумат биносидаги портлашда эса камикадзенинг ўзи ҳалок бўлиб, 2 киши жароҳатланди.**

2001 йил 29 ноябрь. **Террорчи аёл ўзи билан бирга Урус-Мартан тумани коменданти Ҳайдар Ҳожиевни ўлдирди.**

2002 йил 5 февраль. **16 ёшли Зарима Инаркаева Заводск тумани ички ишлар бўлими ёнида ўзини-ўзи портлатиб юборди.**

2002 йил 23 октябрь. **Москвага келган Мовсар Бараев бошчилигидаги террорчилар гуруҳи Дубровкадаги театр марказида 900 кишини гаровга олдилар. Ўтказилган махсус операция чоғида таркибида аёл кишилар ҳам бўлган камикадзелар йўқ қилинди. Лекин томошабинлардан ҳам 129 нафари ҳалок бўлди.**

2002 йил 27 декабрь. **15 ёшли қиз ва икки эркак бошқарувидаги автомобиль Грозний шаҳридаги ҳукумат уйи олдида портлади. Натижада 72 киши ҳалок бўлиб, 210 киши жароҳатланди.**

2003 йил 12 май. **Знаменск қишлоғидаги туман маъмурияти биноси ёнида 2 аёл ва бир эркак бошқарувидаги "КамАЗ"нинг портлаши 60 кишининг ўлимига, 250 кишининг яраланишига сабаб бўлди.**

2003 йил 14 май. **Гудермес туманининг Илисхон-Юрт қишлоғида ўтказилаётган диний байрам чоғида террорчи аёлнинг ўзини-ўзи портлатиши 16 кишини бу дунёдан олиб кетди.**

2003 йил 5 июнь. **Моздак шаҳрида одамларни аэродромга олиб келаётган автобус ичида камикадзе аёлнинг портловчи моддаларни ишга солиши боис, 20 киши ҳалок бўлди ва 14 киши яраланди.**

2003 йил 20 июнь. **Грознийдаги Республика ички ишлар вазирлигининг тезкор қидирув бюроси ёнида бир аёл ва бир эркак бошқарувидаги "КамАЗ"нинг портлаши террорчиларнинг ўзларининг ўлимига ва 36 кишининг жароҳатланишига сабабчи бўлди.**

WWF НИМАЛИГИНИ БИЛАСИЗМИ?

Бугунги кунга келиб, ёввойи табиат бутун дунё фонди — WWF дунёдаги энг катта нодавлат халқаро табиатни муҳофаза қилиш ташкилоти ҳисобланади. Дунёнинг 27 та миллий уюшмаларини бирлаштирган бу ташкилот тадбиркор кишиларнинг бегараз хайриялари, ҳукуматлар, халқаро агентликлар ва компаниялар кўрсатаётган ёрдамлар воситасида ўз дастурларини амалга оширади. 1985 йилдан буён WWF табиатни муҳофаза қилиш бўйича 1100 дан ортиқ дастур ва лойиҳаларни 130 давлатда амалга оширди. Шунингдек, у Марказий Осиёда:

— катта тармоқлашган экотизимларнинг табиат мероси эканлиги билан танишишга кўмаклашади;

— шу мўъжизакор табиатнинг бор мулки омонат эканлигию, ундан тежаб-тергаб фойдаланиш лозимлигини аҳоли онгига сингдиришга ёрдам беради;

— йўқолиб бораётган ва инқироз остонасида турган жониворларни сақлаш, бу борада ҳамкорликда ҳаракат қилиб барча хайрихоҳ давлатларни бунга жалб қилиш;

— ўраб турган ҳудуддаги тизимнинг мукаммаллигига эришиш;

— Табиатни муҳофаза қилиш таълими каби мақсадларга йўналтирилган турли лойиҳаларни ишлаб чиқади.

Айнан бугунги кунда Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон, Туркманистон республикаларида Бухоро буғусини, Туркманистонда сиртлонни, Қозоғистонда ботқоқликда яшовчи жониворларни сақлаб қолиш ва қирилиб кетишини тўхтатиш борасида лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Озода, зилол сувли дарё ва кўлларни, соғлом табиатли ўрмонни, тоза ва мусаффо ҳавони софлигича сақлаб қолиш учун нима қилмоқ керак? Албатта, бир кишига жуда қийин, бунинг уддасидан чиқа олмайди. Агар биз ҳаммамиз биргаликда бир ёқадан бош чиқарсак, ёввойи жониворлар оламини, бизни ўраб турган табиатнинг мукаммаллигини таъминлашга қодирмиз! WWFнинг эзгу мақсадларга йўналтирилган дастурларини амалга оширишга кўмаклашамиз. Келгуси авлодлар учун тирик сайёрамизни муносиб мерос қилиб қолдирамиз.

Мария ГРИГОРЬЯНЦ,
80-мактабнинг "Ёш эколог" гуруҳи аъзоси

Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази 2003 йил 8,15,22,29 август, 5,12,19,26 сентябрь кунлари соат 11-00да Давлат мулк қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси биносида кимошди савдолари ўтказади.

Савдоларга Тошкент шаҳри, М.Улуғбек туманида жойлашган якка тартибда уй-жой қуриш учун мерос қилиб қолдириладиган ер участкаларига эгалик қилиш ҳуқуқи қўйилади:

— Буюк Ипак йўли кўчасида жойлашган майдони 0,04 гектардан иборат 2 та, ҳар бирининг бошланғич нархи 1032000 сўм;

— Ҳусанбоев кўчасида жойлашган майдони 0,03 га, бошланғич нархи 1572000 сўм, майдони 0,35 га, бошланғич нархи 1834000 сўм.

Ер участкаси бўйича аризалар қабул қилиш савдо кунидан 3 кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич нархининг 5 фоизи миқдорида гаров пули тўлашлари шарт.

Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари билан боғлиқ барча масалалар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16а-уй, 402-хона. Телефонлар: 133-20-74, 132-25-51.

Тошкент шаҳар Сирғали туманидаги 300-мактаб лицей томонидан 1999 йилда Мурадимова Светлана Васильевна номига берилган O'R-B № 047783 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ўрта чирчиқ туманидаги 16-ўрта мактаб томонидан 1994 йилда Сайдазимова Зуҳра Аброровна номига берилган А: № 451876 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Зангиота тумани ҳокимлиги томонидан Назарбек ҚФЙда яшовчи хусусий тадбиркор Зокиров Эркин Тўлқунович номига берилган юмалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги раҳбарияти ва жамоаси Республика мусиқа тарбияланувчилари мактаб-интернати директори М.Каримовага онаси **ХАПИЯ ая**нинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Республика мусиқа тарбияланувчилари мактаб-интернати жамоаси шу мактаб-интернат директори Машхура Каримовага онаси **Казакбаева ХАПИЯ ая**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректори, Касаба уюшма қўмитаси ва Ўзбек филологияси факультети жамоаси "Санъатшунослик" кафедраси доценти филология фанлари номзоди С.Алимовга отаси **Олимжон ОДИЛОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

Ал-Хоразмий номидаги Урганч давлат университети ректорати, касаба уюшмаси қўмитаси ва ўзбек филологияси факультети жамоаси университетда кўп йиллар давомида оддий ўқитувчи, кафедра мудири, 1960-1975 йиллар давомида ректор вазифасида фидокорона меҳнат қилган профессор-консультант **Отаназар МАДРАҲИМОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан оила аъзолари ҳамда барча яқинларига таъзия изҳор қилади ва ҳамдардлик билдиради.

Murabbiyning o'z bolalari yo'qligidanmi, bularga otalarcha g'amxo'rlik qilardi.

Nachora, ayolning o'limi uchun qushlar jinoiy javobgarlikka tortilmaydi.



Ko'ngil bitiklari

БОЛАЛИК ГҮЛ ФАСЛИДИР

Болалик болдайин
Мазали,
Ширидир жондайин
Азалий.
Ўнтасин ўрни бор
Чамамда,
Гулдайин очилган
Чаманда.
Болалар ўғлон-у
Қизалоқ,
Қизчалар мисоли
Қизғалдоқ.
Улғайиб оҳиста
Ўғлонлар,
Бўладир юртига
Посбонлар.
Уларга қараймиз
Севиниб,
Юргайлар барчага
Севилиб.
Ажойиб бир ҳикмат
Таралган:
"Болалар жигардан
Яралган"
Шу боис асраймиз
Авайлаб,
Бахтини ўйлаймиз
Атайлаб.
Болалик бетакрор
Фаслдир,
Давоми насаб-у
Наслдир.
Шулардир дунёнинг
Эгаси,
Аслида одамзод
Меваси.

БИЗ БОЛАЖОНЛАРМИЗ

Бизлар лолаёноқмиз,
Қувноқлардан қувноқмиз,
Чин кўнгилдан ўртоқмиз,
Қизлармиз, ўғлонлармиз,
Бизлар болажонлармиз.

Сўзлари энг бийронмиз,
Чопқиллаган жийронмиз.
Чаққонлар-у полвонмиз,
Қизлармиз, ўғлонлармиз.
Бизлар болажонлармиз.

Келажакнинг эгаси,
Бахт боғининг меваси,
Чаманларнинг жилваси —
Қизлармиз, ўғлонлармиз,
Бизлар болажонлармиз.

Пўлат МЎМИН

«ГИРЯ» КРОССВОРДИ

Тузувчи: Турсунали ҒАНИЕВ



ЭНИГА: 1. Икки қисмдан иборат машҳур ўзбек мумтоз ашуласи. 3. Россиядаги марказий шаҳар. 5. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган вокал-чолғу ансамбли. 7. Немис математиги. 9. Чорва озуқаси. 11. Бир томондан чегаралланган тўғри чизиқ. 12. Саид Аҳмад романи. 13. Ўсимликлар дунёси ҳақидаги фан. 15. Наманган вилоятидаги туман. 16. Дуккакли ўсимлик. 18. Мактаб жиҳози. 19. Пальмадошлар туркумига оид дарахт. 20. Саҳна асари. 22. Хавфсизлик учун кийиладиган бош кийим. 24. Пуфлаб чалинадиган соз. 25. Чорва маҳсулоти. 26. Техника моторини совутувчи қисм. 27. Ўрта Осиёдаги серсув дарё. 28. Бебаҳо, туганмас бойлик. 30. Ғарбий Осиёдаги давлат. 33. Шарқий Осиёдаги мамлакат. 36. Эскича ой номи, ёзнинг энг иссиқ мавсуми. 37. Машҳур тарихий крейсер. 38. Ғарбий Африкадаги давлат.

БЎЙИГА: 1. Давлат рамзини англатувчи тантанали қўшиқ. 2. Мотоцикл маркаси. 3. Қимматбаҳо металл. 4. Заҳарли ҳашорат. 5. У. Шекспир асари қаҳрамони. 6. Ёввойи ҳайвон. 7. Юқумли касаллик. 8. Вақт ўлчови. 9. Мусиқа асари. 10. 5-гуруҳдаги кимёвий модда. 13. Атмосфера босимини ўлчовчи асбоб. 14. Бинокорлик материали. 15. Кураш соҳиби. 17. АҚлий спорт ўйини. 20. "Ойгул билан Бахтиёр" поэмаси қаҳрамони. 21. Лена дарёсининг ўнг ирмоғи. 22. Дафтар тури. 23. Ўзбек миллий халқ оғзаки ижоди. 27. Қуръон сураси. 29. Галла зараркунандаси. 31. Ош тузига қўшиладиган кимёвий модда. 32. Нигериядаги шаҳар. 34. Мўътабар, улуғ зот. 35. Кийим қисми.

Бранко ЧОПИЧ,
Сербхорват ёзувчиси

ГИМНАСТИКА МУРАББИЙСИ

Аниқ фанлар гимназиясининг эллик ёшлардаги ориқ-найнов гимнастика мураббийси қариб шу ёшга келса ҳам ёшларга хос сергайратлиги, кўзни ўйнатадиган соғломлиги ва ўз ишидаги сўнмас иштиёқини сақлаб қола олган машҳур инсонлар тоифасидан эди. Бутун Босния шаҳарчаси гимнастика мураббийсини яхши билар, худди мусобақага ошиқаётгандай кўча бошида пишиллаб, ҳар доим ислиқи кийимда терга ботиб одимлаётган қийшиқ оёғини кўришлари билан дўкондорлар жонланиб, ҳазил-ҳузул ва хушчақчақликни тусаб қолардилар.

— Ҳой қўшни, чиқ бу ёққа, Ярич келаяпти!

— Ҳа, жаноб мураббий, йўл бўлсин, тонг саҳарлаб? — Кимдир очилган эшиклардан қичқириб гап отарди. — Шунақа пайтда ҳам чўмилишга кетяпсанми, дейман? Ўзинг ҳам роса пишиқсан-да ошна!

— Ҳей, жаноб муаллим, сенга омонатни айтиб қўяй: албан Шамси сенга салом айтди. Сен билан яна бир бор куч синашаман, деб юрипти.

Ярич эса худди завққа тўлган мухлислар ёнидан ҳарбийча қадам ташлаб ўтаётган зобитлардай, хурсандлигидан маст бўлиб, ўнг ва сўл тарафга қўлларини силкитиб қўяр ва гиж-гижловчиларга жавобан:

— Энди, жоним, Шамси ҳам, мен ҳам қариб қолдик. Эҳ-ҳе, қачонлар эди у олишган пайтларимиз... — дерди хушфеъллик билан.

Мураббий қор ёққунча плаш киймас, галстуксиз, тугмалари солинмаган кўйлакда юрар, фақат ишга келганда қандайдир кийилавериб униқиб кетган, кўкимтир кенг рўдапода пайдо бўлар ва шу кийимда намгарчилик ва аёзларга бўйин бермагандай, уларга қаршилик кўрсатаётгандай, этакларини ҳилпиратиб шаҳдам қадамлар билан одимлаб борарди. Ана шу вақтда у ўзининг яхши кўрадиган жойи — савдо павильони ёнидаги баланд тахта кўприкда ҳамма кўрадиган дарёда чўмилишни тўхтатар эди.

— Бугун Ярич дарёда кўринмади чамамда, — деб қўярди косиб Тарабич қўшнисига, сўнг қўлларини бир-бирига ишқалаб:

— Қиш келди, қўшни, қишни менсимаса бўлмайди, — деб қўшимча қиларди.

Гимназияда Ярич биринчи синфда гимнастикага энг қобилиятли ўқувчиларни танлаб олар, кейин улар билан ўқув битгунча ўзи шуғулланарди. Бу ўқувчилар кейин унинг доимий арзандалари, айтиш мумкинки, ҳақиқий болалари бўлиб қолардилар. Мураббийнинг ўз болалари йўқлигиданми, буларга оталарча ғамхўрлик қиларди.

Бозор куни оқшомлари шаҳарчанинг шоҳ кўчасида ўзининг тўладан келган, тепса тебранмас хотинини қўлтиқлаб юраркан, унга ўз шогирдларини кўрсатиб, меҳр ва ғурур билан:

— Қара, мана шу йигит уч карра айланиб сувга сакрашда чемпион бўлган шогирдим бўлади, — дер эди. — Анави, кенг елкалиги эса, — у ҳақда сенга гапириб бергандим, — чўян тўп ирғитадиган шогирдим, ўн бир ярим метрга ирғитган.

Унинг арзандалари дарсларда нима қилса қилаверадиганга ўхшарди. Шовқинлашса ҳам, диконг-диконг сакрашса ҳам, ҳовлида машқ чоғлари қатордан сўрамай-нетмай чиқиб кетишса ҳам жазоланмас эдилар... Ҳатто, қиш кунлари синфдан чиқиб ҳам кетаверардилар. Кўпинча улар бадантарбия дарсини қандай ўтказиш, қаерда мусобақа қилишни ҳам белгилашар эди, ҳатто, ҳовлида тўп ўрнига мураббийнинг шляпасини тепиб ҳам юришарди, баъзи пайтлари қайсарликлари тутиб, ўзбошимчалик билан машғулотни тўхтатар, ранжиган бир қиёфада бирон бир бурчакка тиқилиб олардилар. Бундай пайтларда Ярич ўзини бениҳоя бахтсиз одамдай ҳис қилар, норози шогирдига ўзини ташлаб, елкаларидан қучоқлар, қулоғига нималардир деб пичирлаб, охири икковлари — Ярич гуноҳи ўтилган айбдордай гул-гул очилиб, шогирд эса, ҳамон тумшайганча кўзларида ёшлари билан шолғомдай қизарганча келиб, синфга қўшилардилар.

Ярич ёз кунида дарё тепасидаги боғда гимнастикачи арзандалари олма дарахтига чиқиб олма ўғирлашаётганда уларни тутиб олмоқчи бўлди, аммо қорни очиқ чувринди болалар сувга ташлаб қарши қирғоққа сузиб кетишди, буни кўрган мураббий олмани ҳам, ўғирликни ҳам унутиб ўзининг суюкли арзандаларини:

— Олға, Бобо, олға! Яшавор, Никитса лочиним! — деб руҳлантирарди.

Одатда, унинг арзандалари чаққон, мард ва эпчил шаҳарлик ўғлонлардан бўларди, қишлоқдан келган, аксари имиллаган ва уятчан болалар эл олдида мусобақалашишга тоқатлари йўқ эди. Уларнинг орасида бор-йўғи битта камгап бадқовоқ тошотар бола бўлиб, ана ўшандан бирон бир натижа кутиш мумкин эди. Шу боис Ярич қишлоқи гимназиячиларга у қадар меҳр-мурувват кўрсатмас, ўқув йилининг бошида ўша сочи устарада олинган ҳадикли болаларни бир муддат нотекис саф ёқалаб юришни машқ қилдирар, сўнг, одатда, қошларини чимириб:

— Вой, азизларим — бояқишларим-ей, нима қилардинглар ҳамманглар мактабга ёпирилиб?! Энди подани ким боқади-ю, ким ер ҳайдаб, уруғ сочади, а?—дея сўраб қўярди.

Ярич таълим-тарбиянинг дастлабки ойларида ўша қишлоқ аҳли орасидан бир шахсни синф бўйича балогардонликка мўлжаллаб қўяр, бу унинг ўқитиш услубидаги ўзига хос жуда зарурий унсур эди. Энг қўпол ва лапашанг, шўртумшуқ ва ношуд, доим оёғи чалишиб юрадиган, ҳар қадамда мушкулотга дучор бўладиган, шу туфайли биронта ҳам машқни ўринлатиб адо этолмайдиган бир болани топарди. Ўша балогардон машғулот пайтларида ё бир тошга қоқилиб кетар, ё чолворини йўқотиб қўяр, ботинкасининг ипини босиб олар — хуллас, ҳазил ва учириқлар учун таппа-тайёр нишон бўлиб хизмат қиларди.

— Мана энди Вучанинг Чиптаси Чалабоев бизга уч карра айланиб сакраш қанақа бўлишини кўрсатади! — деб тантанавор эълон қиларди Ярич. Шунда шогирдлар тўдаси ҳозир қизиқ воқеа юз беришини сезиб, бўйинларини чўзганча, бир-бирини нари итаришиб, завқ-шавқ билан «бэ-бч»лар ва «қа-қа»лай бошларди.

Аввалига Чалабоев ўзининг масхара ҳолидан норози бўларди, аммо тез орада, сирасини айтганда, ўзи ҳам Яричнинг арзандалари қатори имтиёзли шароитдан фойдаланаётганини пайқаб қоларди, бунинг сабаби шундаки, унинг бесўнақайлиги орқасида рекордчиларнинг чаққонлиги ва маҳорати ўзгача тусда шукуҳ касб этар эди. Баъзида Чалабоев занжирни узадигандай ва бундай ҳазиллар қозиғини таг-туги билан суғуриб ташлайдигандай кўринар, аммо ўшанда ҳам бутун синф хоҳолаб куларди, аммо Ярич буларнинг барига бармоқ орасидан қарар, бунга жиддий эътибор бермас, ҳатто ҳаддидан ошиб кетган бола доскага чиқиб олиб, мураббийнинг орқасидан бутун синфга, имкон туғилиб қолса, мураббийнинг ўзини ҳам масхара қилиб, афтини бужмайтиришига йўл қўйиб берарди.

Спорт чемпионлари ва Чалабоев ўртасидаги бошқа бир талай шогирдлар Ярич учун умуман йўқдай эди, Ярич уларни жуда нари борганда мухлислар ва мамнун тингловчилар оломони сифатида қабул қиларди.

Очиқ ҳавода машғулот ўтказиш мумкин бўлмаган қиш кунларида Ярич назариядан дарс берарди, аммо ўқувчилар анъанасига кўра, гимназиячилардан бири мураббийни гапга солар, шунда у ўзининг спортга оид ўтмиши ёки машҳур гимнастикачилар ё бошқа курашчи, боксчи ва донгдор кишилар ҳақидаги хотираларига берилиб кетарди. Мураббийни бундай алаҳситишни Чалабоев қойиллатиб эпларди.

— Жаноб профессор, — деб Чалабоев ўта жиддийлик билан гап бошларди. Ярич эса «профессор» деган унвондан эриб кетиб қошини чимирарди ва болаларнинг янги ҳазилини кутганча кулгисини босиб турарди. — Илтимос, жаноб профессор, сиз албан Шамси билан у полвонлигида қандай курашганингизни айтиб беринг.

Ҳамма мактаб болаларига яхши таниш бўлган албан Шамси, бир юз қирқ киллограммлик нимталанган гўшт, шаҳарчага оид энг керакли турмуш буюмларидай, шаҳарнинг ажралмас бир қисмига айланиб қолган эди, у бўлмаса, бозор камбағаллашиб ва бир нарсаси етишмагандай, масалан, кўприк яқинидаги истироҳат боғининг тухумнусха оқ павильони олиб ташлангандай бўлиб қоларди. Табиийки, унинг номи тилга олиниши билан бутун синф жонланиб кетарди.

— Айтиб беринг, жаноб профессор, айтиб беринг! — Эҳ, Шамси, Шамси, — деб илҳом билан сўзга тушарди мураббий, — бир пайтлар зўр полвон эди. Бўйинлари — буқадай, палахса-палахса қўллари мана бундай, сирти нақ эшикдай келарди. Ҳатто мен ўзим... ҳатто мен ўзим... унинг босган изига ҳам арзимасдим.

— Ҳатто, Вучанинг Чиптаси! — деб гап қистириб қоларди ҳозиржавоб Чипта Чалабоев.

Бутун синф ҳаҳолаб юборар, Ярич эса баттар илҳомланиб кетиб, ҳаволарни шундай тақира-туқур муштлай кетардики, унинг зарбидан минбар ҳам ғижирлаб тебрана бошларди, худди бу ерда чиндан ҳам икки полвон инқиллаб бир-бирига мингашиб курашаётгандай бўлиб кетарди!

Ярич қадимги юнон курашчилари ҳақида, Геракл ва Рим полвонлари тўғрисида, Лео Штрукел, Лука Хайтиевич ва ҳоказолар борасида ҳам худди шундай юзлари қизариб ҳикоя қиларди, аммо Спарта ва спарталиклар, шоҳ Леонид ва Марафондан чиққан афсонавий чопағон ҳақида ҳикоя қилганда ҳаммадан кўпроқ қизиб кетарди.

Сехрланиб, маҳтун бўлиб қолган синф, мураббийнинг кетидан хаёлан классик Элладага бориб қолар ва у ерда Спарта жангчилари билан елкама-елка туриб, паҳлавонларнинг баҳс майдонида беллашарди, тўла ҳарбий аслаҳа-анжомлар билан қуролланган чопар бўлиб, кураш майдонидаги воқеалардан хабар келтирарди. Фақат мактаб қўнғироғи нариги дунёнинг хабарчиси бўлиб болаларни ҳушига келтирар, уларни ҳавоси оғир синфнинг ҳар кунги ҳаётига ва терлаб кетган дераза ортидаги қор совуғи уфуриб турган шаҳарчага қайтарарди.

Инсонга хос қудрат ва гўзалликнинг беҳисоб ўрнакларидан илҳомланган Ярич, буни жисмоний тарбия ва маданиятнинг олий ютуғи деб билар ва ўз қизиқиш ва билимлари билан бутун гимназияга катта таъсир ўтказарди. Унинг шогирдлари ҳамма мусобақаларда юқори натижаларни қўлга киритишар ва кўп марта ғалабага эришгандилар. Ўқув йилининг сўнгида эса, анъанавий умуммактаб спорт байрами ўтадиган Намойишлар кунини болалар ҳам, ўқитувчилар ҳам, шаҳар аҳолиси ҳам сабрсизлик билан кутардилар.

Бир спорт байрамидан навбатдаги байрамгача Ярич бутун йил давомида тинмай куйиб-пишиб юрар, спорт соҳасидаги муваффақиятлар хазинасини янги ғалабалар билан бойитарди. Кейин узоқ йиллар бўйи мактабни тамомлаган чемпионларни эслаб юрар, шогирдларнинг янги авлодларига машҳур енгил атлетикачи Лемич ҳақида, чўян тошотар Дренович ҳақида, яқин масофага сузувчи Видаич ҳақида тинмай турли-туман ҳикоялар сўзлаб берарди. Афсонавий Спарта қаҳрамонларининг шон-шуҳратидан тушган шуъла мураббийнинг ҳикояларида янги қаҳрамонларнинг номларини ҳам ёритарди.

Урушдан олдинги ўша йили орик, қорачадан келган, келиб чиқиши личалик бўлган саккизинчи синф ўқувчиси Дониш Зорич исмли йигитча мураббийда катта умид уйғотарди. Ярич доим уни машқ қилдираётганда йил сўнгида бўладиган мактабларо мусобақада ана шу шогирди ўз ғалабалари билан ҳаммани лол қолдиради, деган ширин бир хаёлни ичида ардоқлаб келарди. Ярич ҳафтасига лоақал бир марта ўз шогирдини шаҳар ташқарисига машқ қилдиргани олиб чиқарди. Одамлар икковларини гоҳ сайилда, гоҳ дарё бўйида балиқ овида, икки ўртоқдай, бирга айланиб юришганини кўришарди. Ярич бу йигитчанинг олдида ўзи ҳам яшариб борар, бамисоли ўзи мусобақаларда чиққан ва ғалаба қозонган мактаб йиллари ёнига қайтиб келгандай бўларди.

Олмония билан уруш бошланиши мураббийнинг спорт режаларини остин-устун қилиб юборди. Бир кечада давлат ҳокимияти тўла пароканда-ликка учради, саросимага тушди ва ниҳоятда тез қулади. Довдираб-эсанкираб қолган Ярич эсини йиғиб олгунча шаҳарни усташилар (хорват миллий ташкилоти, 1941 йилда Олмония ҳимоясида мустақил Хорватия давлатини қурганди) эгаллаб олди. Сербларни қувғин қилиш ва қама-қамалар бошланди. Бир куни кечаси Ярични ҳам ўрнидан турғазиб, қамоққа тиқишди. Икки кундан сўнг турмадан олиб чиқиб, бир овлоқдаги кичкина шаҳарчага олиб кетишди, у ерда нари-бери жиҳозланган дастлабки лагер жойлашган эди. Мураббий биринчи куннинг ўзида лагерда бир талай собиқ шогирдларини топиб олди; улар орасида севимли шогирди, чопағон Зорич ҳам бор эди.

— Ия, Зорич, сен ҳам шу ердамисан?! — деб хитоб қилди аламли ҳайрат билан Ярич. Бу қисқа вақт ичида ҳайрон қоларли даражада деярли бутун соч-соқоли оппоқ оқариб кетганлиги сабабли, шогирди худди арвоҳни кўриб қолгандай, беихтиёр ўрнидан сакраб туриб кетди. Бу кутилмаган учрашув онида эски дўстлар, мураббий ва шогирд гўё бир-бирларини аллақачон ўтиб кетган узоқ замонларда танигандай, энди бошқа дунёларда, бутунлай бошқача фикрловчи, хатти-ҳаракатлари ҳам бошқача, борлиқни бошқача қабул қилувчи бошқа одамлар ичида топишгандай эдилар.

Улар бир-бирлари билан жуда оз, беш дақиқа сўзлашдилар, бироқ шу ҳам энг муҳим ҳодиса — яқингинада уларни бир-бирига боғлаб турган нарса қайгадир борса келмас ёқларга кетгани ва балки ўлганини англаб етиш учун етарли бўлди. Уларни бир-бирига тенг ва яқин қилган муҳим бир нарса ғойиб бўлган эди, бир зумда гўё уларнинг кўзлари очилгандай бўлди. Ярич ўз олдида кечаги ғўр ва хом йигитча бугун нима қилишни билмай довдираб турганини кўрган бўлса, Зорич қаршисида соч-соқоли пахтадай оқариб кетган, ўзини-ўзи ҳимоя қилишга ҳам ярокси заиф бир чолни кўрди.

Бир куни эрталаб маҳбусларга йўлга ҳозирлик кўришни буюришди. Лагер бўйлаб:

— Госпичга борарканмиз! — деган овоза тарқалди.

Ўрмонларга яширинаётган «исёнчилар» тўғрисидаги узлуксиз давом этаётган гап-сўзлардан қўрқувга тушган усташилар эҳтиёткорлик юзасидан ёш маҳбусларни жуфт-жуфт қилиб боғлашди. Арқон танқислиги туфайли баъзи бировларни қўлга тушган оддий каноплар-ла боғлашди.

— Қани, профессор, бир ўрнингдан туриб, армиянгни йўлга ҳозирла-чи... — усташи зобити истеҳзосиз, жиддийлик билан Ярични турттиб, қўллари боғланган шогирдлари томонга йўллади.

Ярич атрофга назар ташлаб, энг аввал чопағон Зорични излади. Шубҳасизки, колоннани ўша бошқариб бориш керак.

— Зорич! Ҳой, Зорич!

Чопағон ўз синфдоши, мактабдаги асосий рақиби Чалабоев, яъни Васо Лаврия, кўримсиз, паканароқ йигитчага жуфт бўлган экан. Ярич уларни колонна бошига турғазди ва:

— Мана, Лаврия, сенга ҳам биринчилик, ҳатто чемпион бўлиш замони келди, — деб аччиқ кулимсираб қўйди.

Колонна дафн жимлигида шаҳарчадан чиқиб, унча баланд бўлмаган тепаликлар оралиғидан юқорига кўтарилди ва дара бўйлаб кетди. Дара унда-мунда тўп-тўп ингичка қайинлар билан қопланган, ерда асосан қирқулоқлар денгиз тўлқинидай чайқалиб ётарди. Йўл ёқасидаги жойларни кесиб ўтган майда жарликлар ва ўпириқларда қинғир-қийшиқ ёнғоқ дарахтлари ва мажмағил, жонсиз жўхорилар болалаб, қўпайиб ётарди. Қандайдир юз метрча ораликда, йўлнинг чап томонида азим эманзорлар қўрғони қад кўтариб турарди.

Булутли серёғин кун эди, кўклам мавсумида бундай ёғингарчиликлар кўп бўлиб туради. Бу намгарчилик бегона ва аёвсиз одамлар қуршовида номаълум қўрқинчли тарафларга кетаётган асирларнинг оғир кайфиятини баттар оғирлаштирарди. Сўнгги вақтларда шафқатсиз одамлар кўпайгандан кўпайиб борар, худди бу бадбахт йил ҳар куни шундайларни туғаётганга ўхшарди. Йўлда кетаётган катталар хавотирланиб шивирлашарди, мактаб болалари эса беғам, бепарво тап-тап йўл босиб боришар, очиқ осмон тагида қаёққадир кетаётганларидан мамнун эдилар — булар келажак ҳақида ўйламас ҳам эдилар.

Олинган тезликни сақлашга тиришиб, ранги ўчиб, терлаб кетаётган Ярич, илгарилари шогирдларини машғулотга олиб чиққанда қандай юриб борган бўлса, ҳозир ҳам шундай — колонна билан ёнма-ён одимлаб борарди. Ҳар доимгидай ўз арзандасини назардан қочирмасди, шогирди ўз ўртоқларини якшанбалик сафарга олиб чиққандай эминбардам олдинга етаклаб борарди.

Бирдан колонна бошида қандайдир нотинчлик ва саросима юз берди. Колонна бир лаҳзада қатор ораларини зичлаб тўхтади, шу пайт Зорич колоннадан ажралди ва қирққулоқлар устидан сакраб эманзорга ўқдай отилди. Унинг кетидан пакана Лаврия ҳам югурди; бир неча марта бор кучи билан сакради, кейин, кутилмаганда чап томонга отилиб, биринчи кўндаланг жарликка ширинди.

Колонна думидаги соқчи усташилар:

— Кетаяпти, кетаяпти! Ушла уни? — деб бақиришди.

Икки-уч усташи қочқинлар ортидан югурди. Ўқ қарсиллади, аммо яна:

— Отилмасин! Тириклай ушлансин! — деган ҳайқириқ янгради.

Қувиб кетаётганларнинг отишга вақтлари йўқ, қолганлар эса қочқинларга ўқ отай деса, ўз одамларини отиб қўйишдан қўрқиб, ўқ узмасди. Бутун қирққулоқлар оша қувғин давом этарди. Айни чоғда Зорич ўз оёқларининг маҳоратига тўла ишонган ҳолда, жарликдаги пана жойлар паноҳини истамай, таъқибчилардан борган сари узоқлаша борар, очиқдан-очиқ мардонаворлик билан иккинчи қочоқни унутишга мажбур қилаётган эди. Синфдоши Лаврия Чалабоев эса, кўрсичқонга ўхшаб, шармандаларча топилиши осон жойга яширинган эди.

Асирлар колоннаси қувғинни нафас ютиб кузатарди. Ярич худди бу сафар арзандаси ўлимдан қочаётганини унутгандай, яна жонланиб ва яшариб, сакраб йўл ёқасига чиқиб олди ва сиқилган муштларини ҳавода ўйнатиб, бор кучи билан қочқин орқасидан ҳайқирди:

— Олға, Зорич! Олға! Яша, марафончим! Бос, Зорич, бос!

Бу нидолардан мадад ва куч олган Зорич сийрак оққайинлар орасидан ўтиб, эманзор ўрмонга яқинлашиб, учиб борарди. Ярич завқланганидан рақсга тушиб кетди, у тантана қилиб бақирарди:

— Яшавор, қандингни ур, марафончим! Олға, олға!

Қочқин таъқибчилардан анча узоқлашиб кетгандан сўнг, ана шундагина унинг ортидан бир неча бора ўқ узилди. Сўнгги ўқ эса, қўрқоқларга хос ҳадиксираш билан яп-яқиндан унинг мураббийси ва жонкуярига қарата отилди. Спортчиларга хос жахд-жадал жазавасида қайнаб кетган бахтли Ярич кутилмаган ўқ овозидан ларзага тушиб, бир қалқиб тушди, аммо нажотбахш ўрмон ичида ширириб улгурган ғолиб арзандасидан кўзларини узмас эди.

Русчадан Миразиз АЪЗАМ таржимаси

Hikoya

Xullas...

ОҚҚУШЛАРНИ ҚЎРҚИТМАНГ, ҚАСОС ОЛАДИ

Польшада, Плоцк шаҳарчасига яқин жойдаги сув омборида оққуш бир аёлни чўктириб юборди. Бунга аёлнинг ўзи сабабчи.

Яъни қандай?

Воқеани кузатиб турганларнинг гувоҳлик беришича, аёл сузиш маън қилинган жойга борган ва суза бошлаган. Ўша сузиш ҳавзасида оққушларнинг кўпайиши учун имконият яратилган эди. Табиийки, қушларнинг осойишталигини бузган аёл улкан оққушлардан бирининг қаҳрига учради. Қуш унинг атрофида гирдикапалак бўлиб учар, унинг ҳар жойидан чўқиларди. Ваҳимага тушган аёл сувнинг ўртасида ўзини дам у ёққа, дам бу ёққа отар, аммо вазиятдан чиқиб кета олмасди. Шундай қилиб, у сувга чўкиб кетди. Қутқаришни истовчилар у ерга боришдан қўрқишарди. Ахир қуш уларни ҳам чўктириб юбориши мумкин эди-да...

Орнитологлар, яъни қушлар ҳаёти билан шуғулланувчи мутахассислар бу фожеанинг сабабини жуда оддий, дейишди. Аёл сувда сузаман, деб қушларнинг тинчини бузган. Чунки улар бу пайтда тухум қўя бошлаган эди.

Начора, аёлнинг ўлими учун қушлар жиноий жавобгарликка тортилмайди.

ЭССИЗ, БРИЛЛИАНТ...

Буюк Британиядаги фирмалардан бири жуда ҳам қимматбаҳо чўмилиш либосини ишлаб чиқди. Унга бриллиант қадаб чиқилган. У тахминан 200 минг доллар миқдоридаги бриллиантни ўзига "жойлаштирди". Қимматбаҳо тошнинг увол қилинганига эса ҳеч ким афсусланмади. Эссиз, бриллиант...

Ана шу чўмилиш кийими "ким ошди" савдосига қўйилди. Харидорлар уни ўраб олишди. Ҳар ким ўз нархини берарди. Ниҳоят, унинг харидори топилди. У Саудия Арабистонидаги миллионерлардан бири бўлиб, исм-шарифини сир тутди, деб хабар беради Англияда чиқадиган "Сан" газетаси.

УЧ АВЛОДНИНГ МЕРОСИ

Йошкар-олалик еттинчи ва учинчи синф ўқувчилари бўлган Руслан ҳамда Алена "Оилавий архив" танловининг ғолиби деб тан олиндилар. Бу танлов ташкилотчиси шаҳардаги ижтимоий-сиёсий марказдир.

Бу болаларнинг момо, боболари сандиғида жуда кўп нарсалар бор экан. Никифор ота узоқ йиллар тикувчи бўлиб хизмат қилган, Мари миллий кийимларини тиккан. Жомадонга эса у буюртмаларни солган. Унда Никифор чолнинг қайчиси ҳам сақланган.

Чол-кампир фарзандлар кўришган, тикувчилик орқасидан ризқ-насиба топишган. Энди болаларининг болалари, яъни, учинчи авлодга ўша асбоб-ускуналар мерос бўлиб ўтди. Бу каби қадимий жиҳозлар туфайли неваралар совринга ҳам эга бўлишди.

ana shunaqa gaplar

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир: Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот Қўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йил рўйхатга олинган.
ИНДЕКС: 149, 150. Г-566.
Тиражи 19619. Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 4 босма табоқ.
Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2

Навбатчи муҳаррир: Насиба ЭРХОНОВА,
Навбатчи: Ғофур ЖАБИЕВ.

«Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.
Таҳририятга юборилган материаллар муаллифга қайтарилмайди.
Ⓜ белгиси остида реклама материаллари берилади

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
E-mail: marifat@ars-inform.uz
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-57-89, олий таълим янгиликлари бўлими, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим янгиликлари бўлими —136-55-58, хатлар, маънавий ва сиёсий ҳаёт янгиликлари бўлими — 136-54-23, умумий ўрта таълим янгиликлари бўлими, ўқувчиларни касбга йўналтириш ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими — 136-54-03, реклама ва тарғибот бўлими — 136-54-69 (факс).

Баҳоси сотувда эркин нархда
Pentium IV компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй
Босишга топшириш вақти—21.00.
Топширилди — 21.00